

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

ИСМОИЛОВ Ш.А.

**“ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ ” ФАНИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ- 2006 й.

Тошкент Давлат юридик институти ўқув-услугий кенгашининг қарорига кўра нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Такризчилар:

ИСМОИЛОВ Ш.А.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Ўқув-услугий қўлланма. Доцент Й.Турсуновнинг таҳрири остида. “Молия” нашриёти, 2006 й.- бет.

Услугий қўлланма таълимнинг 380100-юриспруденция йўналишида бакалаврият босқичида “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” фанини ўрганишга оид дастур асосида тайёрланган. Унда “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” ўқув курсига оид мавзулар бўйича масалалар тўплами ва икки юздан ортиқ тест саволлари берилган. Шунингдек, мазкур ўқув курсига тегишли бўлган семинар машғулоти мавзулари, мавзуга оид назорат саволлари ва адабиётлар рўйхатлари берилган.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанини ўрганиш бўйича ёзилган мазкур ўқув-услугий қўлланма ўқитишнинг интерактив усуллари кенг фойдаланган ҳолда семинар машғулоти самарали ўтказишга ёрдам беради ва талабалар ўқув курси бўйича ўз билимларини синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Мазкур ўқув-услугий қўлланма олий ўқув юртли, коллежлари талабалари, шунингдек амалиётчи ходимлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

“Молия” нашриёти, 2006 йил.

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар натижасида инсон ҳуқуқлари, умуминсоний демократик принциплар тобора кенг эътироф этилмоқда, уларнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда таъкидлаганидек: “Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатларининг давлат манфаатларидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан.

Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципларни ҳаётимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир¹. ”

Аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли табақаларига ёрдам кўрсатиш – тараққиётимиз мақсадларидан бири саналади. Ушбу вазифани амалга оширилиши қонунларимизнинг кенг тарғиб этилиши, малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга боғлиқдир.

Давлат таълим стандартлари ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастури замонавий кадрлар тайёрлаш, уларнинг илмий, маънавий савияси юксак бўлишига эришиш мақсадини кўзлайди.

Мазкур услубий қўлланма “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ” курсини ўрганиш ва ўзлаштириш масаласида талабаларга услубий ёрдам кўрсатишга қаратилган.

Услубий қўлланма ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган барча кишиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Й.Турсунов,
Тошкент Давлат юридик
институтининг доценти.

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг манфаатлари ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Халқ сўзи, 2005 йил, 7 декабрь.

1-Мавзу. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг тушунчаси ва тизими. Меҳнат стажи.

1. Фуқароларнинг моддий таъминот олиш ҳуқуқи ва ижтимоий таъминотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя тушунчалари.
2. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг предмети, методи, тизими ва вазифалари. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқлари.
3. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг тамойиллари тушунчаси, умумий тавсифи ва мазмуни.
4. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва мазмуни. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларнинг элементлари.
5. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиш асослари.
6. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг манбалари тушунчаси ва уларнинг таснифи.
7. Ижтимоий таъминот соҳасида норматив ҳужжатларнинг вақт, ҳудуд ва шахслар доирасида амал қилиши.
8. Меҳнат стажи тушунчаси, турлари ва аҳамияти.
9. Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби.

Масалалар.

1. Фуқаро Алиев “Отчопар” буюм бозорида хусусий тадбиркорга юкларни сотишда ёрдам беради ва кунлик иш ҳақини ана шу кун олади. Алиев бозор маъмуриятига муайян ёшга етгандан кейин пенсия олишга ҳуқуқи бор-йўқлиги масаласида мурожаат қилди.

Фуқаро Алиев муайян ёшга етгандан кейин пенсия ёки ижтимоий таъминотнинг бошқа турларини олишга ҳақлими? Ўзини иш билан мустақил таъминлаётган аҳолининг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқи қандай амалга ошади?

2. Хусусий тадбиркор Тиллаев судга мурожаат қилиб солиқ органлари ундан пенсияга деб ортиқча тўловлар ундириб қолаётганлиги устидан шикоят қилди. Фуқаро Тиллаев ҳозирда бундай тўловлар тўлаш унга оғирлик қилаётганлигини айтиб, олдин пенсияга деб ундирилган суммаларни ҳам солиқ органларидан қайтариб беришларини сўради.

Фуқаро Тиллаевнинг шикояти ўринлими? Ихтиёрий ва мажбурий суғурталаш деганда нимани тушунаси?

3. Фуқаро Маллаева 2005 йилда 55 ёшга тўлди ва ижтимоий таъминот бўлимига меҳнат стажи ҳақидаги қуйидаги маълумотларни тақдим қилди. 1980-85 йилларда педагогика олий ўқув юртида талаба, 1985-95 йилларда учта фарзанд парваришлаган, 1995-2000 йилларда умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган, 2000-2005 йилларда турмуш ўртоғи Ҳ гуруҳ ногирони бўлиб қолганлиги учун уни парвариши билан банд бўлган. Ижтимоий таъминот бўлими мазкур фуқарога 11 йил меҳнат стажи белгилади.

Фуқаро Маллаеванинг меҳнат стажи муддати тўғри белгиланганми? Тўғри белгиланган бўлса асослаб беринг ёки нотўғри белгиланган бўлса, ушбу фуқаронинг меҳнат стажини ҳисобланг.

4. Корхона ходими Шамсиев оғир касал бўлиб қолганлиги туфайли, ўзига дори-дармон сотиб олиш учун корхонадан моддий ёрдам беришларини сўради. Чунки корхона жамоа келишувида корхона ходимларига тиббий ёки бошқа санаторий-курортларда даволаниш учун дори воситаларини сотиб олишда пул шаклида моддий ёрдам берилиши назарда тутилган эди. Бироқ корхона маъмурияти Шамсиевга ушбу ёрдам пули корхонанинг иқтисодий имкониятлари мавжуд бўлсагина меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан амалга оширилишини, ҳозирда ортиқча маблағлар йўқлиги сабабли мазкур ёрдам пулини тўлай олмасликларини айтди. Ходим Шамсиев ўзидан илгари бир нечта ходимларга ушбу ёрдам берилганлигини ва ўзига ҳам берилишини корхона маъмуриятидан талаб қилди.

Ходим Шамсиевнинг талаби қонунийми? Агар тарафлар ўртасида ушбу ёрдам пулини бериш юзасидан низо келиб чиқса, низо қайси қонунчилик асосида ҳал қилинади?

5. Фуқаро Назаров олти ой аввал ёшга доир пенсияга чиққанлигини, бироқ пенсия тайинлашда ижтимоий таъминот бўлими унинг меҳнатда майибланиш оқибатида беш йил ҚХ гуруҳ ногирони бўлган даврни меҳнат стажига қўшмаганлиги оқибатида кам миқдорда пенсия тайинланганлиги устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органига шикоят билан мурожаат қилди. Ҳокимият юристи фуқаро Назаровга ушбу шикоят билан ижтимоий таъминот бўлимининг ўзига мурожаат қилинг деган мазмунда жавоб берди.

Фуқаро Назаровнинг шикояти ўринлими? Ижтимоий таъминот бўлимининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби қандай?

Тест саволлари.

1. Ижтимоий таъминот деганда нимани тушунасиш?

- а) жамият томонидан унинг аъзосига ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан кўрсатиладиган турли хил ёрдам;
- в) аҳолининг муайян қатламига бериладиган турли хил ёрдам шакллари;
- с) аҳолининг барча қатламларига муайян ҳолатлар (юридик фактлар) юзага келганда давлат бюджети ва махсус бюджетдан ташқари фондлардан бериладиган моддий ёрдамлар ёки кўрсатиладиган хизматлар;
- д) кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдамлар;
- е) фақат муҳтож аҳоли табақасига бериладиган турли хил ёрдамлар;

2. Ижтимоий таъминот турлари нотўғри кўрсатилган қаторни топинг.

- а) пенсиялар;
- в) нафакалар;
- с) ижтимоий хизматлар;
- д) бепул таълим олиш;
- е) тўғри жавоб йўқ;

3. Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи қандай ҳуқуқ?

- а) шахсий ҳуқуқ;
- в) сиёсий ҳуқуқ;
- с) иқтисодий ҳуқуқ;
- д) ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ;
- е) тўғри жавоб йўқ;

4. Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқи ўз ифодасини топмаган норматив актни топинг.

- а) БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси;
- в) БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакти;
- с) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- д) Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни;
- е) тўғри жавоб йўқ;

5. Фуқароларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ижтимоий таъминотнинг тури бўлиб ҳисобланадими?

- а) агар тиббий ёрдам тиббий суғурта маблағларидан ёки алоҳида имтиёз шакли сифатида амалга оширилса ижтимоий таъминотнинг тури бўлиб ҳисобланади;
- в) фақат санаторий-курортларда даволаш ва хизмат кўрсатиш ижтимоий таъминотнинг шакли ҳисобланади;
- с) фуқароларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ва унинг ҳар қандай кўринишлари ижтимоий таъминот шакли бўлиб ҳисобланмайди;

д) фақатгина алоҳида имтиёз шакли сифатида бериладиган тиббий ёрдам ижтимоий таъминотнинг бир тури ҳисобланади;

- е) тўғри жавоб йўқ;

6. Ижтимоий таъминотга хос бўлмаган белгини топинг.

- а) ижтимоий таъминотнинг давлат бюджети ва махсус бюджетдан ташқари фондлардан маблағ билан таъминланиши;
- в) ижтимоий таъминотнинг муайян юридик фактлар юзага келгандагина тўланиши;

- с) ижтимоий таъминотнинг мақсадлилиги;
- d) ижтимоий таъминотнинг умумийлиги;
- е) тўғри жавоб йўқ;

7. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи предмети ташкил қилувчи ижтимоий муносабатлар тўлиқ берилган жавобни топинг.

- а) пенсиялар ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар;
- в) пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар;
- с) пенсиялар, нафақалар, ижтимоий хизматлар, ижтимоий таъминот билан боғлиқ муайян юридик фактларни белгилаш ва ижтимоий таъминот соҳасида ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ процессуал муносабатлар;
- d) ишсизлик нафақаси ва компенсация тўловлари билан боғлиқ муносабатлар;
- е) тўғри жавоб йўқ;

8. Ижтимоий таъминот ҳуқуқига оид методларнинг хусусиятлари тўғри келтирилган қаторни топинг.

- а) ижтимоий таъминотга оид муносабатларни тартибга солишда марказий ва локал усулларнинг уйғунлашуви;
- в) ижтимоий таъминотга оид муносабатларни тартибга солишда марказий ва локал усулларнинг уйғунлашуви;
- с) ижтимоий таъминотнинг субъектлари сифатида фуқароларнинг мутлоқ ҳуқуқи;
- d) белгиланган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш;
- е) барча жавоблар тўғри;

9. Ишсизлик нафақасини тўлашга оид муносабатлар қайси ҳуқуқ предметига киради?

- а) меҳнат ҳуқуқи;
- в) молия ҳуқуқи;
- с) ижтимоий таъминот ҳуқуқи;
- d) маъмурий ҳуқуқ;
- е) фуқаролик ҳуқуқи;

10. Ижтимоий таъминот тизимини маблағ билан таъминлашга оид муносабатлар қайси ҳуқуқ предмети ташкил қилади?

- а) молия ҳуқуқи;
- в) ижтимоий таъминот ҳуқуқи;
- с) солиқ ҳуқуқи;
- d) маъмурий ҳуқуқ;

е)тўғри жавоб йўқ;

11.Ижтимоий таъминот ҳуқуқида ҳам амал қиладиган соҳалараро тамойилларни топинг.

- а) мулкка эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- в) оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши;
- с) инсонпарварлик;
- д) ижтимоий таъминотнинг хилма-хиллиги;
- е) барча жавоблар тўғри;

12. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи соҳасига оид тамойиллар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) ижтимоий таъминотни ижтимоий суғурта ва бюджет маблағларидан амалга оширилиши;
- в) ижтимоий таъминот турларининг хилма-хиллиги;
- с) ижтимоий таъминотнинг умумийлиги;
- д) ижтимоий таъминотнинг миқдори тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлмаслиги;
- е) барча жавоблар тўғри;

13. Ижтимоий таъминотнинг умумийлиги тамойили мазмуни қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) зарурий шартлар мавжуд бўлган тақдирда барча фуқароларга уларнинг миллати, тили, дини ва бошқа белгиларидан қатъи назар ижтимоий таъминот олиши;
- в) ҳеч қандай шартларсиз барча фуқароларга уларнинг миллати, тили, дини ва бошқа белгиларидан қатъи назар ижтимоий таъминот билан таъминланиши;
- с) барча фуқароларнинг тенг миқдорда ижтимоий таъминот олиши;
- д) айрим тоифа фуқароларга ижтимоий таъминот юзасидан имтиёзлар берилиши;
- е) нафақат фуқаролар, балки оилага ҳам ижтимоий таъминот берилиши;

14. Ижтимоий таъминот қайси манбалар ҳисобидан амалга оширилади?

- а) ижтимоий суғурта маблағларидан;
- в) давлат бюджети маблағларидан;
- с) маҳаллий бюджет маблағларидан;
- д) турли жамғармалар маблағларидан;
- е) барча жавоблар тўғри;

15. Ижтимоий таъминот турларининг хилма-хиллиги тамойили мазмунига тўғри келмайдиган ёрдам турини кўрсатинг?

- а) ёшга доир пенсия, ногиронларни касбий ўқитиш;
- в) санаторий- курортда даволаш, протез -ортопедик ёрдам;
- с) ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш, дори-дармонлар билан таъминлашда имтиёзлар;
- д) ижтимоий нафақалар, субсидиялар;
- е) тўғри жавоб йўқ;

16.Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар тушунчасига тўғри таъриф берилган жавобни топинг.

- а) ижтимоий таъминотни айрим турлари юзасидан унинг субъектлари ўртасидаги алоқа;
- в) ижтимоий таъминот ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинган, ижтимоий таъминотнинг барча турларини тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ унинг субъектлари ўртасидаги юридик алоқа;

- с) ўзаро ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги алоқа;
- д) а, б;
- е) а, б, с;

17. Ижтимоий таъминотга оид бевосита ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли бўлмаган муносабатлар турини кўрсатинг.

- а) пенсия тайинлаш ва тўлашга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- в) ижтимоий хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- с) нафақалар тайинлаш ва тўлашга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- д) процессуал ҳуқуқий муносабатлар;
- е) б ва д;

18. Ижтимоий таъминотга оид билвосита (мустақил вужудга келмайдиган) ҳуқуқий муносабатларни белгиланг.

- а) ижтимоий хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- в) нафақалар тайинлаш ва тўлашга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- с) процедурага оид ҳуқуқий муносабатлар;
- д) процессуал ҳуқуқий муносабатлар;
- е) с, д;

19. Пенсияга доир ҳуқуқий муносабатлар тури нотўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- а) ёшга доир пенсияларни тайинлашга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- в) ижтимоий пенсияларга доир ҳуқуқий муносабатлар;
- с) ногиронлик пенсияси тайинлашга доир ҳуқуқий муносабатлар;
- д) боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- е) тўғри жавоб йўқ;

20. Процедурага оид ҳуқуқий муносабатлар мазмунини қайси жавобда тўғри берилган?

- а) ижтимоий таъминот юзасидан вужудга келадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш билан боғлиқ муносабатлар;
- в) юридик фактларни белгилаш ва юридик аҳамиятга эга бўлган вазиятларни тасдиқлаш юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар;
- с) ижтимоий таъминотни амалга ошириш юзасидан асосий моддий ҳуқуқий муносабатлар;
- д) ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий муносабатлар;
- е) тўғри жавоб йўқ;

21. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқ лаёқати неча ёшдан бошлаб вужудга келади?

- а) 16 ёшдан;
- в) 18 ёшдан;
- с) туғилишдан;
- д) 15 ёшдан;
- е) тўғри жавоб йўқ;

22. Вояга етмаган шахс ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бўла оладими?

- а) ижтимоий таъминотни олиш учун тегишли юридик фактлар бўлса, вояга етмаган бўлса ҳам бўла олади;
- в) йўқ субъектлар бўла олмайди, уларга васий ёки ҳомий тайинланади;
- с) шахс туғилишидан бошлаб ушбу муносабат субъектига айланади;
- д) а ва с;
- е) тўғри жавоб йўқ;

23. Муомалага лаёқатсиз шахс ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўла оладими?

- a) ҳа, бўла олади;
- в) вакил орқали бўла олади;
- с) йўқ, бўла олмайди;
- d) ногиронлик белгиланса бўла олади;
- е) тўғри жавоб йўқ;

24. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар субъектларидан бири нотўғри кўрсатилган жавобни аниқланг.

- a) меҳнатга лаёқатсизлар;
- в) ногиронлар;
- с) болалар;
- d) ишсизлар;
- е) барча жавоблар тўғри;

25. Пенсиянинг қайси турини олишда оила субъект бўлиши мумкин?

- a) ижтимоий пенсия;
- в) ёшга доир пенсия;
- с) ногиронлик пенсияси;
- d) боқувчисини йўқотганлик пенсияси;
- е) тўғри жавоб йўқ;

26. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар субъекти нотўғри берилган жавобни топинг.

- a) маҳаллий меҳнат органлари;
- в) ижтимоий таъминот бўлимлари;
- с) касаба уюшмалари;
- d) соғлиқни сақлаш бўлимлари;
- е) барча жавоблар тўғри;

27. Ёшга доир пенсияга оид ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи юридик фактларнинг нотўғри берилганини топинг.

- a) ариза билан мурожаат қилганлик;
- в) қонунда белгиланган ёшга етганлик;
- с) ҳеч бўлмаганда беш йил меҳнат стажига эга бўлишлик;
- d) давлат пенсиясини тайинловчи комиссиянинг белгиланган миқдорда пенсия тайинлашлик ҳақидаги қарори;
- е) барча жавоблар тўғри;

28. Фуқарога йўқотилган иш ҳақи ўрнига ёки қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида қонун билан белгиланган тўловлар деганда нимани тушунасиз?

- a) пенсияни;
- в) нафақани;
- с) ижтимоий хизматнинг моддий шаклда кўрсатилиши;
- d) имтиёзлар;
- е) тўғри жавоб йўқ;

29. Натурал шаклда кўрсатиладиган ижтимоий хизмат турларини кўрсатинг.

- a) тиббий ёрдам ва даволаш;
- в) меҳнатга лаёқатсизларни ижтимоий муассаларда сақлаш;
- с) бепул ёки имтиёзли шартларда протезлаш;

- d) меҳнатга яроқсиз ёлғиз фуқароларга бепул ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш;
- e) барча жавоблар тўғри;

30. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг манбаи нотўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорлари;
- b) жамоа шартномалари;
- c) жамоа келишувлари;
- d) маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари;
- e) вазирликларнинг йўриқномалари;

31. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?

- a) 1993 йил 6 май;
- b) 1996 йил 29 август;
- c) 1991 йил 18 ноябрь;
- d) 1993 йил 3 сентябрь;
- e) 2004 йил 2 декабрь.

32. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистонда яшаётган чет эл фуқароларига қачон тадбиқ этилади?

- a) чет эл фуқароларига ҳам улар Ўзбекистон Республикасида яшаётган бўлсалар, ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тадбиқ қилинади;
- b) фақат халқаро шартномаларда назарда тутилган бўлса, тадбиқ қилинади;
- c) чет эл фуқароларига, улар Ўзбекистон Республикасида яшаётган бўлсалар ҳам ўз давлатининг шу соҳадаги қонун ҳужжатлари тадбиқ этилади;
- d) чет эл фуқароларининг хоҳиши бўйича амалга оширилади;
- e) тўғри жавоб йўқ;

33. «Пенсия таъминоти соҳасида МДҲ аъзо давлатлар фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида»ги Келишув қачон тузилган?

- a) 1992 йил 13 март;
- b) 1993 йил 12 март;
- c) 1994 йил 14 март;
- d) 1991 йил 11 март.
- e) бундай келишув тузилмаган;

34. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқи Конституциянинг нечанчи моддасида белгилаб қуйилган?

- a) 11-модда;
- b) 36-модда;
- c) 37-модда;
- d) 38-модда;
- e) 39-модда.

35. Меҳнат стажи мазмунини тўғри ёритилган жавобни топинг.

- a) ижтимоий сугурта маблағлари ўтказиб турилган меҳнат фаолияти даври;
- b) бевосита меҳнат фаолияти ва бошқа ижтимоий фойдали фаолият давомийлигининг жами;
- c) бевосита амалда давом этган меҳнат фаолияти даври;
- d) деҳқон хўжалигига аъзолик даври;
- e) барча жавоблар тўғри;

36. Умумий меҳнат стажининг тушунчаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- a) ижтимоий суғурта бадаллари тўлаб турилган меҳнат фаолияти, шунингдек қонунда махсус назарда тутилган алоҳида даврлар;
- b) зарарли, ноқулай шароитларда, муайян касб, лавозим ва жойларда, ишларда ишланган давр ва шу туфайли ижтимоий таъминот олиш соҳасида имтиёзлардан фойдаланишнинг ҳуқуқини берадиган даврлар;
- c) узлуксиз бир соҳада ишланган давр;
- d) алоҳида тусга эга бўлган ишларда узоқ ишланган давр;
- e) тўғри жавоб йўқ;

37. Меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқи қандай амалга оширилади?

- a) фуқаролар меҳнат стажига эга бўлмасалар энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида пенсия оладилар;
- b) меҳнат стажига эга бўлмаган фуқаролар давлат пенсияларини олиш ҳуқуқига эга эмаслар;
- c) меҳнат стажига эга бўлмаган фуқаролар белгиланган тартибда нафақа олади;
- d) a, b;
- e) b, c;

38. Иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турларидан бири нотўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) Ҳ гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;
- b) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактаблари ва курсларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш даври;
- c) онанинг болаларини гўдаклик даврида парваришлаган вақти;
- d) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон қутқарув қисмларидаги хизмат;
- e) барча жавоблар тўғри;

39. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиш даврининг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиш шартлари тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- a) фақат кундузги шаклда ўқиш;
- b) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган ҳолдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланган камида 5 йиллик умумий меҳнат стажига эга бўлиш;
- c) 5 йиллик умумий меҳнат стажига ўқишдан олдин эга бўлишлик;
- d) a,b;
- e) a,b,c;

40. Чўпонларнинг хотинлари ишга жойлашиш имконияти бўлмаган даврларда эри билан бирга яшаган вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиш шarti нимадан иборат?

- a) улардан беш йил меҳнат стажи талаб қилинади;
- b) улардан 3 йил махсус стаж талаб қилинади;
- c) улар ногирон бўлиб қолган бўлсалар;
- d) улар кейинчалик оғир ва зарарли шароитларда ишлаган бўлсалар;
- e) улар кейинчалик махсус давлат мукофотларини олган бўлсалар;

41. Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейин ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланадими?

- a) ёшга доир пенсия чиққандан кейин ишланган вақт ҳам стажга киради;

- b) ижтимоий таъминот бўлими хоҳишига боғлиқ;
- c) ёшга доир пенсия тайинланганидан кейин ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат стажига қўшилмайди;
- d) агар иш берувчи пенсияга чиққандан кейин ҳам ишлаётган шахсга суғурта бадалларини ўтказган бўлса;
- e) тўғри жавоб йўқ;

42. Ҳам отасидан ҳам онасидан айрилган болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳисоблаб чиқаришда қайси бирининг меҳнат стажига қаралади?

- a) отанинг меҳнат стажига қаралади;
- b) онанинг меҳнат стажига қаралади;
- c) ҳам отанинг, ҳам онанинг меҳнат стажига қаралади;
- d) ота-онадан бирининг меҳнат стажига қаралади;
- e) тўғри жавоб йўқ;

43. Иш стажига имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланадиган фаолият давлари қайси жавобда берилган?

- a) патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг айрим тиббий ходимларининг иши;
- b) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда қатағон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида турган вақти;
- c) маховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш;
- d) ҚХЖаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарисидида ишлаш;
- e) барча жавоблар тўғри;

44. Асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилиб, кейин оқланган фуқаронинг бир йил қамоқда турган вақти қанча меҳнат стажига юради?

- a) бир ярим йил;
- b) икки йил;
- c) кейинчалик шахс оқланган бўлса ҳам қамоқда бўлиш даври меҳнат стажига кирмайди;
- d) уч йил;
- e) тўғри жавоб йўқ;

45. Саноатнинг мавсумий тармоқларига оид корхоналарда тўлиқ мавсум мобайнида ишлаш қанча ишланган деб топилади?

- a) бундай корхоналарда тўлиқ мавсум давомида ишлаш бир йил ишлаган деб ҳисобланади;
- b) бундай корхоналарда тўлиқ мавсум давомида ишлаш мавсум қанча муддат давом этса, шу муддат доирасида меҳнат стажи ҳисобланади;
- c) бундай корхоналарда тўлиқ мавсум давомида ишлаш икки йил ишлаган деб ҳисобланади;
- d) бундай корхоналарда гарчи тўлиқ мавсум давомида ишланган бўлса ҳам меҳнат стажи сифатида ҳисобга олинмайди;
- e) тўғри жавоб йўқ;

46. Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг чет элда ишлаган даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобладими?

- a) йўқ, қўшиб ҳисобланмайди;
- b) агар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар ўтказиб турилган бўлса, қўшиб ҳисобланади;

- с) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бадаллар тўланмаса ҳам меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади;
- д) Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликка бир марталик тўловни амалга оширган бўлса меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади;
- е) тўғри жавоб йўқ;

47. Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг чет элдаги иши меҳнат стажига қўшиб ҳисобланадими?

- а) уларнинг чет элда ишлаган вақти Ўзбекистон Республикасида меҳнат стажи ҳисобланмайди;
- б) уларнинг чет элда ишлаган даври Ўзбекистон Республикасида меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши мумкин;
- с) уларнинг чет элда ишлаган даври Ўзбекистон Республикасида ишлаган бўлсагина ҳисобга олинади;
- д) уларнинг чет элдаги иши Ўзбекистон Республикасида ишлаганига тўғри келадиган стажнинг 1/3 хиссасидан ошмаган миқдорда стажига қўшилади;
- е) а, б, с;

48. Меҳнат дафтарчаси кимларга юритилади?

- а) мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда беш кундан ортиқ ишлаган фуқароларга;
- б) муайян муддатга ёлланган ходимларга;
- с) давлат ижтимоий суғурта қилиниши кўзланган тақдирда, штатлар жадвалидан ташқари ходимларга;
- д) а, б;
- е) барча жавоблар тўғри; .

49. Меҳнат дафтарчасига қандай маълумотлар киритилади?

- а) ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзув;
- б) бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисидаги ёзув;
- с) вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги ёзув;
- д) интизомий жазолар тўғрисидаги маълумотлар;
- е) а ва б;

50. Ходимнинг иши, бошқа доимий ишга ўтказилиши тўғрисида нотўғри ёки ноаниқ ёзувлар аниқланган тақдирда улар ким томонидан тўғриланади?

- а) ушбу ёзувни киритган иш берувчи томонидан;
- б) корхона тугатилган бўлса, шу корхона бўйсунган юқори ташкилот томонидан;
- с) корхона қайта ташкил этилганда унинг ҳуқуқий вориси томонидан;
- д) корхона бутунлай тугатилган тақдирда тегишли архив муассасаларидан олинган маълумотлар асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан;
- е) а, б, с;

51. Ходимга ишлаб турган даврида янги малака даражаси берилса, бу ҳақда меҳнат дафтарчасига тегишли ёзув киритиладими?

- а) ходимга янги малака даражаси берилса, бу ҳақда белгиланган тартибда тегишли ёзув киритилиши шарт;
- б) ходимга янги малака даражаси берилиши, меҳнат дафтарчасига бу ҳақда тегишли ёзув киритилишига сабаб бўлмайди;
- с) бу ҳақда белгиланган тартибда тегишли ёзув киритилиши мумкин;
- д) бу ҳақда тегишли ёзув киритиш иш берувчининг ҳуқуқи;
- е) тўғри жавоб йўқ;

52. Меҳнат дафтарчасида қуйидагилардан қайси бирлари кўрсатилмайди?

- a) меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси;
- b) меҳнат шартномасини бекор қилиш сабаби;
- c) интизомий жазолар тўғрисидаги маълумотлар;
- d) а ва b;
- e) a, b, c;

53. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш берувчи айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечигтирилишининг оқибати тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) бутун кечигтирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади;
- b) ходим корхона олдида моддий жавобгар бўлса ҳеч қандай тўловни амалга оширмайди;
- c) меҳнат дафтарчаси кечиктириб берилган кун ишдан бўшаш куни ҳисобланади;
- d) бутун кечигтирилган давр учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида иш берувчидан жарима ундирилади;
- e) а ва b;

54. Янги меҳнат дафтарчасини беришда иш берувчи ходимдан қанча миқдорда ҳақ ундириб олади?

- a) энг кам ойлик иши ҳақи миқдорида;
- b) энг кам ойлик иши ҳақининг 10% миқдорида;
- c) энг кам ойлик иши ҳақининг 30% миқдорида;
- d) ўртача ойлик иш ҳақининг 20% миқдорида;
- e) ҳеч қандай ҳақ ундириб олинмайди;

55. Ишдан бўшаган ходимлар меҳнат дафтарчаларини умуман олмаган тақдирда иш берувчида архивда неча йил сақланади?

- a) 2 йил;
- b) 50 йил;
- c) 52 йил;
- d) 48 йил;
- e) 70 йил;

56. Меҳнат дафтарчасини юритиш тартибига кўра риоя қилиниши устидан назорат ким томонидан олиб борилади?

- a) меҳнат ҳуқуқ инспекциялари томонидан;
- b) касаба уюшмалари томонидан ;
- c) прокуратура органлари томонидан;
- d) юқори турувчи идоралар томонидан;
- e) барча жавоблар тўғри;

57. Меҳнат дафтарчаларини бериш ва меҳнат стажини белгилаш туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан амалга ошириладиган шахслар ким?

- a) хусусий тадбиркорлар;
- b) яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар;
- c) шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишловчилар;
- d) а ва b ;
- e) a, b, c;

58. Яқка тартибдаги тадбиркор бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган тақдирда қуйидаги таъминотлардан қайси бирини олишга ҳақли бўлади?

- a) вақтинча меҳнатга лаёқатсиз нафақаси;
- b) ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси;
- c) бола туғилганлик учун нафақа;
- d) давлат пенсияларидан бири;
- e) барча жавоблар тўғри;

59. Якка тартибдаги тадбиркорга тайинланадиган пенсия ва нафақанинг миқдорлари нимага боғлиқ бўлади?

- a) суғурта бадаллари миқдорига;
- b) меҳнат стажига;
- c) солиқларга;
- d) a, b, c;
- e) a ва b;

60. Тадбиркор белгиланган тартибда фаолиятини тўхтатиб турган давр меҳнат стажига киритиладими?

- a) тадбиркорларга имтиёз сифатида меҳнат стажига киради;
- b) бу даврда суғурта бадаллари тўланмаганлиги боис бу давр меҳнат стажига қўшилмайди;
- c) фаолияти тўхтатилиб турилган даврнинг ярми меҳнат стажига киради;
- d) фаолияти тўхтатилиб турилган даврнинг 2/3 қисми меҳнат стажига киритилади;
- e) тўғри жавоб йўқ;

61. Тадбиркорлик фаолияти фуқаро учун ўриндошлик ҳисобланса, меҳнат дафтарчаси қаерда юритилади?

- a) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимида;
- b) туман (шаҳар) солиқ инспекциясида;
- c) маҳаллий меҳнат органида;
- d) асосий иш жойида;
- e) муҳофизат бўлимида.

62. Тўлиқ календарь йили мобайнида тадбиркорнинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш бўлган ҳолларда бадаллар неча ойга тўланганда бир йил меҳнат стаж деб олинади?

- a) 8 ой;
- b) 9 ой;
- c) 10 ой;
- d) 11 ой;
- e) 6 ой.

63. Деҳқон хўжалиги аъзолари қандай асосда ижтимоий суғурта қилинадилар?

- a) мажбурийлик асосида;
- b) ихтиёрийлик асосида;
- c) ижтимоий суғурталанмайдилар;
- d) етиштирилган маҳсулотга солиқлар солиш асосида;
- e) тўғри жавоб йўқ;

64. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?

- a) 2001 йил 24 август;
- b) 1995 йил 8 август;

- c) 1995 йил 6 июль;
- d) 2001 йил 16 май;
- e) тўғри жавоб йўқ;

65. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида янги меҳнат дафтарчаларини жорий қилиш тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?

- a) 1995 йил 6 июнь;
- b) 1995 йил 6 июль;
- c) 2001 йил 16 май;
- d) 2001 йил 24 август;
- e) 2001 йил 8 август;

66. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг меҳнат стажини тасдиқлаш билан боғлиқ ваколатлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) меҳнат стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмуни ва зарур даражада расмийлаштирилганлигини ҳуқуқий баҳолаш;
- b) зарур ҳолларда меҳнат фаолиятининг айрим даврларини стажга қўшиб ҳисоблаш ёки олиб ташлаш;
- c) гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида иш стажини аниқлаш;
- d) айрим шахсларнинг парваришlashга кетган вақтини аниқлаш;
- e) барча жавоблар тўғри;

67. Табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар натижасида иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман йўқотилган ҳолларда меҳнат стажи ким томонидан тасдикланади?

- a) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан;
- b) туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тузилган махсус комиссия томонидан;
- c) туман (шаҳар) архив муассасалари томонидан;
- d) гувоҳлар томонидан;
- e) барча жавоблар тўғри;

68. Меҳнат дафтарчаси бўлмаган тақдирда меҳнат стажини тасдиқлаш қандай бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади?

- a) буйруқлардан кўчирмалар;
- b) иш ҳақи бериш бўйича шахсий счётлар ва ведомостлар;
- c) касаба уюшмаси билетлари;
- d) ҳисоб китоб дафтарчалари;
- e) барча жавоблар тўғри;

69. Қамокда, озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган вақт меҳнат стажига қўшиб ҳисобланадими?

- a) кейинчалик оқланган бўлса меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади;
- b) бундай жойларда бўлиш вақти кейинчалик оқланган-оқланмаганлигидан қатъи назар меҳнат стажи бўлиб ҳисобланмайди;
- c) кейинчалик шахс оқланса қисман меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади;
- d) а ва с;
- e) тўғри жавоб йўқ;

70. Шахс ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганда унинг ишлаган даври меҳнат стажига қўшиладими?

- a) ўз иш жойида ўташ шарти билан ҳукм қилиниб ишлаган давр меҳнат стажига киритилади;

- b) ИИБ томонидан белгиланган иш жойларида ўташ шарти билан ҳукм қилиниб ишлаган давр меҳнат стажига киритилади;
- c) ахлоқ тузатиш ишлари қаерда ўташдан қатъи назар меҳнат стажига киритилади;
- d) ахлоқ тузатиш жазосини қаерда ўташдан қатъи назар меҳнат стажига киритилмайди;
- e) тўғри жавоб йўқ;

71. Меҳнат стажини гувоҳлар кўрсатмаси асосида тасдиқланишида уларга қандай талаблар қўйилган?

- a) гувоҳнинг ариза берувчи билан бир корхона, муассаса, ташкилот, жамоа хўжалиги ёки бир тизимда бирга ишлаганлиги;
- b) камида иккита гувоҳ;
- c) бошқа корхона ёки тизимда ишлаган бўлса, ариза берувчини яқиндан таниганлиги;
- d) a, b;
- e) барча жавоблар тўғри;

72. Ариза берувчининг илтимоси бўйича меҳнат стажи ҳужжатлар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланмаган ҳолда ижтимоий таъминот бўлими мустақил стаж белгилаши мумкинми?

- a) пенсия олиш ҳуқуқини берувчи шартлар бошлангунга қадар, стаж белгиланиши мумкин;
- b) фақат туман (шаҳар) ҳокимлиги махсус комиссияси бунга ҳақли;
- c) бундай ваколат фақат маҳаллий меҳнат органига берилган;
- d) меҳнат стажи ҳужжатлар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида тасдиқланмаса, ҳеч қайси орган мустақил стаж белгилашга ҳақли эмас;
- e) тўғри жавоб йўқ;

73. Давлат пенсия ларининг турларидан бири нотўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) ёшга доир пенсия;
- b) ногиронлик пенсияси;
- c) боқувчисини йўқотганлик пенсияси;
- d) жамғариб бориладиган пенсия;
- e) барча жавоблар тўғри;

74. “Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти”га тўғри келадиган таърифни белгиланг.

- a) фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш;
- b) фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясидан алоҳида равишда пул маблағлари билан таъминлаш;
- c) фуқароларни ижтимоий суғурта маблағларидан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш;
- d) фуқароларга пенсияга чиққанлиги муносабати билан давлат бюджетидан қўшимча равишда бериладиган пул таъминотининг тури;
- e) тўғри жавоб йўқ;

75. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурий бўлган субъектлар тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- a) иш берувчилар;
- b) меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимлар;
- c) якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари;
- d) a, b;
- e) барча жавоблар тўғри;

76. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;
- b) жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;
- c) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;
- d) қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар;
- e) барча жавоблар тўғри;

77. Жамғариб бориладиган пенсия тўланиш тартиби тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- a) давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойда тўланади;
- b) давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўловларни олувчилар хоҳишига кўра бир йўла тўланади;
- c) фуқаро вафот этган тақдирда, унинг меросхўрларига бир йўла тўланади;
- d) фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетаётган бўлса, бир йўла тўланади;
- e) барча жавоблар тўғри;

78. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш тугатиладиган ҳоллар тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;
- b) бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;
- c) давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда;
- d) a, b;
- e) барча жавоблар тўғри;

79. Жамғариб бориладиган пенсия қайси маблағлар ҳисобидан шакллантирилади?

- a) жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан ўзлари томонидан белгиллаган бадаллар миқдоридан;
- b) 2005 йилда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимга ҳисобланган иш ҳақи(даромади)нинг 1%и миқдорида;
- c) ходимлар иш ҳақининг 10%и миқдоридаги тўловлар;
- d) корхоналар меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 13%и миқдоридаги тўловлар;
- e) тўғри жавоб йўқ;

80. 2005 йил давлат бюджети параметрларида юридик шахслар тўлайдиган ягона ижтимоий тўловлар турлари ва миқдори тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 30%и;
- b) иш билан таъминлашга кўмаклашиши давлат жамғармасига, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 0,5%и;
- c) касаба уюшмалари кенгашига, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 0,5%и;
- d) меҳнат низолари комиссиясига, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 10%и;
- e) a, b, c;

81. Пенсия жамғармасы қайси вазирликка қарайди?

- a) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигига;
- b) Молия вазирлигига;
- c) Соғлиқни сақлаш вазирлигига;
- d) мустақил жамғарма ҳисобланади;
- e) а ва b;

82. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) фуқароларнинг давлат томонидан қафолатланган ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғуртага бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш;
- b) мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ягона йиғма ҳисоб рақамида жамлаш;
- c) пенсиялар, нафақалар, компенсацияларни тўлаш ҳаражатларини молиялаштириш;
- d) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағларнинг тўлиқ тушиши ва ўз вақтида сарфланиши устидан назоратни таъминлаш;
- e) барча жавоблар тўғри;

83. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантирувчи мажбурий ажратмалар ва бадаллар турлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахслар иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган миқдори, шунингдек алоҳида юридик шахслардан ижтимоий суғуртага бадаллар;
- b) юридик шахсларнинг товар айланмаси ва сотилган маҳсулотлар(бажарилган ишлар кўрсатилган хизматлар) ҳажмидан ажратмалар, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда, шунингдек коммунал хўжалик тизими корхоналар учун фаолият хусусиятига кўра иссиқлик энергияси сув ва табиий газнинг харид қиймати чиқариб ташланган ҳолда;
- c) фуқароларнинг иш ҳақидан суғурта бадаллари;
- d) юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг ижтимоий суғуртага бадаллари;
- e) барча жавоблар тўғри;

84. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма ва бадаллардан ташқари яна қандай маблағлар ўтказилади?

- a) муддатидан олдин ва имтиёзли пенсиялар тайинланиши муносабати билан қопланадиган маблағлар;
- b) “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ регресс талаблар бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағлар;
- c) деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий равишда тўланадиган суғурта бадаллари;
- d) мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун белгиланган тартибда ҳисобланган жарималар ва пеня;
- e) барча жавоблар тўғри;

85. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы маблағларини ўз вақтида тайинлаш ва тўлаш ҳамда аниқ манзилли сарфлашни қайси орган амалга оширади?

- a) Давлат солиқ хизмати органлари;
- b) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги;
- c) Молия вазирлиги;
- d) Марказий банк;

е) тўғри жавоб йўқ;

Назорат саволлари.

1. Ижтимоий таъминот деганда нимани тушунасиш?
2. Ижтимоий таъминотнинг турларини санаб беринг.
3. Ижтимоий хизмат деганда нимани тушунасиш?
4. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя тушунчаларининг фарқини айтиб беринг.
5. Ижтимоий таъминот қандай функцияларни бажаради?
6. Ижтимоий таъминот ҳуқуқини ҳуқуқ соҳаси сифатидаги тушунчасини очиб беринг.
7. Ижтимоий таъминот ҳуқуқини қандай муносабатлар ташкил қилади?
8. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи методининг хусусиятларини айтиб беринг.
9. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ соҳаларидан қандай хусусиятлари бўйича фарқланади?
10. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаси сифатида қандай тизимга эга.
11. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг тамойиллари деганда нимани тушунасиш?
12. Ижтимоий таъминот ҳуқуқининг қандай тамойилларини биласиз?
13. Ижтимоий таъминотнинг умумийлиги тамойили мазмунини очиб беринг.
14. Ижтимоий таъминотни ижтимоий суғурта маблағлари ва бюджет воситаларидан амалга оширилиш тамойили мазмунини очиб беринг.
15. Ижтимоий таъминотни тирикчилик учун зарур миқдордан кам бўлмаслигини давлат томонидан кафолатлаш мажбурияти тамойили мазмунини тушунтириб беринг.
16. Ижтимоий аҳамиятга молик ҳолатлар вужудга келганда шахсга бериладиган ижтимоий ёрдамнинг кафолатланганлиги тамойили мазмунини тушунтириб беринг.
17. Ижтимоий таъминот турларининг хилма-хиллиги тамойилини тушунтириб беринг.
18. Ижтимоий таъминотга доир масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишда фуқароларнинг манфаатларини ифодаловчи жамоат бирлашмаларининг иштироки тамойили мазмунини очиб беринг.
19. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи институтларига оид тамойилларини санаб беринг.
20. Ҳуқуқ тамойиллари деганда нимани тушунасиш?
21. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар деганда нимани тушунасиш?
22. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар турлари ва уларнинг мазмунини очиб беринг.
23. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар субъектларини санаб беринг.
24. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати ва деликт жавобгар бўла олиш лаёқатларини тушунчаларини айтиб беринг.
25. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар объектлари тушунчаси ва турларини айтиб беринг.
26. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар мазмуни деганда нимани тушунасиш.
27. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишида юридик фактларнинг ўрни қандай.
28. Пенсияга оид ҳуқуқий муносабатлар деганда нимани тушунасиш. Ушбу муносабатларнинг субъектлари, турлари ва мазмунини айтиб беринг.
29. Пенсияга оид ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиши асосларини айтиб беринг.
30. Процедура ҳуқуқий муносабатлари нима ва унинг субъектлари кимлар?

31. Нафақалар билан таъминлашга оид ҳуқуқий муносабатлар нима ва унинг субъектлари кимлар?
32. Ижтимоий хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқий муносабатлар ва унинг кўринишларини айтиб беринг.
33. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбалари тушунчасини айтиб беринг.
34. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбаларини қандай асослар бўйича таснифлаш мумкин.
35. Ижтимоий таъминот тўғрисидаги нормалар ифодаланган қайси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз.
36. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқлари мазмунини гапириб беринг.
37. Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига умумий тавсиф беринг.
38. Фуқароларни нафақалар билан таъминлашга оид қандай норматив ҳужжатларни биласиз.
39. Меҳнат стажи тушунчаси ва турларини айтиб беринг.
40. Умумий меҳнат стажи деганда нимани тушунаси?
41. Махсус меҳнат стажи деганда нимани тушунаси?
42. Иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимлар деганда кимларни тушунаси?
43. Пенсия тайинлашда меҳнат стажининг аҳамияти нималардан иборат?
44. Ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақида айтиб беринг.
45. Меҳнат стажини гувоҳлар кўрсатмаси асосида тасдиқланиш тартиби қандай?
46. Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг меҳнат стажи қандай аниқланади?
47. Дехқон хўжалиги аъзоларининг меҳнат стажи қандай аниқланади?
48. Иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турларини айтиб беринг?
49. Иш стажи имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланадиган фаолият даврлари деганда нимани тушунаси?

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» Т., «Ўзбекистон», 1996 й.
2. Каримов И.А. «Адолатли жамият сари», Т., «Ўзбекистон» 1998 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интиломда»Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
4. Каримов И.А. «Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш асосий мезон»// «Халқ сўзи» 2004 й., 16 октябрь.
5. Андреев В.С. «Право социального обеспечения в СССР». Учебник. М., 1987 г.
6. Право социального обеспечения. Под.ред. К.Н.Гусова. Учебное пособие. М., «Проспект», 2000 г.
7. Батыгин К.С. Право социального обеспечения. Общая часть. Учебное пособие. М., 1995.
8. Иванова Р.И., Тарсова В.А. Предмет и метод советского права социального обеспечения. М., МГУ, 1983.
9. Полупанов М.И. К вопросу о понятии метода права социального обеспечения. Труды ВЮЗИ. 1978. Т.62.

10. Право социального обеспечения: практикум, нормативные акты, образцы документов. Под ред. Э.Г.Тучковой. М.: Новый юрист, 1997.
11. Сулейманова Г.В. Социальное обеспечение и социальное страхование. М.: Экспертное бюро, 1998.
12. Тучкова Э.Г. Право социального обеспечения. Учебно-методическое пособие. М., 1995.
13. Шайхатдинов В.Ш. Право социального обеспечения Российской Федерации. Учебное пособие. Вып I. Екатеринбург, 1996.
14. Турсунов Й., Шоимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳукуқи. Дарслик. ТДЮИ, Т., 2003 й.
15. Турсунов Й., Усмонова М. Ижтимоий таъминот ҳукуқи. ТДЮИ, Т., 2004 й.
16. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳукуқи. Дарслик. А.А.Иноятов муҳаррирлиги остида, Т., ТДЮИ, 2005 й.
17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон” 2003 й.
24. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 йил, 11-сон, 153-модда.
28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолини ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги 3017-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 15-модда.
29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил қилиш тўғрисида»ги 2810-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, 3-4-сонлари, 9-модда.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги “Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони.
31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига илова “Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳужжатлари, Тошкент, «Адолат», 2000 йил.
34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январь “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 33-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 22-модда.
37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрь “Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сонли қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 52-сон, 523-модда.

38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрь “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 444-сонли қарори. Кт, 2000 йил, 11-сон, 71-модда.

40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрель “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида”ги Низом. 162-сонли қарор билан тасдиқланган. Кт, 2001 йил, 4-сон, 21-модда.

42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январь “Қарияларни қадрлаш йили давлат дастури тўғрисида» 30-сонли қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 20-модда.

44. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрь “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 469-сонли қарор. Кт, 1997 йил, 10-сон, 33-модда.

45. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 май «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 197-сонли қарори, Кт, 2000 йил, 5-сон, 26-модда.

46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 август «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларининг давлат томонидан суғурталаш тўғрисида»ги 351-сонли қарори, Қарорлар тўплами, 2001 йил, 8-сон, 50-модда.

48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрь «2000-2005 йилда ёлғиз кексаларни, пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 520-сонли қарор, ҚТ, 1999 йил, 12-сон, 19-модда.

57. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январь «Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 33-сонли қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 22-модда.

58. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 май «Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тўғрисида»ги 149-сонли қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 9-сон, 65-модда.

62. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги 1998 йил 7 январдаги 402-сонли буйруғи билан «Меҳнат дафтарчасини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлар Ахборотномаси, 1998 йил, 4-сон.

64. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишиб тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 1996 йил 28-майда рўйхатга олинган «Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Ушбу қарор.

2-Мавзу. Ёшга доир пенсиялар

1. Ёшга доир пенсиялар тушунчаси ва унинг турлари.
2. Умумий асосларда тайинладиган ёшга доир пенсия.
3. Имтиёзли шартлар асосида тайинладиган ёшга доир пенсия ва унинг турлари.
4. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғда ёшга доир пенсия тайинлаш.
5. Муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлаш.
6. Ёшга доир пенсияларни ҳисоблаш, қайта ҳисоблаш, тайинлаш ва тўлаш тартиби.

Масалалар.

1. Фуқаро Болиев ижтимоий таъминот бўлимига пенсия тайинлашларини сўраб мурожаат этди. Ёши 63 да. Меҳнат стажи 12 йил. Ўртача иш ҳақи 21700 сўм.

Болиевга ёшга доир пенсия тайинлаш мумкинми? Агар мумкин бўлса, пенсия миқдори аниқланг ва умумий белгиланган ёшдан уч йил кейин мурожаат қилганликнинг ҳуқуқий оқибати қандай бўлади?

2. Фуқаро Бекаева ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиб, аёлларга бериладиган имтиёзга мувофиқ 54 ёшдан ёшга доир пенсия тайинлашларини сўраб мурожаат этди. Бироқ ижтимоий таъминот бўлими ушбу фуқаронинг меҳнат стажи 18 йил эканлиги учун 54 ёшдан пенсия тайинлай олмасликларини билдирди. Фуқаро Бекаева “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ бор стажга мутаносиб равишда пенсия тайинлаш мумкинлигини ва шунинг учун ўзига 54 ёшдан стажига мутаносиб равишда пенсия тайинлашларини талаб қилди.

Фуқаро Бекаеванинг талаби ўринлими? Аёлларга умумий белгиланган ёшдан бир йил олдин пенсия тайинлаш шартлари нимадан иборат?

3. Фуқаро Бердиёрова ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиб, 1984 йил ёшга доир пенсияга чиққанлигини ва шу йилдан бери меҳнат қилиб келаётганлигини айтиб, пенсия тайинлангандан кейин ишлаган даврини меҳнат стажига қўшиб, ўз пенсия миқдорини қайта ҳисоблашларини сўради.

Фуқаро Бердиёрованинг талаб қилинганидан ортиқча ишлаганлиги учун пенсия миқдори кўпайтириладими?

4. Фуқаро Мамажонов ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиб, ёшга доир пенсияга чиққанлигини ва ҳозирда меҳнат шартномаси асосида эмас, балки хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлигини айтиб, пенсиясини ярмини эмас, тўлиқ тўланишини талаб қилди?

Фуқаро Мамажоновнинг талаби ўринлими?

5. Фуқаро Раҳимов ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиб, пенсиясини миқдорини ҳисоблашда овқат пули, мукофотлар ва бошқа ижтимоий ёрдам пулларини ҳисобга олинмаганлиги устидан шикоят қилди.

Фуқаро Раҳимовнинг талаби ўринлими? Пенсия миқдорини белгилашда қандай тўлов турлари ҳисобга олиншини фуқарога тушунтириб беринг.

6. Фуқаро Олимова шикоят билан мурожаат қилиб, узоқ муддатга даволаниш учун кетганлиги сабабли ўзига тегишли пенсия пулини ишончномага кўра эрига тўланиши лозимлигини, бироқ алоқа ташкилотлари пенсияни тўламаганлари айтиб ўтди.

Олимованинг шикояти ўринлими? Ишонч қоғозига кўра пенсия тўлаш муддатлари ва тартиблари қандай?

7. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар натижасида фуқаро Атаев сохта ҳужжатлар асосида ёшга доир ортиқча пенсия олаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат беш йилдан бери давом этаётган экан.

Фуқаро Атаевнинг сохта ҳужжатлар тақдим этиши асосида нотўғри ҳисобланган ва ортиқча тўланган пенсия қай тартибда ундирилади?

8. Фуқаро Искандарова ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиб, мактабда 20 йил дарс берганлигини, 50 ёшга кирганлигини айтиб, имтиёзли пенсия тайинлашларини сўради. Бироқ ижтимоий таъминот бўлими Искандарова беш йил мактаб директори лавозимида ишлаганлигини ва бу даврларда бевосита дарс бермаган деган асос билан унинг талабини қониқтирмади?

Ижтимоий таъминот бўлимининг келтирган асоси тўғрими?

9. Фуқаро Халилова 50 ёшга тўлганда ишламай қўйди. Унинг умумий иш стажи 17 йил. 58 ёшга тўлганда пенсия тайинлашларини сўраб ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилди. Ижтимоий таъминот бўлими ушбу фуқарога зарур меҳнат стажи мавжуд эмаслигини ҳамда ўз вақтида мурожаат қилмаганлигини айтиб пенсия тайинламади.

Ижтимоий таъминот бўлимининг ҳатти-ҳаракатлари қонунийми?

Зарур меҳнат стажига эга бўлмаса пенсия тайинланадими?

Пенсия мазкур ҳолатда 55 ёшданми ёки 58 ёшдан тайинланадими?

10. Фуқаро Омонова ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиб, ўзининг ўрта тиббий ходим бўлганлигини ва 1967 йилдан буён ФАПда мудиралик қилганлигини, 1997 йилда “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланганлигини, бироқ 17200 сўм, яъни

кам миқдорда пенсия тайинланганлиги устидан шикоят қилди. Фуқаро Омонова ўзига “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддаси, “к” банди (Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга) тадбиқ этилиб, пенсия миқдори оширилишини талаб қилди.

Фуқаро Омонованинг талаби ўринлими?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Пенсия тушунчаси мазмунига тўғри келадиган жавобни топинг?
 - a) муайян ёшга етганлик, ногиронлик белгиланганлиги ёки боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан тўланадиган тўлов;
 - b) ҳар ойда амалга ошириладиган тўлов;
 - c) узоқ муддатли хизматлари учун бериладиган тўлов;
 - d) а ва b ;
 - e) барча жавоблар тўғри;
2. Ёшга доир пенсияни хусусиятлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 - a) бу фуқаронинг аввалги даврларидаги меҳнат фаолияти учун бериладиган тўлов;
 - b) фуқаронинг ёши ва меҳнат стажи ҳисобга олинган ҳолда бериладиган тўлов;
 - c) фуқарога умрбод тайинланадиган тўлов;
 - d) ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтариб олмаслиги шарти билан ҳар ойда бериладиган тўлов;
 - e) барча жавоблар тўғри;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган ва қандай таркибий тузилишга эга?
 - a) 1990 йил 28 апрель, VХХ боб, 64 модда;
 - b) 1993 йил 3 сентябрь, ХХ боб, 67 модда;
 - c) 1999 йил 14 апрель, VХ боб , 38 модда;
 - d) 1995 йил 21 декабрь, XVХ боб, 294 модда;
 - e) 2001 йил август, X боб, 67 модда;
4. Республика ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсия билан таъминланиш ҳуқуқи қандай амалга оширилади?
 - a) қайси давлатда яшаётган бўлса, ана шу давлат қонунчилиги асосида амалга оширилади;
 - b) фуқаро яшаётган давлат ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида амалга оширилади;
 - c) давлатлараро битимлар асосида амалга оширилади;
 - d) ХМТнинг конвенциялари асосида амалга оширилади;
 - e) барча жавоблар тўғри;
5. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахслар пенсия олиш ҳуқуқига эгами?
 - a) давлатлараро битимларда қандай қоида назарда тутилишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар;

- b) давлатлараро битимларда уларнинг пенсия таъминоти ўз давлатлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида пенсия олиш ҳуқуқига эга эмаслар;
- c) давлатларо битимларда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эга;
- d) а ва b;
- e) a, b, c;

6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги қонунида давлат пенсияларининг қандай турлари назарда тутилган ?

- a) боқувчисини йўқотганлик пенсияси;
- b) ижтимоий пенсия;
- c) ногиронлик пенсияси;
- d) ёшга доир пенсия;
- e) a, c, d;

7. Агар фуқарода давлат пенсияларининг бир нечтасини олиш ҳуқуқи пайдо бўлса қайси бири тайинланади ?

- a) уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади;
- b) иккитадан ортиқ бўлмаган пенсия тайинланади;
- c) ижтимоий таъминот бўлими томонидан битта пенсия танланиб тайинланади;
- d) пенсияларнинг барча турлари тайинланиши мумкин;
- e) тўғри жавоб йўқ;

8. Ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек ички ишлар органлари ходимлари. Уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш тартиби қайси қонунлар асосида тартибга солинади?

- a) 1993 йил 3 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун асосида;
- b) СССРнинг 1990 йил 28 апрелдаги “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида ” ги қонун асосида;
- c) ҳар икки қонун асосида ҳам тартибга солиниши мумкин;
- d) иккала қонун асосида ҳам тартибга солинмайди;
- e) тўғри жавоб йўқ;

9. Ёшга доир пенсияларнинг қандай турлари бор?

- a) умумий асосларда тайинладиган ёшга доир пенсия;
- b) имтиёзли асосларда тайинладиган ёшга доир пенсия;
- c) муддатдан илгари тайинладиган ёшга доир пенсия;
- d) тўлиқсиз меҳнат стажи билан тайинладиган ёшга доир пенсия;
- e) барча жавоблар тўғри;

10. Тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга пенсия тайинладими?

- a) камида беш йиллик умумий меҳнат стажига эга бўлмаса тайинланмайди;
- b) камида ўн йиллик умумий меҳнат стажига эга бўлмаса тайинланмайди;
- c) бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади;
- d) етарли меҳнат стажига эга бўлмаса тайинланмайди;
- e) камида беш йиллик махсус стажга эга бўлса стажга мутаносиб равишда тайинланади;

11. Умумий асосларда ёшга доир пенсияга чиқиш учун қанча ёш ва меҳнат стажи талаб қилинади?

- a) эркаклар учун 60 ёш, камида 25 йил меҳнат стажи;
- b) аёллар учун 55 ёш , камида 20 йил меҳнат стажи;
- c) эркаклар учун 58 ёш, камида 20 йил меҳнат стажи;
- d) аёллар учун 54 ёш, камида 20 йил меҳнат стажи;
- e) a ва b;

12. Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлашда “имтиёзли шартлар” нимани билдиради ?

- a) ёшга доир пенсия тайинлаш учун белгиланган умумий ёшнинг қисқартирилиши;
- b) муайян фаолият даври меҳнат стажининг қаралаб ҳисобланиши;
- c) умумий меҳнат стажи давомийлигини қисқартирилиши;
- d) меҳнат стажисиз пенсия тайинланиши;
- e) a, b, c;

13. Имтиёзли шартлардаги пенсияларнинг тури қайси жавобда берилган?

- a) талаб қилинадиган умумий ва махсус меҳнат стажига эга бўлганда, ёшдан қатъи назар пенсия олиш;
- b) талаб қилинадиган умумий ва махсус меҳнат стажига эга бўлганда, умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш;
- c) талаб қилинадиган умумий ва махсус меҳнат стажига эга бўлганда , умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиши
- d) a, b , c;
- e) b ва c;

14. Имтиёзли шартларда пенсия олиш нималар билан боғлиқ?

- a) меҳнатнинг зарарлиги ва оғирлиги;
- b) меҳнатнинг хавфлилиги;
- c) оғир табиий-иқлим шароити;
- d) тиббий биологик ва ижтимоий факторлар;
- e) барча жавоблар тўғри;

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларни тасдиқлаш ҳақида ”ги қарори қабул қилинган сана тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) 1994 йил 11 май;
- b) 1994 йил 12 май;
- c) 1994 йил 22 сентябрь;
- d) 1998 йил 1 май;
- e) тўғри жавоб йўқ;

16. Қайси соҳа ходимлари ёшдан қатъи назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга?

- a) кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар башарти, улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар;
- b) бевосита ер ости ва очик кон ишларида кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар башарти, улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар;
- c) театрлар ва бошқа театр томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари ижодий иш стажи камида 25 йил бўлганда;
- d) спортчиларнинг айрим тоифалари иш стажи камида 20 йил бўлганда;
- e) барча жавоблар тўғри;

17. Умумий белгиланган ёшдан 10 йил олдин пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган соҳа эгаларини кўрсатинг.

- a) ер ости ишларида меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар эркакларни иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келганда;
- b) цирklar ва концерт ташкилотлари артистларининг айрим тоифалари ижодий иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда;
- c) қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари;
- d) авиация муҳандис техниклари таркибининг ходимлари;
- e) a ва b;

18. Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда кимлар пенсия олиш ҳуқуқига эгалар?

- a) экология фаолияти минтақасида ишлаган фуқаролар;
- b) ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари;
- c) шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар;
- d) ижтимоий таъминот тизимининг қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ходимлари;
- e) барча жавоблар тўғри;

19. Беш ва ундан ортиқ фарзанд тукқан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар ва меҳнат стажига эга бўлсалар қандай имтиёз билан пенсияга чиқадиладар ?

- a) ёшдан қатъи назар пенсияга чиқадиладар;
- b) умумий белгиланган ёшдан 10 йил олдин пенсияга чиқадиладар;
- c) умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқадиладар;
- d) умумий белгиланган ёшдан 1 йил олдин пенсияга чиқадиладар;
- e) тўғри жавоб йўқ;

20. Кимлар умумий белгиланган ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладиладар ?

- a) гипофизар миттилик касаллигига чалинганлар (лилипутлар);
- b) гавда тузилишида мутаносиблик бузилган паканалар;
- c) кўрлар;
- d) соқовлар;
- e) a ва b;

21. Аёллар қайси ҳолларда умумий белгиланган ёшни 1 йилга қисқартирилган ҳолда, яъни 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгалар?

- a) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган ҳолдаги камида 20 йил иш стажиги эга бўлса;
- b) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилишда камида 20 йил меҳнат стажига эга бўлсалар;
- c) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ- кон қутқарув қисмларидаги хизматда камида 20 йил меҳнат стажига эга бўлсалар;
- d) яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан яқка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият, бюджетдан ташқари Пенсия

жамғармасына суғурта бадаллари тўлаган ҳолдаги камида 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлса;
е) барча жавоблар тўғри;

22. Муддатидан олдин ёшга доир пенсия кимларга тайинланади?

- а) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга;
- б) МКнинг 100 моддаси, 2 қисми, 1- банди бўйича ишдан озод этилганда 58 ёшга тўлган эркаклар, меҳнат стажы 25 йил бўлганда, 53 ёшга тўлган аёллар меҳнат стажы камида 20 йил бўлган шахсларга;
- с) туман (шаҳар) меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлиmlарида белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган шахслар;
- д) а ва б;
- е) а, б, с;

23. Муддатидан олдин тайинланган пенсияни олаётган фуқаролар умумий асосларда пенсия ёшига етгунга қадар ишга кирса, мазкур пенсияни олиш ҳукуқи уларда сақланиб қолинадими?

- а) сақланиб қолинади;
- б) пенсиянинг ярми тўланади;
- с) сақланиб қолинмайди;
- д) а ва б;
- е) тўғри жавоб йўқ;

24. Муддатидан олдин пенсия тайинланганидан сўнг фуқаролар ишга кириб, сўнгра белгиланган умумий пенсия ёшига етгунларига қадар ишдан бўшасалар уларга пенсия қайта тайинланадими?

- а) агар меҳнат шартномаси МК 100- моддасининг 2- қисми 1- бандида кўрсатилган сабабларга кўра бекор қилинса, муддатидан олдин пенсия қайта тайинланади;
- б) агар меҳнат шартномаси МК 100- моддаси 2- қисми 1- бандида кўрсатилган сабабдан бошқа сабаблар билан бекор қилинса, муддатидан олдин пенсия қайта тайинланмайди;
- с) меҳнат шартномаси яна МК 100- моддаси 2- қисми 1- бандида кўрсатилган сабабларга кўра бекор қилинса ҳам муддатидан олдин пенсия қайта тайинланмайди;
- д) а ва б;
- е) барча жавоблар тўғри;

25. Муддатидан олдин тайинланадиган пенсиялар қайси маблағлар ҳисобидан тўланади?

- а) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан;
- б) иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан;
- с) “Маҳалла” жамғармаси маблағлари ҳисобидан;
- д) “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан;
- е) “Олтин мерос” жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

26. 2005 йил давлат бюджети параметрларида юридик шахслар тўлайдиган ягона ижтимоий тўловлар турлари ва миқдори тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- а) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасыга, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 30%и;
- б) иш билан таъминлашга кўмаклашиши давлат жамғармасыга, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 0,5%и;
- с) касаба уюшмалари кенгашига, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 0,5%и;
- д) меҳнат низолари комиссиясига, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 10%и;
- е) а, б, с;

27. Пенсия жамғармасы қайси вазирликка қарайди?

- a) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигига;
- b) Молия вазирлигига;
- c) Соғлиқни сақлаш вазирлигига;
- d) мустақил жамғарма ҳисобланади;
- e) а ва b;

28. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) фуқароларнинг давлат томонидан кафолатланган ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғуртага бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш;
- b) мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ягона йиғма ҳисоб рақамида жамлаш;
- c) пенсиялар, нафақалар, компенсацияларни тўлаш ҳаражатларини молиялаштириш;
- d) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағларнинг тўлиқ тушиши ва ўз вақтида сарфланиши устидан назоратни таъминлаш;
- e) барча жавоблар тўғри;

29. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантирувчи мажбурий ажратмалар ва бадаллар турлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахслар иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган миқдори, шунингдек алоҳида юридик шахслардан ижтимоий суғуртага бадаллар;
- b) юридик шахсларнинг товар айланмаси ва сотилган маҳсулотлар(бажарилган ишлар кўрсатилган хизматлар)ҳажмидан ажратмалар, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда, шунингдек коммунал хўжалик тизими корхоналар учун фаолият хусусиятига кўра иссиқлик энергияси сув ва табиий газнинг харид қиймати чиқариб ташланган ҳолда;
- c) фуқароларнинг иш ҳақидан суғурта бадаллари;
- d) юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг ижтимоий суғуртага бадаллари;
- e) барча жавоблар тўғри;

30. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма ва бадаллардан ташқари яна қандай маблағлар ўтказилади?

- a) муддатидан олдин ва имтиёзли пенсиялар тайинланиши муносабати билан қопланадиган маблағлар;
- b) “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ регресс талаблар бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағлар;
- c) деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий равишда тўланадиган суғурта бадаллари;
- d) мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун белгиланган тартибда ҳисобланган жарималар ва пеня;
- e) барча жавоблар тўғри;

31. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасы маблағларини ўз вақтида тайинлаш ва тўлаш ва аниқ манзилли сарфлашни қайси орган амалга оширади?

- a) Давлат солиқ хизмати органлари;
- b) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги;
- c) Молия вазирлиги;
- d) Марказий банк;

е) тўғри жавоб йўқ;

32. Пенсиянинг миқдори қандай таркибий қисмлардан таркиб топади?

- А) пенсиянинг таянч миқдоридан;
- б) иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан;
- с) пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан;
- д) алоҳида ҳизматлари учун пенсиянинг оширилишидан;
- е) а, б, с;

33. Пенсиянинг таянч миқдорини нима ташкил қилади?

- А) ходимга пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг муайян фоизи;
- б) ходимга пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори;
- с) ходимга пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи, энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлган ҳолларда энг кам ойлик иш ҳақи миқдори;
- д) а, б;
- е) а, б, с;

34. Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи қандай аниқланади?

- а) кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан;
- б) олтмиш календарь ойдан оз вақт ишланган ҳолларда ишланган календарь ойларида иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан;
- с) мавсумий ишлар учун исталган кетма-кет беш мавсумдаги иш ҳақининг олтмишга бўлиш йўли билан;
- д) кетма-кет ишланмаган олтмиш календарь ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан;
- е) а, б, с;

35. Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи қанча миқдордан ошиб кетган қисми аҳамиятга эга эмас?

- а) энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлган қисми;
- б) ўртача ойлик иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлган қисми;
- с) энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш ҳиссасидан ортиқ бўлган қисми;
- д) энг кам ойлик иш ҳақининг беш ҳиссасидан ортиқ бўлган қисми;
- е) тўғри жавоб йўқ;

36. Пенсияни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақи ва бошқа тўлов турлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- а) фойдаланилмаган таътил учун компенсация;
- б) компенсация тўловлари;
- с) меҳнат учун тақдирланмасдан ишлаган кунлар учун ҳамда тегишли бюджетга ва хайрия жамғармаларига ўтказиладиган иш ҳақи;
- д) давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва пенсиялар;
- е) барча жавоблар тўғри;

37. Пенсияларнинг таянч миқдорлари нотўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- а) ёшга доир тўлиқ пенсия учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55%и, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100%и миқдорида;

- b) I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55%и, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100%и миқдорида;
- c) III гуруҳ ногиронлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30%и, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50%и миқдорида;
- d) оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзосига бериладиган боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30%и, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50%и миқдорида;
- e) барча жавоблар тўғри;

38. Тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиган ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсиянинг таянч миқдорлари қанчагача оширилади?

- a) ёшга доир пенсиялар – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1%и миқдорида;
- b) I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1%и миқдорида;
- c) III гуруҳ ногиронлик пенсияси – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5%и миқдорида;
- d) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари, оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун – боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5%и миқдорида;
- e) барча жавоблар тўғри;

39. Пенсияларнинг таянч миқдори ва иш стажи учун пенсияларнинг оширилишини қўшиб ҳисоблаганда қанча миқдордан ошмаслиги лозим?

- a) ёшга доир пенсияларнинг миқдори – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг 75%идан;
- b) I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияларининг миқдори – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг 75%идан;
- c) III гуруҳ ногиронлик пенсиясининг миқдори – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг 40%идан;
- d) ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзосига бериладиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларининг миқдори – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг 40%и миқдорида;
- e) барча жавоблар тўғри;

40. Пенсияларини ҳисоблашда устама ҳақ қўшиладиган шахслар тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) I, II, III гуруҳ ногиронларига – энг кам ойлик иш ҳақининг 150%, 125%, 75%и ;
- b) қўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ҳам II гуруҳ ногиронларига – энг кам ойлик иш ҳақининг 100%, 75%и;
- c) II гуруҳ ёлғиз ногиронларга – энг кам ойлик иш ҳақининг 50%и;
- d) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга – энг кам ойлик иш ҳақининг 50%и;
- e) барча жавоблар тўғри;

41. Пенсияларни ҳисоблашда устама ҳақ қўшиладиган шахслардан нотўғрисини кўрсатинг.

- a) II жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарасида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахслар;
- b) вафоти ҳарбий ҳизматни бажариш билан боғлиқ ҳарбий ҳизматчиларнинг ота-оналари ва янги никоҳдан ўтмаган хотинлари;

- с) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахслар;
- д) ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга;
- е) тўғри жавоб йўқ;

42. Иш стажи тўлиқ бўлмаган шахсларга пенсия қандай тайинланади?

- а) иш стажи беш йилдан ортиқ бўлсагина бор стажга мутаносиб равишда тайинланади;
- б) иш стажи тўлиқ бўлмаса нафақа тайинланади;
- с) иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғда пенсия бор стажига мутаносиб равишда тайинланади;
- д) иш стажи тўлиқ бўлмаса пенсия тайинланмайди;
- е) иш стажи уч йилдан ортиқ бўлсагина бор стажга мутаносиб равишда тайинланади;

43. Пенсияни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга тайинланадиган устама ҳақ билан бир пайтда яна қайси шахсларнинг устама ҳақлари кўшиб ҳисобланиши мумкин?

- а) I гуруҳ уруш ногиронларига белгиланган устама ҳақ ;
- б) II гуруҳ уруш ногиронларига белгиланган устама ҳақ;
- с) III гуруҳ уруш ногиронларига белгиланган устама ҳақ;
- д) I гуруҳ ногиронларининг устама ҳақи;
- е) барча жавоблар тўғри;

44. Бошқа давлатлардан кўчиб келган ва Ўзбекистон Республикасида ишламаган фуқароларга пенсия нимага асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади?

- а) ушбу фуқароларга Ўзбекистондаги тегишли касб ҳамда малакадаги ходимларнинг пенсия тайинланаётган вақтдан ўртача ойлик иш ҳақига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади;
- б) ушбу фуқароларга Ўзбекистонда бундай касб ва малакалар бўлмаса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ўртача ойлик иш ҳақи бўйича ҳисоблаб чиқарилади;
- с) ушбу фуқароларнинг бошқа давлатларда тегишли касб ҳамда малакаси учун олган ўртача ойлик иш ҳақига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади;
- д) б ва с;
- е) а ва б;

45. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза ким томонидан берилади?

- а) ходимларга охирги иш жойидаги корхона, ташкилот, муассаса маъмурияти орқали берилади;
- б) жамоа ҳўжалиги ва бошқа кооперативларнинг аъзоларига бошқарув орқали берилади;
- с) иш вақтларини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларга ўзлари томонидан берилади;
- д) ишламайдиган фуқаролар ўзлари томонидан берилади;
- е) барча жавоблар тўғри;

46. Пенсия тайинланадиган шахс балоғатга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда ариза ким томонидан берилади?

- а) уларнинг ота-онаси томонидан;
- б) васийлари томонидан;
- с) ҳомийлари томонидан;
- д) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан;
- е) а, б, с;

47. Ёшга доир пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлардан бири нотўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- а) умумий ва махсус меҳнат стажини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

- b) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;
- c) аризачининг фарзанди болаликдан ногирон ёки ногирон бола эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- d) бола туғилганлиги ва у саккиз ёшгача тарбия қилинганлиги ҳақидаги ҳужжат;
- e) тўғри жавоб йўқ;

48. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлмаса иш ҳақи қандай аниқланади?

- A) гувоҳлар кўрсатмаси асосида аниқланади;
- b) жамоат ташкилотларига аъзолик билетлари асосида аниқланади;
- c) штатлар жадвалидан кўчирмалар асосида аниқланади;
- d) иш ҳақи тўғрисида маълумотномалар мавжуд бўлмаса энг кам ойлик иш ҳақиға қаралади;
- e) барча жавоблар тўғри;

49. Пенсияларни қайси орган тайинлайди?

- A) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари;
- b) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- c) Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг пенсия тайинловчи органлари;
- d) маҳаллий меҳнат органлари;
- e) а ва с;

50. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар неча кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши керак?

- A) 10 кундан;
- b) 5 кундан;
- c) мурожаат этилган куннинг эртасидан;
- d) 1 ойдан;
- e) 20 кундан;

51. Ёшга доир пенсия қачондан тайинланади?

- A) пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб 3 ой ичида мурожаат этган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади;
- b) пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб 3 ой ичида мурожаат қилмаган бўлса, мурожаат қилган кундан эътиборан тайинланади;
- c) қачон мурожаат этганлигидан қатъи назар пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади;
- d) пенсия тўлашни сўраб мурожаат этган кундан тайинланади;
- e) а, b;

52. Пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари кўрсатилган жавобни топинг.

- A) пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;
- b) ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;
- c) боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

- d) энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарганда;
- e) барча жавоблар тўғри;

53. Пенсияни қайта ҳисоблаш асослари вужудга келганда пенсионер қайта ҳисоблашни сўраб неча кунда мурожаат қилиши лозим?

- A) 3 ой ичида мурожаат қилишлари лозим;
- b) 6 ой ичида мурожаат қилишлари лозим;
- c) 1 ой ичида мурожаат қилишлари лозим;
- d) исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин;
- e) тўғри жавоб йўқ;

54. Ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар ким томонидан тўланади?

- A) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан;
- b) охирги ишлаган иш жойларидан;
- c) фуқаролар йиғини томонидан;
- d) маҳаллий меҳнат органлари томонидан;
- e) a ва b;

55. Ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар ким томонидан тўланади ?

- a) фуқаролар йиғини томонидан;
- b) иш жойидан;
- c) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан;
- d) маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан;
- e) b ва c;

56. 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб қайси тоифа аёл ходимларга ёшга доир пенсияга чиққанидан кейин ҳам пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳукуқи сақланиб қолади?

- A) ўрта ва кичик тиббиёт ходим аёллари, мазкур мутахассислик бўйича камида 10 йил стажга эга бўлса;
- b) ногирон болаларнинг интернат уйларида, “Меҳрибонлик ” уйлари тарбиячилари, мазкур мутахассислик бўйича камида 10 йил стажга эга бўлса;
- c) провизорлар, мазкур мутахассислик бўйича камида 10 йил стажга эга бўлса;
- d) кутубхоначилар, мазкур мутахассислик бўйича камида 10 йил стажга эга бўлса;
- e) барча жавоблар тўғри;

57. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёлларга қачондан бошлаб пенсиялар тўлиқ миқдорда тайинлана бошланди?

- A) 1999 йил 1 июлдан;
- b) 2004 йил 1 декабрдан;
- c) 1999 йил 14 мартдан;
- d) 1999 йил 1 апрелдан;
- e) тўғри жавоб йўқ;

58. Ишлаётган пенсионерларга пенсия қанча миқдорда тўланади?

- A) пенсиянинг 1/3 қисми тўланади;
- b) пенсиянинг 2/3 қисми тўланади;
- c) пенсиянинг $\frac{3}{4}$ қисми тўланади;
- d) пенсиянинг ярми тўланади;
- e) пенсия тўлиқ тўланади;

59. Ишлаётганда тўлиқ пенсия тўланадиган ходимлар қайси жавобда тўғри берилган?

- A) фуқаролар йиғини раислари;
- b) фуқаролар йиғини котиблари;
- c) умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари;
- d) мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари;
- e) a ва b;

60. Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган пенсия у томонидан ўз вақтида олинмаган бўлса, олдинги неча йил учун тўланади ?

- a) ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади;
- b) олдинги уч йилдан ошмаган давр учун тўланади;
- c) олдинги бир йилдан ошмаган давр учун тўланади;
- d) пенсионернинг айби билан ўз вақтида олинмаган бўлса, кейинчалик тўланмайди;
- e) тўғри жавоб йўқ;

61. Саховат уйларида яшовчи пенсионер ёлғиз қариялар ва ногиронларга пенсиялар тўланадими ?

- a) мазкур шахслар таъминоти учун сарф- ҳаражат ўртасидаги фарқ тўланади;
- b) сарф- ҳаражатлардаги фарқдан ташқари пенсиянинг камида 10 фоизи тўланади;
- c) уруш ногиронларига сарф-ҳаражатлардаги фарқдан ташқари пенсиянинг камида 20 фоизи тўланади;
- d) a,b,c;
- e) тўғри жавоб йўқ;

62. Озодликдан маҳрум қилинган давр учун пенсия тўланадими?

- A) пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда озодликдан маҳрум қилинган ва ундан кейинги даврлар учун ҳам пенсия тўлаш бекор қилинади;
- b) пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда бутун озодликдан маҳрум қилинган давр учун пенсияни тўлаш тўхтатиб қўйилади;
- c) пенсионер озодликдан маҳрум қилинган давр учун пенсия унинг оила аъзоларига тўланади;
- d) пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда пенсиянинг ярми тўланади;
- e) тўғри жавоб йўқ;

63. Қуйидаги шахслардан қайси бири ишлаётганда ҳам тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқини сақлаб қолади?

- a) 2-Жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари;

- b) 2-Жаҳон уруши даврида фронт ортида меҳнат қилган ёки ҳарбий мажбуриятларни бажарган 1- ва 2-гурӯх ногиронларига;
- c) Чернобиль фалокати оқибатида жабрланганларга;
- d) фуқаролар йиғини раисларига;
- e) барча жавоблар тўғри;

64. Ишлаётган пенсионерларга пенсия қайси маблағлар ҳисобидан тўланади?

- A) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан тўланади;
- b) корхона меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тўланади;
- c) иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасидан тўланади;
- d) фуқаролар йиғини ҳисобидаги маблағлардан тўланади;
- e) тўғри жавоб йўқ;

65. Ишлаётган пенсионерларнинг меҳнат ҳақидан ҳам ижтимоий тўловлар олинадими?

- a) ишлаётган пенсионерларга ҳисоблаб чиқилган ойлик иш ҳақидан ижтимоий тўловлар ундирилмайди;
- b) пенсионер тўлиқсиз иш кунда ишлаётган бўлса, унга ҳисоблаб чиқилган ойлик иш ҳақидан ижтимоий тўловлар ундирилмайди;
- c) агар пенсионер тўлиқ иш кунда ишлаётган бўлса, унга ҳисоблаб чиқилган ойлик иш ҳақидан ижтимоий тўловлар ундирилмайди;
- d) бошқа ишлаётган шахслар каби уларнинг иш ҳақларидан ҳам ижтимоий тўловлар ундирилади;
- e) тўғри жавоб йўқ;

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ёшга доир пенсия тушунчаси ва унинг турлари қандай?
2. Умумий асосларда ёшга доир пенсия тайинлаш деганда нимани тушунаси?
3. Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тушунчаси ва унинг турларини айтиб беринг?
4. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1,2,3-сонли рўйхатлари ҳақида гапириб беринг.
5. Пенсия тайинлашдаги “имтиёзли шартлар” деганда нимани тушунаси?
6. Лилипутлар ва паканаларга ёшга доир пенсиялар тайинлашда қандай имтиёзлар белгиланган?
7. Муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлаш шартлари нималардан иборат?
8. Тўлиқсиз меҳнат стажи билан ёшга доир пенсия тайинлаш тартиби қандай?
9. Узоқ йиллик хизмат муддати учун ёшга доир пенсия тайинлаш деганда нимани тушунаси?
10. Пенсия миқдори қандай таркибий қисмлардан ташкил топади?
11. Пенсиянинг таянч миқдори деганда нимани тушунаси?

12. Ёшга доир пенсия миқдорини белгилаш учун ўртача ойлик иш ҳақи қандай аниқланади?
13. Ёшга доир пенсиялар миқдорини белгилашда кимларга устама ҳақлар қўшилади?
14. Иш стажи учун пенсиянинг оширилиши деганда нимани тушунасиз?
15. Ёшга доир пенсиялар қайси органлар томонидан тайинланади?
16. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсия тайинлашнинг хусусиятлари нималардан иборат?
17. Ёшга доир пенсиялар қандай ҳолларда қайта ҳисобланиши мумкин?
18. Аёлларга ёшга доир пенсия тайинлашнинг хусусиятлари нималардан иборат?
19. Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тартибини айтиб беринг.
20. Пенсиялардан нималар учун чегирмалар қилиниши мумкин?

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» Т., «Ўзбекистон», 1996 й.
2. Каримов И.А. «Адолатли жамият сари», Т., «Ўзбекистон» 1998й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда»Т., «Ўзбекистон» 1999 й
4. Каримов И.А. «Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш асосий мезон»// «Халқ сўзи» 2004 й., 16 октябрь.
5. Андреев В.С. «Право социального обеспечения в СССР». Учебник. М., 1987 г.
6. Право социального обеспечения. Под.ред. К.Н.Гусова. Учебное пособие. М., «Проспект» 2000 г.
7. Батыгин К.С. Право социального обеспечения. Общая часть. Учебное пособие. М., 1995.
8. Иванова Р.И., Тарсова В.А. Предмет и метод советского права социального обеспечения. М., МГУ, 1983.
9. Полупанов М.И. К вопросу о понятии метода права социального обеспечения. Труды ВЮЗИ. 1978. Т. 62.
10. Право социального обеспечения: практикум, нормативные акты, образцы документов. Под ред. Э.Г.Тучковой. М.: Новый юрист, 1997.
11. Сулейманова Г.В. Социальное обеспечение и социальное страхование. М.: Экспертное бюро, 1998.
12. Тучкова Э.Г. Право социального обеспечения. Учебно-методическое пособие. М., 1995.
13. Шайхатдинов В.Ш. Право социального обеспечения Российской Федерации. Учебное пособие. Вып I. Екатеринбург, 1996.

14. Турсунов Й., Шоимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳукуқи. Дарслик. ТДЮИ, Т., 2003 й.
15. Турсунов Й., Усмонова М. Ижтимоий таъминот ҳукуқи. ТДЮИ, Т., 2004 й.
16. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳукуқи. Дарслик. А.А.Иноятов муҳаррирлиги остида, Т., ТДЮИ, 2005 й.
17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон” 2003 й.
18. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 9-сон.
19. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрий ҳужжатлари., Тошкент, «Адолат», 2000 й.
20. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 14-сон.
21. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, 10-сон, 52-модда.
22. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 512-модда.
24. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 6-сон, 105-бет.
25. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги” қонун. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 21-сон, 132-бет.
26. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 19-сон.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 мартдаги “Аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Халқ сўзи, 1999 йил 18 март.
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги «Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида»ги Фармони.
36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 7 майдаги “Собиқ ССР иттифокида давлат мукофоти сазовор бўлган ХХ Жаҳон уруши катнашчиларига, Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги ходимлари ва бошқа фуқароларга аввалги мукофотлар қонунда кўзда тутилган ҳуқуқ ва бурчларнинг сақлаб қолиниши ҳақида»ги Фармони, Тошкент, “Адолат”, 1993 йил, 55-бет.
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1280-сон Фармони.

41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 249-сонли қарор. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳужжатлари, Тошкент, «Адолат», 2000 йил.
42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 май «Имтиёзли шартлар асосида пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1,2,3–сонли рўйхатларини тадбиқ этиш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги 250-сонли қарор. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳужжатлари, Тошкент, «Адолат», 2000 йил.
48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрь “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 444-сонли қарори. ҚТ, 2000 йил, 11-сон, 71-модда.
49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрь “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 490-сонли қарори.
50. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрь “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги 595-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 516-модда.
51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрь 498-сонли билан қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 йил, 12-сон, 189-модда.
54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 август «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларининг давлат томонидан суғурталаш тўғрисида»ги 351-сонли қарори, Қарорлар тўплами, 2001 йил, 8-сон, 50-модда.
56. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрь «2000-2005 йилда ёлғиз кексаларни, пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 520-сонли қарор, ҚТ, 1999 йил, 12-сон, 19-модда.
57. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 490-сонли қарор, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 42-сон, 447-модда.
58. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 августдаги 378-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси тўғрисида»ги Низом, ҚТ, 1993 йил, 7-сон, 29-модда.

62.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июн 3170-сонли қарор билан тасдиқланган «Тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари тўғрисида»ги Низом, ҚТ, 1994 йил, 6-сон, 32-модда.

64.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 350-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бадаллар ажратиш тартиби» ҚТ, 2001 йил, 8-сон, 50-модда.

65.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 август 351-сонли қарор билан тасдиқланган «Дехқон хўжалиги аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисида»ги Низом, ҚТ, 8-сон, 50-модда.

66.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллиги туфайли тайинланган пенсияларни ўтказиш тартиби тўғрисида» Низом, ҚТ, 1994 йил, 6-сон, 32-модда.

67.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрь «Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 444-сонли қарор.

68.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 7-8-сонли 59-модда.

70.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январь «Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 33-сонли қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 22-модда.

73.Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 1998 йил 30 ноябрида тасдиқланиб 1999 йил 7 январда Адлия Вазирлигида 588-сон билан давлат рўйхатига олинган «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тўғрисида»ги Йўриқнома.

74.Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишиб тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 1996 йил 28-майда рўйхатга олинган «Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Услубият.

75.Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 1994 йил 26 июндаги 6/21/05-1043 сонли қарори билан имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1,2,3-сонли рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги тушунтиришлар. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига шарҳлар. – Т., 1995 йил.

76.Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 1999 йил 31 майда Молия вазирлиги ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан келишиб, ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби тасдиқланган ва бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 16 июнда 748-ракам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

77.Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июлдаги 300-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Касб касалликлари рўйхати». Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлар Ахборотномаси, 2000 йил, 12-сон, 165-166-бет.

78.Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июлдаги 300-сонли буйруғи билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда тасдиқланган:

- 1) Касб касаллигида гумон қилишган ходимнинг иш шароитларини санитария-гигиена тавсифномасини тузиш учун йўриқнома.
- 2) Касб касалликлари рўйхати.
- 3) Касб касалликларига чалинган беморларни диспансеризация ўтказиш тартиби ҳақида низом.
- 4) Касб касалликларини хабар қилиш, текшириш, қайд қилиш ва ҳисобга олиш тартиби ҳақидаги йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлар Ахборотномаси, 2000 йил, 12-сон, 165-166-бетлар.

3-Мавзу: Ногиронлик пенсиялари.

1. Ногиронлик тушунчаси. Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари ҳамда уларнинг юридик аҳамияти.
2. Ногиронлик пенсияси тушунчаси. Ногиронлик пенсиясини олишга бўлган ҳуқуқни белгиловчи шартлар.
3. Ногиронлик пенсияларини ҳисоблаш, қайта ҳисоблаш, тайинлаш ва тўлаш тартиби.

Масалалар.

1. Фуқаро Янгиев ўзига тайинланган II гуруҳ ногиронлик пенсиясини тўлаш асосиз тўхтатиб қўйилганлиги устидан шикоят қилди. Шикоятни текшириш чоғида Янгиевга ногиронлик гуруҳи бир йилга белгиланганлигини ва ушбу муддат ўтган бўлса-да, Янгиев қайта тиббий кўрикдан ўтиш учун келмаганлиги аниқланди.

Янгиевнинг шикояти ўринлими? Узрли сабабларга кўра қайта тиббий кўрикдан ўтишга кела олмаган бўлса, ногиронлик пенсиясини тўлаш тартиби қандай бўлади?

2. Фуқаро Олтиевга умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногиронлик белгиланди. Ёши 30 да. Умумий меҳнат стажи 10 йил. Ҳисоблаб чиқилган ўртача ойлик иш ҳақи 20500 сўм.

Фуқаро Олтиевга тайинланадиган пенсия миқдорини аниқланг.

3. Фуқаро Ҳақимов ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли III гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Ёши 38 да. Умумий меҳнат стажи 8 йил. Ижтимоий таъминот бўлими Ҳақимовга тўлиқсиз меҳнат стажи бўйича ногиронлик пенсиясини тайинлади.

Фуқаро Ҳақимовга пенсия тўғри тайинланганми? Ногиронлик пенсиясини тайинлашда меҳнат стажининг аҳамияти қандай?

4. Фуқаро Билолов вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасига шикоят билан мурожаат қилиб, унга меҳнатда майибланганлиги туфайли III гуруҳ ногиронлиги белгиланганлигини, айти пайтда енгилроқ ишга ўтказилганлигини, бироқ ишлётганлиги учун ногиронлик пенсиясининг ярми тўланаётганлиги баён қилди. Фуқаро Билолов ўзига тўлиқ пенсия тўланишни талаб қилди.

Фуқаро Билоловнинг талаби ўринлими? Ишлаётган пенсионерларга пенсия қандай миқдорларда тўланади?

Тест саволлари.

1. “Ногирон” шахс тушунчаси мос келадиган таъриф тўғри келтирилган жавобни топинг.
 - a) жисмоний нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдан ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс;
 - b) ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдан ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс;
 - c) жисмоний ёки ақлий нуқсони бор аммо, турмуш фаолияти чекланмаган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлмаган шахслар;
 - d) a ва b;
 - e) барча жавоблар тўғри;
2. Болаликдан ногиронлар тушунчасига тўғри келадиган жавобни топинг.
 - a) туғилаётганда, туғма ёки кейинчалик жароҳатлари ва касалликлари оқибатида ногирон бўлиб қолган 16 ёшгача бўлган болалар;
 - b)) туғилаётганда, туғма ёки кейинчалик жароҳатлари ва касалликлари оқибатида ногирон бўлиб қолган 6 ойдан 16 ёшгача бўлган болалар;
 - c)) туғилаётганда, туғма ёки кейинчалик жароҳатлари ва касалликлари оқибатида ногирон бўлиб қолган, ўқиётган 18 ёшгача бўлган шахслар;
 - d) a ва c;
 - e) барча жавоблар тўғри;
3. Болаликдан ногиронларга қандай ногиронлик гуруҳи белгиланади?
 - a) барча болаликдан ногиронларга 2- гуруҳ ногиронлиги белгиланади;
 - b) барча болаликдан ногиронларга 1- гуруҳ ногиронлиги белгиланади;
 - c) барча болаликдан ногиронларга 3-гуруҳ ногиронлиги белгиланади;
 - d) болаликдан ногиронларга ногиронлик гуруҳи белгиланмайди;
 - e) аҳолининг оғирлик даражасига қараб 1, 2, 3 - гуруҳ ногиронлиги белгиланади;

4. Ногиронлик пенсиялари тўланмайдиган шахсларни кўрсатинг?

- a) меҳнатда майибланган ногирон шахслар;
- b) касб касаллигига учраган ногирон шахслар;
- c) умумий касалликка чалинган ногирон шахслар;
- d) болаликдан ногиронлар;
- e) тўғри жавоб йўқ;

5. Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши қайси орган томонидан белгиланади?

- a) соғлиқни сақлаш бўлими томонидан;
- b) тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан;
- c) ижтимоий таъминот бўлими томонидан;
- d) маҳаллий меҳнат органи томонидан;
- e) маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан;

6. Ногиронлик пенсиясини тайинлаш учун қандай ҳолатларда меҳнат стажи талаб қилинмайди?

- a) агар ногиронлик меҳнатда майибланганлик оқибатида келиб чиққан бўлса;
- b) агар ногиронлик касб касаллиги оқибатида келиб чиққан бўлса;
- c) агар ногиронлик умумий касалликлар оқибатида келиб чиққан бўлса;
- d) a, b, c;
- e) a ва b;

7. 20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилгандан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга ногиронлик пенсияси тайинлаш учун қанча меҳнат стажи талаб қилинади?

- a) 2 йил;
- b) 3 йил;
- c) меҳнат стажи талаб қилинмайди;
- d) ишлаган стажига мутаносиб равишда;
- e) 5 йил;

8. Қуйидагилардан кимлар меҳнат стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясини олишга ҳақли бўладилар?

- a) касб касаллигига учраган I ва II гуруҳ ногиронлари;
- b) умумий касаллиги оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронлари;
- c) меҳнатда майибланган I ва II гуруҳ ногиронлари;
- d) умумий касаллиги оқибатидаги III гуруҳ ногиронлари;
- e) барча жавоблар тўғри;

9. Ногиронлик қуйидаги ҳолатларнинг қайси бирида меҳнатда майибланиш оқибатида келиб чиққан деб ҳисобланади?

- a) меҳнат вазифаларини бажаришда, хизмат сафари вақтида, шунингдек корхона ва ташкилот манфаатлари йўлида ҳатто махсус топшириқсиз бирон иш бажарганда;
- b) корхона, ташкилот ҳудудида ёки бошқа иш жойида иш вақти давомида, шунингдек иш бошланиши ёки тугаши олдида ишлаб чиқариш қуролларини, кийим-бош ва бошқаларни тартибга келтириш учун зарур бўлган вақт давомида;
- c) иш вақти давомида (белгиланган танаффуслар ҳам) корхона, ташкилот ёки бошқа иш жойи яқинида, агар у ерларда бўлиш ички меҳнат тартиби қоидаларига зид бўлмаса;
- d) вахтали шаҳарча ҳудудида вахта-экспедиция усули билан ва табиий офат вақтида сменали дам олишда бўлган ходим билан юз берганда;
- e) барча жавоблар тўғри;

10. Қуйидагилардан қайси бирида ногиронлик меҳнатда майибланиши оқибатида келиб чиқмаган деб ҳисобланади?

- a) ходим ўз транспортида ишга бораётганида ёки ишдан қайтаётганида;
- b) давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришда;
- c) инсон ҳаётини сақлаб қолиш, Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамоат мулкани, фуқаролар мулкани, ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш бўйича фуқаролик бурчини бажариш вақтида;
- d) иш куни давомида маъмуриятнинг ходимнинг вазифасига кирмайдиган топшириқларини бажариш вақтида;
- e) донорлик вазифасини бажариш муносабати билан;

11. Ногиронлик пенсиясини тайинлаш тўғрисидаги аризага қандай ҳужжатлар илова қилинади?

- a) меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжат;
- b) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;
- c) ТМЭК текширув далолатномасидан кўчирма;
- d) зарур ҳолларда аризачининг ёлғиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож деб тан олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
- e) барча жавоблар тўғри;

12. Ногиронлик пенсиялари қанча муддатга тайинланади?

- a) бутун ногиронлик даври учун;
- b) 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшдан аёлларга умрбод;
- c) 6 ойга;
- d) 1 йилга;
- e) a, b;

Назорат саволлари.

1. Ногиронлик тушунчаси ва шахсни ногирон деб топиш асосларини айтиб беринг.
2. Ногиронлик пенсияси тушунчаси ва унинг турларини айтиб беринг.
3. Меҳнатда майибланиш ва касб касаллигига чалиниши муносабати билан ногиронлик пенсияси тайинланиш тартибини айтиб беринг.
4. “Меҳнатда майибланиш” деганда нимани тушунаси?
5. Умумий касаллик туфайли ногиронлик пенсияси қандай тайинланади?
6. Иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғда ногиронлик пенсияси қандай тайинланади?
7. ТМЭК нинг ваколатларини айтиб беринг.
8. Болаликдан ногиронларга ногиронлик пенсияси тайинланадими?
9. Ногиронлик пенсиялари қанча муддатга тайинланади ва тўланади?
10. Ишлаётган ногиронларга ногиронлик пенсиялари тўланиши тартибини айтиб беринг.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» Т., «Ўзбекистон», 1996 й.
2. Каримов И.А. «Адолатли жамият сари», Т., «Ўзбекистон» 1998 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда»Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
4. Каримов И.А. «Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш асосий мезон»// «Халқ сўзи» 2004й, 16 октябрь.
5. Андреев В.С. «Право социального обеспечения в СССР». Учебник. М., 1987 г.
6. Право социального обеспечения. Под.ред. К.Н.Гусова. Учебное пособие. М., «Проспект» 2000 г.
7. Батыгин К.С. Право социального обеспечения. Общая часть. Учебное пособие. М., 1995.
8. Иванова Р.И., Тарасова В.А. Предмет и метод советского права социального обеспечения. М., МГУ, 1983.
9. Полупанов М.И. К вопросу о понятии метода права социального обеспечения. Труды ВЮЗИ. 1978. Т. 62.
10. Право социального обеспечения: практикум, нормативные акты, образцы документов. Под ред. Э.Г.Тучковой. М.: Новый юрист, 1997.
11. Сулейманова Г.В. Социальное обеспечение и социальное страхование. М.: Экспертное бюро, 1998.
12. Тучкова Э.Г. Право социального обеспечения. Учебно-методическое пособие. М., 1995.
13. Шайхатдинов В.Ш. Право социального обеспечения Российской Федерации. Учебное пособие. Вып I. Екатеринбург, 1996.
14. Турсунов Й., Шоимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик ТДЮИ, Т., 2003 й.
15. Турсунов Й., Усмонова М. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. ТДЮИ, Т., 2004 й.
16. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. А.А.Иноятов муҳаррирлиги остида, Т., ТДЮИ, 2005 й.
17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. «Ўзбекистон» 2003 й.
27. Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон, 78-модда.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги «Ўзгалар параваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 212-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 7-сон, 134-модда.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил декабрга «Эркин нарх белгиланиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

59.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 июль «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 328-сонли қарор, ҚТ, 1992 йил 7-сон, 19-модда.

60.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 ноябрь «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни реабилитация қилишнинг 1996-2000 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги 433-сонли қарори, ҚТ, 1995 йил, 11-сон, 19-модда.

61.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 март «Ўзгалар параваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам курсатишни кучайтириш тўғрисида»ги 106-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 5-6-сон, 46-модда.

62.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июн 3170-сонли қарор билан тасдиқланган «Тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари тўғрисида»ги Низом, ҚТ, 1994 йил, 6-сон, 32-модда.

63.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 июн 328-сонли қарорига мувофиқ «Ногиронларни белгилаш маълумотлари рўйхати» тасдиқланган. ҚТ, 1992 йил, 7-сон, 19-модда.

64.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 350-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасиги бадаллар ажратиш тартиби» ҚТ, 2001 йил, 8-сон, 50-модда.

66.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллиги туфайли тайинланган пенсияларни ўтказиш тартиби тўғрисида» Низом, ҚТ, 1994 йил, 6-сон, 32-модда.

77.Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июлдаги 300-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Касб касалликлари рўйхати». Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлар Ахборотномаси, 2000 йил, 12-сон, 165-166-бет.

78.Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июлдаги 300-сонли буйруғи билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда тасдиқланган:

5) Касб касаллигида гумон қилишган ходимнинг иш шароитларини санитария-гигиена тавсифномасини тузиш учун йўриқнома.

6) Касб касалликлари рўйхати.

7) Касб касалликларига чалинган беморларни диспансеризация ўтказиш тартиби ҳақида низом.

8) Касб касалликларини хабар қилиш, текшириш, қайд қилиш ва ҳисобга олиш тартиби ҳақидаги йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлар Ахборотномаси, 2000 йил, 12-сон, 165-166-бетлар.

4-Мавзу. Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари.

1. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тушунчаси ва пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси.
2. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш шартлари.
3. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳисоблаш, қайта ҳисоблаш, тайинлаш ва тўлаш тартиби.

Масалалар.

1. Фуқаро Акромова фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилиб, эри тўрт йилдан бери қаерда эканлиги номаълумлиги, ўзи анчадан буён касал эканлигини, вояга етмаган фарзандлари борлигини айтиб ўзига ижтимоий ёрдам кўрсатишларини сўради.

Фуқаро Акрамовага боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлаш мумкинми? Ушбу фуқаро яна қандай ижтимоий ёрдам турларини олиши мумкин?

2. Касб касаллигидан вафот этган Гофуровнинг иккита вояга етмаган фарзандларига боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашни сўраб мурожаат қилинди. Гофуровнинг ёши 40 да, меҳнат стажи 15 йил, ҳисоблаб чиқарилагн ўртача иш ҳақи 54600 сўмни ташкил қилади.

Оилага ва болаларнинг ҳар бирига тайинланадиган пенсия миқдорини аниқланг.

3. Фуқаро Муродова ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиб, эри 36 ёшида умумий касалликдан вафот қилганлигини, вафот қилгунча яқка тартибдаги тадбиркорлик билан 10 йил шуғулланганлигини, ҳозирда қарамоғида 3 та вояга етмаган фарзандлари борлигини ва ўзи ҳам ҳеч қаерда ишламаслигини айтиб боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлашларини сўради. Ижтимоий таъминот бўлими вояга етмаган фарзандларнигина ҳисобга олиб пенсия тайинлади. Фуқаро Муродова ҳозирда вояга етмаган фарзандлар тарбияси билан машуллигини инобатга олиб пенсия олувчилар доирасига ўзининг ҳам киритилишини талаб қилди.

Фуқаро Муродованинг талаби ўринлими? Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда меҳнат стажи юридик аҳамиятга эгами?

Тест саволлари.

1. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи қайси ҳолатларда вужудга келади?
- a) боқувчи вафот этганда;
 - b) боқувчи бедарак йўқолган деб топилганда;
 - c) боқувчи вафот этган деб эълон қилинганда;
 - d) а ва с;
 - e) а, b, с;
2. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқини берувчи асослар тўғри кўрсатилган жавобни топинг.
- a) боқувчи шахснинг вафот этганлиги ёки ўлган деб эълон қилинганлиги;
 - b) вафот этган боқувчи ва пенсияга талабгор шахслар ўртасида яқин қариндошлик алоқаси;
 - c) пенсияга талабгор шахсларнинг меҳнатга қобилиятсиз бўлиши;
 - d) пенсияга талабгор шахсларнинг марҳум боқувчисининг қарамоғида бўлиши;
 - e) барча жавоблар тўғри;
3. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда “меҳнатга қобилиятсиз” шахслар деганда кимлар тушунилади?
- a) ногиронлик туфайли тўла меҳнатга қобилиятсиз шахслар;
 - b) болаларнинг тарбияси билан банд бўлганлиги учун меҳнат қилмаётган шахслар;
 - c) ёш хусусиятларига кўра ҳали меҳнат қилишга мажбур бўлмаган шахслар;
 - d) касаллиги туфайли меҳнат қилишга мажбур бўлмаган шахслар;
 - e) барча жавоблар тўғри;
4. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашдаги “қарамоғида бўлганлик” ҳолатига тўғри келувчи жавобни топинг.
- a) марҳум боқувчисининг тўлиқ таъминотида бўлган шахслар;
 - b) бошқа ҳаёт кечириш учун бирон манбага эга бўлсада, бироқ марҳум боқувчисининг ёрдами улар учун ҳаёт кечиришнинг доимий ва асосий манбаи бўлиб, уни олиб келаётган шахслар;
 - c) мустақил даромадга эга бўлишдан қатъи назар, марҳум боқувчисининг яқин қариндошлари;
 - d) а ва b;
 - e) b ва с;
5. Оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.
- a) фарзандлар 16 ёшга тўлгунча ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлса, ўқувчи бўлса 18 ёшга тўлгунча;
 - b) меҳнатга қобилиятли ота-она бўлмаган тақдирда ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар;
 - c) ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр агар улар ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини олишга бўлган ёшга тўлган ёки ногирон бўлсалар;
 - d) бува, буви, агар уларни боқиш шарт бўлган кишилар бўлмаса;
 - e) барча жавоблар тўғри;
6. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси кимларга марҳумнинг қарамоғида турмаган бўлса ҳам тайинланади?
- a) фарзандларга;
 - b) эр ёки хотинга;
 - c) ота ва онага;

d) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

e) а ва d;

7. Ўғай ота ва ўғай она боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш учун ўғай ўғилни 18 ёшга тўлгунга қадар қанча боққан бўлишлари лозим?

a) ўғай ўғилни боққанлик фактининг ўзи етарли, унинг муддати аҳамиятга эга эмас;

b) 5 йил;

c) 10 йил;

d) 15 йил;

e) 18 йил;

8. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш учун марҳумнинг меҳнат стажи зарурий шартми?

a) меҳнатда майибланган ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг меҳнат стажига қаралмайди;

b) агар марҳум пенсионер бўлган бўлса, меҳнат стажига қаралмайди;

c) умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчидан муайян меҳнат стажи талаб этилади;

d) а ва c;

e) барча жавоблар тўғри;

9. Умумий касаллик оқибатида вафот этган боқувчининг оила аъзоларига зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланадими?

a) йўқ, тайинланмайди;

b) бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади;

c) стажидан қатъи назар тўлиқ тайинланади;

d) етарли стажга эга бўлмаса олдиндан белгиланган қатъий суммада тайинланади;

e) тўғри жавоб йўқ;

10. Умумий касаллик оқибатида вафот этган боқувчининг оила аъзоларига марҳумнинг меҳнат стажи бўлмаса, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланадими?

a) стаждан қатъи назар тайинланади;

b) стаж бўлмаса тайинланмайди;

c) стаж бўлмаса нафақа тайинланади;

d) a, b, c;

e) b, c;

11. Эрнинг вафот этганлиги сабабли хотин янги турмуш қурганда боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқи сақланиб қоладими?

a) агар хотин боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлангандан кейин турмуш курса, мазкур пенсияни олиш ҳуқуқи унда сақланиб қолади;

b) агар хотин янги турмуш қургандан кейин боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш бўйича мурожаат қилганда мазкур пенсия тайинланмайди;

c) янги никоҳга кириш ҳар қандай ҳолда ҳам боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланишдан маҳрум қилади;

d) a, b;

e) a, b, c;

12. Ўзбекистон Республикасида ишламаган бошқа мамлакатлардан кўчиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси қандай ҳолларда тайинланади?

- a) бошқа мамлакатларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олган оилаларга боқувчисининг иш стажидан қатъи назар тайинланади;
- b) бошқа мамлакатларда пенсия олмаган оилаларга боқувчи умумий касаллик туфайли вафот этган тақдирда тегишли иш стажига эга бўлганда тайинланади;
- c) бошқа мамлакатларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олмаган оилаларга боқувчи меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлиги оқибатида бўлса, меҳнат стажидан қатъи назар тайинланади;
- d) бундай фуқароларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланмайди;
- e) a, b, c;

13. Вафот этган пенсионернинг оиласига боқувчисини йўқотганлик пенсияси қайси иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади?

- a) марҳум пенсионернинг пенсиясидан ҳисоблаб чиқарилади;
- b) пенсионер охирги беш йил ичида олган пенсиясидан ҳисоблаб чиқарилади;
- c) пенсионернинг пенсияси қайси иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилган бўлса, ўша иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади;
- d) пенсионер охирги кетма-кет ишлаган йиллардаги иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади;
- e) тўғри жавоб йўқ;

14. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш тўғрисидаги аризага меҳнат ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатлардан ташқари яна қандай ҳужжатлар илова қилинади?

- a) ФХДЁ бўлимининг боқувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки унинг бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги суд қарори;
- b) пенсия тайинланаётган шахснинг ёшини тасдиқловчи туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт;
- c) оила аъзосининг вафот этган боқувчига қариндошлиги муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- d) зарур ҳолларда боқувчининг қарамоғида бўлган унинг оила аъзолари таркиби тўғрисидаги фуқаролар йиғинининг маълумотномаси;
- e) барча жавоблар тўғри;

60. Тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўланадими?

- A) уларнинг тўлиқ давлат таъминотида эканлиги пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум қилади;
- b) тўлиқ давлат таъминотида турган чин етим болаларга жамғарма банкда очилган омонатга ўтказиб қўйилади;
- c) тўлиқ давлат таъминотида бўлган ота-онасидан ажралган болаларга жамғарма банкда очилган омонатга ўтказиб қўйилади;
- d) тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларга вояга етганларидан кейин бир йўла берилади;
- e) c, d;

Назорат саволлари.

1. «Боқувчисини йўқотганлик» деганда нимани тушунаси?
2. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш шартларини айтиб беринг.
3. Боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия олиш эга бўлган шахслар доирасини айтиб беринг.
4. «Қарамоғида бўлганлик» тушунчасини очиб беринг.
5. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси кимларга марҳумнинг қарамоғида турмаган бўлса ҳам тайинланади?
6. Меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари” деганда кимлар тушунилади?
7. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда меҳнат стажининг аҳамияти эгами?
8. Ота-онасидан айрилган чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш хусусиятлари нималардан иборат?
9. Ўзбекистон Республикасида ишламаган бошқа давлатлардан кўчиб келган Ўзбекистон фуқароларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланадими?
10. Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари қанча муддатга тайинланади?

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» Т., “Ўзбекистон”, 1996 й.
2. Каримов И.А. “Адолатли жамият сари”, Т., “Ўзбекистон” 1998 й.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқада”Т., “Ўзбекистон” 1999 й.
4. Каримов И.А. “Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш асосий мезон”// “Халқ сўзи” 2004й, 16 октябрь.
5. Андреев В.С. “Право социального обеспечения в СССР”. Учебник. М., 1987 г.
6. Право социального обеспечения. Под.ред. К.Н.Гусова. Учебное пособие. М., “Проспект” 2000 г.
7. Батыгин К.С. Право социального обеспечения. Общая часть. Учебное пособие. М., 1995.
8. Иванова Р.И., Тарасова В.А. Предмет и метод советского права социального обеспечения. М., МГУ, 1983.
9. Полупанов М.И. К вопросу о понятии метода права социального обеспечения. Труды ВЮЗИ. 1978. Т. 62.
10. Право социального обеспечения: практикум, нормативные акты, образцы документов. Под ред. Э.Г.Тучковой. М.: Новый юрист, 1997.
11. Сулейманова Г.В. Социальное обеспечение и социальное страхование. М.: Экспертное бюро, 1998.
12. Тучкова Э.Г. Право социального обеспечения. Учебно-методическое пособие. М., 1995.

13. Шайхатдинов В.Ш. Право социального обеспечения Российской Федерации. Учебное пособие. Вып I. Екатеринбург, 1996.
14. Турсунов Й., Шоимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик ТДЮИ, Т., 2003 й.
15. Турсунов Й., Усмонова М. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. ТДЮИ, Т., 2004 й.
16. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. А.А.Иноятов муҳаррирлиги остида, Т., ТДЮИ, 2005 й.

5-Мавзу. Ижтимоий таъминот йўли билан тайинланадиган нафақалар.

1. Ижтимоий таъминот бўйича тайинланадиган нафақалар тушунчаси ва турлари.
2. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бериладиган нафақалар.
3. Бюджетдан бериладиган нафақалар.
4. Нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби.
5. Ижтимоий ёрдам ва унинг бошқа турлари.
6. Қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат ва тиббий ёрдам кўрсатиш.

Масалалар.

1. Фуқаро Халилова боласи туғилганидан сўнг 6 ой ўтиб фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органига болани парваришлаш нафақасини тайинлашни сўраб мурожаат этди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи бола туғилганидан олти ой ўтиб кетганлигини асос қилиб мазкур нақани тайинламади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳаракатлари тўғрими? Ишламаётган аёлларга болани парваришлаш нафақаси қачондан бошлаб тўланади?

2. Фуқаро Искандарова ишга кириб олти ой ишлаганданидан кейин ҳомиладорлиги ҳақида тиббий маълумотнома олиб келди. Аммо корхона раҳбари ушбу фуқарога ҳали бир йил ишламаганлиги учун ҳомиладорлик нафақаси тайинланмаслигини маълум қилди.

Корхона раҳбарининг ҳатти –ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг. Ҳомиладорлик нафақаси қачондан бошлаб қанча муддатга тўланади?

3. Фуқаро Мамажонов Кимё-технология институтида иккинчи курс магистратурада ўқийди. Айтилган пайтда шу институтда ярим ставкада лаборант вазифасида ҳам ишлайди.

Фуқаро Мамажонов коммунал тўловлар ўрнига бериладиган компенсация пулини олишга ҳақлими?

4. Корхона ходимаси Аллаева бошқарма бошлиғига мурожаат қилиб, унга ҳомиладорлик таътили нафақаси тўланмаётганлигини, бунинг учун асос қилиб ҳомиладорлик таътилига чиққан бўлсада, ишлаётганлигини ва иш ҳақи олаётганлигини айтишарди. Фуқаро Аллаева ҳам иш ҳақи, ҳам нафақа пулини тўлашларини сўради.

Фуқаро Аллаева мурожаати қаноатлантириладими? Ҳомиладорлик таътилига чиққан ходим ишлаётган, бўлса ижтимоий таъминот соҳасида унга қандай имтиёзлар берилиши мумкин?

5. Фуқаро Хайриддинова ўзи ишлаган корхона бошлиғига бола парваришлаш нафақасини яна бир йилга узайтириб беришларини ва ҳозирда оиласининг моддий аҳволи яхши эмаслигини инобатга олиб, учинчи йил учун ҳам нафақа тўлашларини сўраб ариза билан мурожаат этди. Бироқ, корхона бошлиғи бола икки ёшга тўлгунгача бундай нафақа турини олиш мумкинлигини ва ходимни тезда ишга чиқиши лозимлиги айтди.

Корхона бошлиғининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг. Ишлаётган оналарга бола парваришлаш нафақаси қанча муддатга, қим томонидан тайинланади?

Тест саволлари

1. Нафақалар тушунчаси мазмунига тўғри келадиган жавобни белгиланг?
 - a) вақтинча йўқотилган иш ҳақи ўрнига бериладиган тўлов;
 - b) тирикчилик учун зарур бўлган манбага қўшимча манба сифатида бериладиган тўлов;
 - c) тирикчилик учун зарур бўлган манбалар бўлмаган ҳолларда бериладиган тўлов;
 - d) асосан қисқа муддатга амалга ошириладиган тўлов;
 - e) барча жавоблар тўғри
2. “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғриси”даги Низом қачон тасдиқланган?
 - a) 2002 йил 28 февралда;
 - b) 2002 йил 1 апрелда;
 - c) 2001 йил 13 февралда;
 - d) 2001 йил 6 апрелда;
 - e) 2001 йил 24 августда;
3. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий суғурта бўйича бериладиган нафақалардан бири нотўғри кўрсатилган жавобни топинг.
 - a) вақтинча меҳнатга қобилиятсиз нафақаси;
 - b) ҳомиладорлик ва туғиш учун бола туғилгани учун нафақа;
 - c) қўшимча дам олиш куни учун нафақа;
 - d) дафн этиш маросими учун нафақа;
 - e) барча жавоблар тўғри;
4. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар бериладиган шахслар доирасини топинг.
 - a) ижтимоий суғурта жорий қилинадиган ходимларга, улар иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган даврда берилади;
 - b) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга суғурта бадалини тўлаш даврида пайдо бўлса берилади;
 - c) деҳқон хўжалиги аъзоларига суғурта бадалини тўлаш даврида пайдо бўлса берилади;
 - d) a, b;
 - e) a,b,c;

5. Қандай ҳолларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланади?
- a) меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилингандан кейин (МК 67-м.) бир ой ичида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган бўлса;
 - b) Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларидаги муддатли хизмат сафидан бўшатиладигандан кейин бир ой ичида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бошланган бўлса;
 - c) ходим санаторий-курортда даволанаётган бўлса;
 - d) ходим реабилитация муассасаларида даволанаётган бўлса;
 - e) a ва b;
6. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар қанча муддатдан кейин мурожаат қилинган тақдирда тўланмайди?
- a) меҳнат қобилияти тикланган кундан бошлаб 6 ойдан кейин мурожаат қилинса;
 - b) ногиронлик белгиланган кундан бошлаб 6 ойдан сўнг мурожаат қилинса;
 - c) ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кундан бошлаб 6 ойдан сўнг мурожаат қилинса;
 - d) бола туғилган кундан бошлаб 6 ойдан кейин мурожаат қилинса;
 - e) барча жавоблар тўғри;
7. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси бериладиган ҳолатлар тўғри кўрсатилган жавобни топинг.
- a) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда;
 - b) санаторий-курортда даволанганда, меҳнат қобилиятини тиклаш ёки протез қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда;
 - c) карантинда, сил ёки касб касаллиги туфайли бошқа ишга ўтказилганда;
 - d) касалланган оила аъзосини парваришlash зарур бўлганда;
 - e) барча жавоблар тўғри;
8. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қанча муддатга берилади?
- a) меҳнат қобилияти йўқолган кундан то у тиклангунга қадар;
 - d) меҳнат қобилиятини йўқотган ходимга ТМЭК томонидан ногиронлик белгилангунга қадар;
 - c) меҳнат қобилияти тикланиш-тикланмаслигидан қатъи назар 3 ой муддатга;
 - d) сил касаллиги оқибатида шахс тўла соғайгунга қадар, лекин кўпи билан 10 ойга;
 - e) барча жавоблар тўғри;
9. Қуйидаги қайси ҳолларда меҳнатга қобилиятсизлик вужудга келганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайди?
- a) ҳарбий ўқув ёки текширув йиғини даврида;
 - b) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил даврида;
 - c) иш вақтинча тўхтатилган даврда;
 - d) иш ҳақи сақланмаган таътил даврида;
 - e) барча жавоблар тўғри;
10. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қандай ҳолларда берилмайди?
- a) жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланганда;
 - b) ишдан ёки бошқа вазифалардан бўйин товлаш мақсадида ўз соғлиғига атайлаб зиён етказган ёхуд ўзини касалликка солганликда;

- с) гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида, шунингдек, спиртли ва гиёҳвандли моддаларини истеъмол қилиш натижасида касалликка чалинганда;
- d) суд қарори асосида мажбурий даволанишга юборилганда;
- e) барча жавоблар тўғри;

11. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг миқдори нимага мувофиқ аниқланади?

- a) меҳнат стажига мувофиқ аниқланади;
- b) охириги олган ўртача ойлик иш ҳақига мувофиқ аниқланади;
- c) ходимнинг малакасига мувофиқ аниқланади;
- d) касалликнинг оғирлик даражасига мувофиқ аниқланади;
- e) a, b;

12. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга ижтимоий суғурта бўйича нафақалар бериладими?

- a) аввалги иш жойларида жазони ўтаётган бўлсалар берилади;
- b) ИИБ томонидан белгиланган жойларда ишласалар берилади;
- c) жазони қаерда ўташидан қатъи назар берилади;
- d) жазони қаерда ўташидан қатъи назар берилмайди;
- e) ИИБ томонидан бошқа корхоналарда жазони ўтаётган бўлса, берилмайди;

13. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари қанча муддатга берилади?

- a) туққунгача 70 календарь кун, туққандан кейин 56 календарь кун;
- b) туққунгача 70 календарь кун, туғиш қийин кечган ҳолларда 70 календарь кун;
- c) туққунгача 70 календарь кун, икки ва ундан ортиқ бола туғилганда 70 календарь кун;
- d) туққунгача 56 календарь кун, туққандан кейин 70 календарь кун;
- e) a,b,c;

14. Ҳомила тушиб қолганда ҳомиладорлик нафақаси бериладими?

- a) ҳомила тушса ҳам вақтинча меҳнатга яроқсизлик варақасида кўрсатилган муддатга қадар нафақа берилади;
- b) ҳомила тушса, тушиб қолган муддатгача берилади;
- c) ҳомила тушиб қолса нафақа тўлаш тўхтатилади;
- d) ҳомила ноқонуний аборт қилинсагина, берилмайди;
- e) тўғри жавоб йўқ;

15. Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақанинг миқдори қанча?

- a) энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида;
- b) ўртача ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида;
- c) энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;
- d) ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;
- e) энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида;

16. Суюнчи пули ким томонидан берилади?

- a) ишлаётган аёлларга иш жойидан;
- b) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, доктарантурада бюджет асосида таҳсил олаётган аёлларга ўқиш жойидан;
- c) боланинг онаси ишламайдиган ва ўқимайдиган ҳолларда нафақа боланинг ишлайдиган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган бюджет асосида оталарига иш ёки ўқиш жойидан;

- d) ишламайдиган ва ўқимайдиган ота-оналарга бола туғилганда нафақа ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан;
- e) барча жавоблар тўғри;

17. Қўшимча дам олиш куни учун нафақа олиш учун хос бўлган белгиларни кўрсатинг.

- a) боланинг ногирон эканлиги;
- b) 16 ёшга тўлмаган ногирон болани ишловчи ота-онадан бири тарбиялаётгани;
- c) бир ойда қўшимча дам олиш куни бир кундан ортмаслиги;
- d) қўшимча бир дам олиш куни учун ҳам ҳақ тўланиши;
- e) барча жавоблар тўғри;

18. Дафн этиш маросими учун нафақа кимларга берилади?

- a) қарамоғидаги оила аъзолари вафот этганда ходимга;
- b) ходим вафот этганда унинг қарамоғида бўлган оила аъзоларига;
- c) ходим вафот этганда дафн ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга;
- d) ходим вафот этганда қарамоғида бўлмаган оила аъзоларига ҳам;
- e) a, b, c;

19. Дафн этиш маросими учун нафақа миқдори қанча?

- a) энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари;
- b) энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари;
- c) ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида;
- d) ўртача ойлик иш ҳақининг икки баравари;
- e) ўртача ойлик иш ҳақининг уч баравари;

20. Дафн этиш маросими учун нафақа тўланадиган шахслар тоифаси тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) ишламайдиган пенсионер вафот этганда унинг оиласига;
- b) муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ходим ёки унинг оила аъзосига;
- c) олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассаларида, магистратурада, аспирантурада, клиник ординатурада, докторантурада таҳсил олаётган шахсларга ёки уларнинг оила аъзоларига;
- d) мактаблар, курсларнинг, малака ошириш институтлари тингловчилари ёки уларнинг оила аъзоларига;
- e) барча жавоблар тўғри;

21. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ижтимоий таъминот турлари тўғри кўрсатилагн жавобни топинг.

- a) болаликдан ногиронларга нафақа;
- b) давлат пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақа;
- c) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланадиган пенсиялар;
- d) a ва b;
- e) барча жавоблар тўғри;

22. Бюджет маблағлари ҳисобидан тўланадиган нафақа турлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- a) ишлаётган ва ишламаётган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар парвариш қилганлиги учун нафақа;
- b) кам таъминланган оилаларга тайинланадиган нафақа;
- c) вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа;

- d) кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болалаикдан ногиронларнинг дафн маросими учун бирйўла бериладиган нафақа;
e) a, b, c;

23. Ишлаётган оналарга болани парваришlash нафақаси қанча миқдорда тўланади?

- a) болалар сонидан ва меҳнат стажидан қатъи назар, энг кам ойлик иш ҳақининг 170% миқдорида;
b) болалар сонидан ва меҳнат стажидан қатъи назар, энг кам ойлик иш ҳақининг 200% миқдорида;
c) икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанд бўлса, ҳар бир болага энг кам ойлик иш ҳақининг 200% миқдорида;
d) икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ бола парвариш қилаётган ва аёл меҳнат стажидан беш йилдан ортиқ бўлса, ҳар бир болага энг кам ойлик иш ҳақининг 200% миқдорида;
e) бир бола учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида;

24. Агар болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш даврида она кейинги бола учун ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлса, аёлга нафақа тўлаш тартиби қандай бўлади?

- a) ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлишидан қатъи назар, фақат болани парваришlash нафақаси тўланади;
b) болани парваришlash нафақаси тўхтатилиб, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланади ҳамда ушбу нафақа тўлаш муддати тугаганидан кейин аввалги болани парваришlash нафақаси қайта тикланади;
c) бундай ҳолатларда ҳар икки нафақа ҳам тўланади;
d) бундай ҳолатларда онанинг хоҳишига кўра ушбу давр учун икки нафақадан биттаси тўланади;
e) a ва b;

25. Болани парвариш даврида аёл ишлаётган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ўқиётган бўлса нафақа тўлаш тартиби қандай бўлади?

- a) нафақа тўлаш бекор қилиниб, иш ҳақи ва стипендия тўланади;
b) нафақа миқдори камайтирилиб, иш ҳақи ва стипендия тўланади;
c) нафақа миқдори кўпайтирилиб, иш ҳақи ва стипендия тўланмайди;
d) бир вақтнинг ўзида нафақа, шунингдек иш ҳақи ва стипендия тўланади;
e) тўғри жавоб йўқ;

26. Ишлаётган оналарга болани парваришlash нафақаси қачондан тайинланади?

- a) нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган ойдан, бироқ бола туғилган ойдан кейинги ойидан кечиктирмай;
b) нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган ойдан, бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кунидан кейин;
c) нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган пайтдан, бироқ бола туғилган ойдан кейинги ойидан кечиктирмай;
d) нафақа тўлаш муддати ичида мурожаат қилинган кундан;
e) b ва d;

27. Ишлаётган оналарга болани парваришlash нафақаси қанча муддатга тўланади?

- a) 12 ойга;
b) 24 ойга;
c) бола икки ёшга тўлгунга қадар;

- d) a va b;
- e) b va c;

28. Мавсумий ишларда ишловчи аёлларга болани парваришlash нафақаси қанча муддатга тўланади?

- a) мавсумий ишларни бажариш даври учун тўланади;
- b) тўлиқ календарь йил учун туланади;
- c) мавсумий ишларни бажариш даври тугаганидаг сўнг тўхтатилиб, янги мавсум бошланган ойдан қайта тикланади;
- d) 9 ой учун тўланади;
- e) a va b;

29. Ишлаётган оналарга болани парвариш қилиш бўйича нафақа қандай ҳолларда бекор қилинади?

- a) бола икки ёшга тўлганда;
- b) бола тўлиқ давлат таъминотига ўтганда;
- c) бола вафот этганда;
- d) оила, бола билан биргаликда доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганда;
- e) барча жавоблар тўғри;

30. Болани парваришlash нафақаси ким томонидан тўланади?

- a) бюджет ташкилотларида ишлаётган оналар учун бюджет ҳисобидан иш жойидан тўланади;
- b) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда давлат гранти асосида ўқиётган оналарга бюджет ҳисобидан ўқиш жойидан тўланади;
- c) бюджет ҳисобида бўлмаган мулкчилик шаклидан қатъи назар бошқа корхоналарда ишлаётган оналар ушбу корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади;
- d) a, b, c;
- e) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда пулли-контракт асосида ўқиётган оналарга бюджет ҳисобидан ўқиш жойида тўланади;

31. Ишламайдиган оналарга болани парваришlash нафақаси тўлашда “ишламайдиган оналар” деганда кимлар назарда тутилади?

- a) ишламайдиган оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар;
- b) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларида пулли-контракт асосида ўқийдиган оналар ёки улар ўрнини босадиган шахслар;
- c) юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи оналар;
- d) фаолиятни юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширадиган деҳқон хўжаликлари аъзолари бўлган оналар;
- e) барча жавоблар тўғри;

32. Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақаси қайси орган томонидан тайинланди?

- a) фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан;
- b) туман(шаҳар)ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан;
- c) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан;
- d) “Маҳалла” жамғармасидан;
- e) a va d;

33. Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақаси қачондан тайинланади?

- a) мурожаат қилинган ойдан, лекин бола туғилган ойдан кейинги ойдан қолдирмай;

- b) бола туғилган ойдан;
- c) нафақа олиш муддати давомида мурожаат қилинган ойдан;
- d) бола туғилган кейинги ойдан;
- e) a ва b;

34. Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақаси қанча муддатга тўланади?

- a) 12 ойга;
- b) мазкур нафақани олишга муҳтожлик сезилса 24 ойга;
- c) ҳеч қандай шартларсиз 24 ойга;
- d) 6 ойга;
- e) a ва b;

35. Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатлардан бири нотўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- a) болани туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма;
- b) меҳнат дафтарчасидан кўчирма нусха-илгари ишлаганлар учун;
- c) ариза топширилган ойгача оила аъзоларининг охириги ўн икки ойдаги даромдлари тўғрисида маълумотнома;
- d) зарурат бўлганда боланинг ногиронлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ВКК хулосаси кўчирма нусхаси;
- e) барча жавоблар тўғри;

36. Қандай шартлар мавжуд бўлганда ишламайдиган оналарга болани парваришлаш нафақаси оила даромадларини ҳисобга олмаган ҳолда тайинланади?

- a) тўлиқ бўлмаган оилада болани тарбиялаётган оналар;
- b) ногирон болани тарбиялаётган оналар;
- c) болаларидан бири ногирон бўлган оналарга;
- d) a ва b;
- e) барча жавоблар тўғри;

37. Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақасини тайинлашда оиланинг муҳтожлигини белгилайдиган мезон нимадан иборат?

- a) оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг бир ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади;
- b) оиланинг барча аъзосига энг кам иш ҳақининг бир ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади;
- c) оиланинг ҳар бир аъзосига ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади;
- d) оиланинг барча аъзоларига ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади;
- e) тўғри жавоб йўқ;

38. Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақасини тайинлашда оиланинг даромадлари таркибига нималар кирази?

- a) солиқ солинадиган даромадлар;
- b) пенсиялар;
- c) стипендиялар;
- d) шахсий ёрдамчи хўжалиқдан олинadиган даромадлар;
- e) барча жавоблар тўғри;

39. Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақасини тўлаш қандай ҳолларда тўхтатилади?
- a) ишга тушилганда;
 - b) бошқа жойга кўчганда;
 - c) тайинланган муддатнинг биринчи ўн икки ойи охиридаги ҳолат бўйича оила ҳар бир аъзосининг даромадлари белгиланган мезондан ошиб кетса;
 - d) b ва c;
 - e) a, b, c;
40. Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақасини қайси маблағлар ҳисобидан тўланади?
- a) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан;
 - b) давлат бюджетидан;
 - c) маҳаллий бюджетдан;
 - d) “Маҳалла” жамғармасидан;
 - e) b ва c;
41. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам қанча муддатга тайинланади?
- a) 3 ойга;
 - b) 6 ойга;
 - c) 1 ойга;
 - d) 1 йилга;
 - e) тўғри жавоб йўқ;
42. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш қайси манбалар ҳисобидан амалга оширилади?
- a) республика бюджети маблағлари ҳисобидан;
 - b) маҳаллий бюджет маблағларидан;
 - c) жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармаларидан;
 - d) фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан;
 - e) барча жавоблар тўғри;
43. Кам таъминланган оилаларга ҳар ойлик ёрдам пули миқдори тўғри кўрсатилган жавобни топинг?
- a) энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравари;
 - b) энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари;
 - c) энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан 3 бараваригача;
 - d) ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида;
 - e) энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида;
44. Болали оилаларга нафақа тўлашда болаларнинг ёши нечадан ошмаслиги зарур?
- a) 16 ёшдан;
 - b) умутаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган бўлса, 18 ёшдан;
 - c) 21 ёшдан;
 - d) a ва b;
 - e) a, b, c;
45. Вояга етмаган болалри бўлган оилаларга нафақа қанча муддатга тайинланади?
- a) 6 ойга;
 - b) 3 ойга;
 - c) 1 ойга;
 - d) болалар вояга етгунларигача;

е) 1 йилга;

46. Болалаи оилаларга бериладиган нафақа миқдори тўғри кўрсатилагн жавобни топинг.

- а) бир болали оилалар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50% миқдорида;
- б) икки болали оилалар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100% миқдорида;
- с) уч болали оилалар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 140% миқдорида;
- д) тўрт ва ундан кўп болали оилалар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 175% миқдорида;
- е) барча жавоблар тўғри;

47. Болали оилаларга нафақа тайинлашда қандай оилалар имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар?

- а) ногирон болали оилалар;
- б) ота-онани иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан қариндошлари машғул бўладиган оилалар;
- с) болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган, меҳнат биржасида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган оилалар;
- д) болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган оилалар;
- е) барча жавоблар тўғри;

48. Болали оилаларга нафақаларни тўлаш қайси маблағлар ҳисобидан амалга оширилади?

- а) республика бюджети маблағларидан;
- б) маҳаллий бюджет маблағларидан;
- с) бюджетдан ташқари манбалардан;
- д) а ва б;
- е) барча жавоблар тўғри;

49. Болали оилаларга нафақа тайинлаш шартлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

- а) вояга етмаган фарзандларнинг мавжудлиги;
- б) оила аъзолари даромадининг мавжуд эмаслиги ёки пастлиги;
- с) вояга етмаган фарзандларнинг уч ва ундан ортиқ бўлиши;
- д) вояга етмаган фарзандларнинг тўлиқ давлат таъминотида эканлиги;
- е) а ва б;

50. Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларнинг дафн маросими учун бирийўла бериладиган нафақа қайси орган томонидан қанча миқдорда тайинланади?

- а) ижтимоий таъминот бўлими томонидан, фуқаро вафот этган кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида;
- б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан фуқаро вафот этгин кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида;
- с) фуқароларнинг йиғини томонидан фуқаро вафот этгин кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида;
- д) ижтимоий таъминот бўлими томонидан, фуқаро вафот этган кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида;
- е) тўғри жавоб йўқ;

51. Қуйидаги қайси ҳолларда кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болаликдан ногиронларнинг дафн маросими учун нафақа тайинланмайди?

- а) агар вафот этган фуқаро нафақа олувчи сифатида туман(шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимида ҳисобда турмаган бўлса;
- б) фуқаро вафот этган кунидан 6 ой кейин мурожаат қилган бўлса;

- с) ушбу нафақани олиш учун фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлими томонидан вафот этганлик тўғрисида маълумотнома бўлмаса;
- д) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг дафн этишнинг аризачи томонидан амалга оширилишни тасдиқловчи маълумотномаси бўлмаса;
- е) барча жавоблар тўғри;

52. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан нафақаларнинг қайси турлари тайинланади?

- а) ишламайдиган оналарга болани парваришlash нафақаси;
- б) кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақа;
- с) вояга етмаган болали оилаларга бериладиган нафақа;
- д) суюнчи пули;
- е) а , б, с;

Назорат саволлари.

1. Нафақа тушунчасига таъриф беринг. Ижтимоий таъминот тизимида нафақани бошқа ижтимоий таъминот турларидан фарқини кўрсатиб беринг.
2. Нафақа турларини айтиб беринг. Қандай асослар бўйича нафақаларни классификациялаш мумкин.
3. Вақтинча меҳнатга қобиятсизлик нафақаси қайси ҳолларда кимларга тўланади.
4. Вақтинча меҳнатга қобиятсизлик нафақаси қанча муддатга тўланади.
5. Вақтинча меҳнатга қобиятсизлик нафақаси қанча миқдорда тўланади.
6. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси кимларга ва қанча муддатга берилади.
7. Бола туғилганда бериладиган нафақа кимларга ва қанча миқдорда берилади.
8. Дафн маросими учун нафақа кимларга берилади.
9. Кўшимча дам олиш куни учун нафақа кимларга берилади.
10. Бюджетдан тўланадиган нафақа турларини айтиб беринг.
11. Меҳнат стажига эга бўлмаган кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар ижтимоий таъминот олишга ҳақлими?
12. Меҳнат стажига эга бўлмаган боқувчи вафот этганида унинг қарамоғидагилар ижтимоий таъминот олишга ҳақлими?
13. Ногирон болалар ва болаликдан ногиронларга нафақа тўлаш тартибини айтиб беринг.
14. Ишламайдиган оналарга болани парваришlash нафақаси тайинлаш ва тўлаш тартибини айтиб беринг.
15. Ишлаётган оналарга болани парваришlash нафақаси тайинлаш ва тўлаш тартибини айтиб беринг.
16. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган нафақа турларини айтиб беринг.
17. Кам таъминланган оилаларга нафақа тўлаш ва тайинлаш тартибини айтиб беринг.
18. Ишсизлик нафақасини кимлар олиш ҳуқуқига эга?
19. Фуқароларнинг тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари ўз ифодасини топган норматив ҳужжатларни айтиб беринг.
20. Фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилишнинг асосий принципларини санаб беринг.
21. Тиббий ёрдамнинг қандай кўринишларини биласиз?
22. Соғлиқни сақлаш соҳасида имтиёзлар бериладиган айрим тоифа шахсларни доирасини айтиб беринг.
23. Кимлар бепул ёки имтиёзли шартларда дори воситалари билан таъминланади?
24. Кимлар бепул ёки имтиёзли нархларда санаторий-курортларда даволаниш ҳуқуқига эга?
25. Ижтимоий хизмат деганда нимани тушунасиз?

26. Ижтимоий хизмат масалаларини тартибга солувчи қандай норматив ҳужжатларни биласиз?
27. Ёлғиз қариялар ва ногиронларни ижтимоий муассасаларда сақлаш тартиби ва шартлари ҳақида нималарни биласиз?
28. Меҳрибонлик уйларида болаларни сақлаш тартиби ва шартларини айтиб беринг.
29. Ногиронларни транспорт ва бошқа махсус воситалар билан таъминлаш тартиби ва шартлари қандай?
30. Ногиронларни реабилитация қилиш деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари», Т., «Ўзбекистон», 1996 й.
2. Каримов И.А. «Адолатли жамият сари», Т., «Ўзбекистон» 1998 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқада», Т., «Ўзбекистон» 1999 й.
4. Каримов И.А. «Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш асосий мезон» // «Халқ сўзи» 2004 й, 16 октябрь.
5. Андреев В.С. «Право социального обеспечения в СССР». Учебник. М., 1987 г.
6. Право социального обеспечения. Под.ред. К.Н.Гусова. Учебное пособие. М., «Проспект» 2000 г.
7. Батыгин К.С. Право социального обеспечения. Общая часть. Учебное пособие. М., 1995.
8. Иванова Р.И., Тарасова В.А. Предмет и метод советского права социального обеспечения. М., МГУ, 1983.
9. Полупанов М.И. К вопросу о понятии метода права социального обеспечения. Труды ВЮЗИ. 1978. Т.62.
10. Право социального обеспечения: практикум, нормативные акты, образцы документов. Под ред. Э.Г.Тучковой. М: Новый юрист, 1997.
11. Сулейманова Г.В. Социальное обеспечение и социальное страхование. М.: Экспертное бюро, 1998.
12. Тучкова Э.Г. Право социального обеспечения. Учебно-методическое пособие. М., 1995.
13. Шайхатдинов В.Ш. Право социального обеспечения Российской Федерации. Учебное пособие. Вып I. Екатеринбург, 1996.
14. Турсунов Й., Шоимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. ТДЮИ, Т., 2003 й.

15. Турсунов Й., Усмонова М. Ижтимоий таъминот ҳукуқи. ТДЮИ, Т., 2004 й.
16. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳукуқи. Дарслик. А.А.Иноятов муҳаррирлиги остида, Т., ТДЮИ, 2005 й.
17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон” 2003 й.
18. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 14-сон.
19. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, 10-сон, 52-модда.
20. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 5-сон, 161-бет.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги “Ўзгалар параваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 212-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 7-сон, 134-модда.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил декабрга “Эркин нарх белгиланиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 871-сонли Фармони.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги 3017-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 15-модда.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 мартдаги “Аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Халқ сўзи, 1999 йил 18 март.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги “2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги 3227-сон Фармони.
27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги “Ядро полигонларида ва бошқа ядровий радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 1657-сон Фармони.
28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 3214-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 4-сон, 29-модда.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” 1657-сон Фармони.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги “Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида”ги Фармони.
31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июнь “Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 308-сонли қарори. – Кт, 1994 йил, 6-сон.
32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 август “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 434-сонли қарори, Кт, 1994 йил, 8-сон, 40-модда.
33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 июнь “Болалиқдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 319-сонли қарори, Кт, 1994-йил, 6-сон.
34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январь “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 33-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 22-модда.
35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январь “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 32-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2-сон, 21-модда.
36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 март “Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида”ги 106-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 5-6-сонлар, 46-модда.
37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январь “Қарияларни кадрлаш йили давлат дастури тўғрисида» 30-сонли қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 20-модда.
38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 май “Кексалар ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болалиқдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тўғрисида”ги 149-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 9-сон, 65-модда.
39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрь “Меҳнат стажига бўлмаган ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар нафақаси тўғрисида”ги 498-сонли қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, 4-сон, 21-модда.
40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 август «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларининг давлат томонидан суғурталаш тўғрисида»ги 351-сонли қарори, Қарорлар тўплами, 2001 йил, 8-сон, 50-модда.

41. Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрь «Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 496-сонли қарори.
42. Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрь «2000-2005 йилда ёлғиз кексаларни, пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 520-сонли қарор, ҚТ, 1999 йил, 12-сон, 19-модда.
43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрель «Чернобль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида»ги 17-сонли қарори. ҚТ, 1992-йил, 4-сон, 13-модда.
44. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 март «Ўзгалар параваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам курсатишни кучайтириш тўғрисида»ги 106-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 5-6-сон, 46-модда.
45. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 август 351-сонли қарор билан тасдиқланган «Дехқон хўжалиги аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисида»ги Низом, ҚТ, 8-сон, 50-модда.
46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 7-8-сонли 59-модда.
47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февраль «Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида» 71-сонли қарор, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 3-4-сон, 36-модда.
49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 май «Ядро полигонларида ва бошқа радиация ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 188-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 10-сон, 83-модда.
50. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январь «Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 33-сонли қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 22-модда.
51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 май «Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болалиқдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тўғрисида»ги 149-сонли қарор. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 9-сон, 65-модда.

52. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июлдаги 319-сонли қарор билан тасдиқланган “Болаликдан ногиронларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, ҚТ, 1994 йил, 6-сон, 33-модда.
53. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24-август «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 434-сонли қарор. ҚТ, 1994 йил, 8-сон, 40-модда.
54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарори тасдиқланган “Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил 2-сон, 22-модда.
55. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрь «Даволаш, профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 532-сонли қарор (Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги 344-сонли қарори асосида янги таҳририда), Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 йил, 5-сон, 90-модда.
56. . Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февраль 59-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳрибонлик уйлари тўғрисида”ги Низом. ҚТ, 1995 йил, 5-сон, 5-модда.
57. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 18 февралда тасдиқланган «Ишлаётган аёлларга бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парваришлаш, нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлар Ахборотномаси, 2002 йил, 5-сон.
58. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом. Адлия Вазирлигининг 2002 йил 14 майда 1136 рақам билан рўйхатдан ўтган.
59. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси ва маълумотномалар бериш тартиби ҳақидаги Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2000 йил 19 январда 873-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.
60. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 18 февралда ишлаётган оналарга бола икки ёшга тўлгунча парваришлаш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом. Адлия вазирлигининг 2002 йили 11 мартда 1113-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
61. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан бошқа тегишли ташкилотлар билан келишиб тасдиқланган, 2002 йил 8 февралдаги (№11/501, 32,16,8) «Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга тўлгунча қадар парвариш қилиш бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом. Адлия вазирлигида 2002 йили 14 майда 1112-рақам билан давлат рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлар Ахборотномаси, 2002 йил, 5-сон, 286-бет.

62. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирликлари томонидан «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлаш тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 15 февралда 636-сонли рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

63. . Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 1999 йил 12 январдаги 4-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимидаги сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига йўлланмаларни тақсимлаш, сақлаш ва ҳисобини олиб боришни режалаштириш ҳақидаги» Йўриқнома.

64. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 1996 йил 17 июлда 88Д сонли буйруғи (интернат уйлариининг номини «Саховат ва мурувват уйлари» деб номлаш ҳақида).

65. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 1996 йил 2 сентябрдаги 133-Д сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Саховат уйлари ҳақидаги намунавий низоми».

66. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 1996 йил 2 сентябрдаги 133-Д сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Саховат уйлари ҳақидаги намунавий низоми».

67. . Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 1996 йил 2 сентябрдаги 133-Д сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот тизимидаги мурувват уйи тўғрисидаги намунавий Низом».

68. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлигининг 1994 йил 29 сентябрдаги 141-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидаги ногиронларни ҳаракат воситалари (велоколяска, креслоколяска, кичик габаритли колякалар билан таъминлаш тартиби).

69. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хайъатининг 2001 йил 10 декабрдаги 7/1 сонли қарорига асосан «Тизимда замонавий технологиялар асосида фаолият курсатувчи протез корхоналарини ташкиллаштириш ҳақидаги буйруқ».

71. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия Вазирлигининг 2003 йил 28 февралдаги 02/1.39 сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техника ҳамда воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» тасдиқланган, Адлия Вазирлигида 2003 йил 27-мартда 1229-сонли рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

ХМТ нинг конвенциялари ва рекомедациялари рўйхати.

1. “Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенция (1952)

2. “Ижтимоий сиёсатнинг нормалари ва асосий мақсадлари ҳақида”ги 117-сонли Конвенция (1962)
3. “Ижтимоий таъминот соҳасида мамлакат фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисида”ги 118-сонли Конвенция (1968)
4. “Ижтимоий таъминот соҳасида ҳуқуқларни сақлаб қолишнинг халқаро тизимини белгилаш ҳақида”ги 157-сонли Конвенция (1982)
5. “Ижтимоий таъминот соҳасида ҳуқуқларни сақлаб қолишнинг халқаро тизимини белгилаш ҳақида”ги 167-сонли Рекомендация (1983)
6. “Қишлоқ хўжалигида бахтсиз ҳодиса ҳолатларида зарарни қоплаш тўғрисида”ги 12-сонли Конвенция (1921)
7. “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ҳолатларида ходимлар кўрган зарарни қоплаш тўғрисида”ги 17-сонли Конвенция (1925)
8. “Касб касалликлари тўғрисида”ги 18-сонли Конвенция (1925)
9. “Бахтсиз ҳодиса ҳолатларида зарарни қоплаш соҳасида тенг ҳуқуқлилиқ тўғрисида”ги 19-сонли Конвенция (1925)
10. “Бахтсиз ҳодиса ҳолатларида зарарни қоплаш соҳасида тенг ҳуқуқлилиқ тўғрисида”ги 25-сонли Рекомендация (1925)
11. “Саноатдаги касалликлар бўйича суғурталаш тўғрисида”ги 24-сонли Конвенция (1927)
12. “Қишлоқ хўжалигидаги касалликлар бўйича ходимларни суғурталаш тўғрисида”ги 25-сонли Конвенция (1927)
13. “Саноатда кексайиш бўйича суғурталаш тўғрисида”ги 35-сонли Конвенция (1933)
14. “Қишлоқ хўжалигида кексайиш бўйича суғурталаш тўғрисида”ги 36-сонли Конвенция (1933)
15. “Саноатда ногиронлик юз беришидан суғурталаш тўғрисида”ги 38-сонли Конвенция (1933)
16. “Қишлоқ хўжалигида ногиронлик бўйича суғурталаш тўғрисида”ги 38-сонли Конвенция (1933)
17. “Саноатда боқувчисини йўқотганлик ҳолларидан суғурталаш тўғрисида”ги 40-сонли Конвенция (1933)
18. “Қишлоқ хўжалигида боқувчисини йўқотганлик ҳолатларида суғурталаш тўғрисида”ги 40-сонли Конвенция (1933)
19. “Касб касалликлари ҳолатларида зарарни қоплаш тўғрисида”ги 42-сонли Конвенция (1934)
20. “Ишсизлик тўғрисида”ги 44-сонли Конвенция (1934)
21. “Ишсизлик тўғрисида”ги 44-сонли Рекомендация (1934)
22. “Мигрантлар учун пенсияга бўлган ҳуқуқни сақлаш тўғрисида”ги 48-сонли Конвенция (1935)
23. “Тиббий хизмат тўғрисида”ги 69-сонли Конвенция (1944)
24. “Боқувчисини йўқотганлик, ёшга доир, ногиронлик бўйича нафақалар тўғрисида”ги 128-сонли Конвенция (1967)
25. “Боқувчисини йўқотганлик, ёшга доир, ногиронлик бўйича нафақалар тўғрисида”ги 131-сонли Рекомендация (1967)
26. “Касаллик бўйича нафақалар ва тиббий ёрдам тўғрисида”ги 130-сонли Конвенция (1969)
27. “Касаллик бўйича нафақалар ва тиббий ёрдам тўғрисида”ги 134-сонли Рекомендация (1969)
28. “Ногиронлар бандлиги ва касбий реабилитацияси тўғрисида”ги 159-сонли Конвенция (1983)
29. “Ногиронлар бандлиги ва касбий реабилитацияси тўғрисида”ги 168-сонли Рекомендация (1983)

НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

03.09.1993 й.

№ 938-ХП

ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

І БОБ. УМУМІЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига тааллуқли ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Республика ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини пенсия билан таъминлаш давлатлараро битимлар (шартномалар) асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти, давлатлараро битимлар (шартномалар)да ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари ушбу Қонунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Уларнинг ижтимоий таъминланиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўяди.

2-модда. Давлат пенсияларининг турлари

Ушбу Қонун билан давлат пенсияларининг қуйидаги турлари белгиланади:

ёшга доир пенсия;

ногиронлик пенсияси;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

3-модда. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш

Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин.

4-модда. Пенсияни танлаш ҳуқуқи

Давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

5-модда. Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти

Ҳарбий хизматчиларни, шунингдек ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Уларга ушбу Қонунда назарда тутилган асосларда пенсиялар олиш ҳуқуқи ҳам берилади. Бунда ҳарбий хизматчилар, шунингдек ички ишлар органлари бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар пул таъминотининг барча турлари фуқаро шахсларнинг иш ҳақи сингари бир хилда ҳисобга олинади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги ижтимоий таъминот тўғрисидаги битимлар

Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги ижтимоий таъминот тўғрисидаги битимлар (шартномалар)да ушбу Қонундагидан бошқача қоидалар назарда тутилган ҳолларда, ана шу битимлар (шартномалар)да белгиланган қоидалар тегишли равишда қўлланилади.

II БОБ. ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯЛАР

7-модда. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:
эркаклар - 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;
аёллар - 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

8-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун (7-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

9-модда. Имтиёзли шартлардаги пенсиялар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, чунончи:

Ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати.

Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига, шунингдек уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар, паканалар ва экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар эгадирлар.

10-модда. Ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи

Ёшидан қатъи назар, қуйидагилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар - башарти, улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, I қисм);

б) бевосита ерости ва очиқ кон ишларида (шу жумладан, кон-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар - башарти, улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, II қисм);

в) учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимлар, улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган хизмат муддатини ана шу лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил адо этганлари тақдирда (1-сонли рўйхат, III қисм).

Юқорида қайд этиб ўтилган ходимлар саломатлигига (касаллигига) кўра учуш ишларидан бўшатирилган тақдирда, белгиланган хизмат муддатини - эркаклар камида 20 йил ва аёллар камида 15 йил адо этган бўлсалар;

г) театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари:

ижодий иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, IV қисм);

ижодий иш стажи камида 25 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, V қисм);

ижодий иш стажи камида 30 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VI қисм);

д) спортчиларнинг айрим тоифалари - иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VII қисм).

11-модда. Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи

Охириги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) ерости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (2-сонли рўйхат, I қисм):

эркаклар - иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар - иш стажи камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Ер ости ишларидаги меҳнат стажи эркакларда 10 йилдан кам ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан кам бўлган ҳолларда ходимларга бу ишлардаги ҳар бир тўлиқ йил учун ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши 1 йилга қисқартирилади.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда - эркаклар камида 5 йил, аёллар камида 3 йил 9 ой - ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши шундай ишда банд бўлинган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

б) цирклар ва концерт ташкилотлари артистларининг айрим тоифалари ижодий ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда (2-сонли рўйхат, II қисм).

12-модда. Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи

Охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (3-сонли рўйхат, I қисм):

эркаклар - иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 оyi кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар - иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда. Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда - эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил - ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 оyi учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

в) қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари (3-сонли рўйхат, II қисм):

эркаклар - умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар - умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

г) тракторчи-машинист, тракторлар ва экскаваторлар негизда йиғилган қурилиш, йўлсозлик ва юк ортиш-тушириш машиналарининг машинисти бўлиб ишлаган аёллар - умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда (3-сонли рўйхат, III қисм);

д) авиация муҳандис-техниклари таркибининг ходимлари (3-сонли рўйхат, IV қисм):

эркаклар - авиациядаги умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган вазифаларга тўғри келган тақдирда;

аёллар - авиациядаги умумий иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган вазифаларга тўғри келган тақдирда;

е) тўқимачилик ишлаб чиқариши дастгоҳлари ва машиналарида ишлаган аёллар - кўрсатиб ўтилган ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, V қисм);

ж) шаҳар йўловчилар ташиш транспорти ҳайдовчилари (3-сонли рўйхат, VI қисм):

эркаклар - камида 25 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда;

аёллар - камида 20 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда;

з) беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар - болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда (37- модданинг

"д" ва "ж" бандлари) иш стажи камида 20 йил бўлса ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажи камида 15 йил бўлган тақдирда.

Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунча камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинадилар;

и) экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар:

эркаклар - умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда;

аёллар - умумий иш стажи 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда;

к) ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари - махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм);

л) шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар - махсус иш стажи қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм);

м) ижтимоий таъминот тизимининг қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ходимлари (3-сонли рўйхат, IX қисм):

эркаклар - махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар - махсус иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда.

12-1-модда. Умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи

Ушбу Қонун 37-моддасининг "а", "б", "в" ва "г" бандларида назарда тутилган камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар";

13-модда. Лилипутлар ва паканаларга пенсиялар

Ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган паканалар:

эркаклар - иш стажи камида 20 йил бўлганда; аёллар - иш стажи камида 15 йил бўлганда эга бўладилар.

14-модда. Ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар:

эркаклар - 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар - 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

III БОБ. НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

15-модда. Пенсияларни тайинлаш шартлари

Ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган қуйидаги ҳолларда тайинланади:

а) меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ногиронлик сабаблари рўйхати ва Касб касалликлари рўйхати бўйича;

б) умумий касаллик (шу жумладан, иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майиблик, болаликдан ногиронлик) туфайли.

16-модда. Ногиронлик гуруҳлари

Соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.

17-модда. Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади:

Ёш	Иш стажи
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиясига ўтказилганда зарур стаж ногиронлик дастлаб белгиланган вақтдаги ёшга қараб аниқланади.

18-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун (17-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

IV БОБ. БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

19-модда. Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари

Вафот этган боқувчининг қарамоғида (20-модда) бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ушбу модданинг "в" бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади.

Мархумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар 7-моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр(хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

г) бува ва буви - агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса.

Ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Ўғай ўғил ва ўғай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўғай ота ва ўғай она, агар вафот этган ўғай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу Қонуннинг вафот этганлар оилаларига тааллуқли ҳамма қоидалари бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам, агар боқувчининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, тегишли равишда жорий қилинади.

20-модда. Қарамоқда деб ҳисобланувчи оила аъзолари

Ушбу Қонуннинг 19-моддасида кўрсатиб ўтилган оила аъзолари, агар улар мархумнинг тўлиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, мархумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Мархумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар мархумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса - боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

21-модда. Боқувчининг пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи

Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Башарти, боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинланиши учун зарур иш стажига эга бўлган (17-модда) бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг оилаларига, башарти, боқувчи Ўзбекистон Республикасида ишламаган бўлса, пенсиялар қуйидаги ҳолларда тайинланади:

а) бошқа мамлакатларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олган оилаларга - боқувчисининг иш стажидан қатъи назар;

б) пенсия олмаган оилаларга - башарти, боқувчи ишлаш тўхтатилган кунга қадар тегишли стажга эга бўлган (17-модда) бўлса, меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган тақдирда эса - боқувчининг иш стажидан қатъи назар.

22-модда. Иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия

Умумий касаллик оқибатида вафот этган ҳамда ногиронлик пенсиясини тўлиқ тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган (17-модда) боқувчисини йўқотган оила аъзоларига пенсия боқувчининг бор стажига мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

23-модда. Янги никоҳдан ўтилганида пенсияни сақлаб қолиш

Эр (хотин)нинг вафот этганлиги сабабли тайинланган пенсия пенсионер янги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолади.

24-модда. Боқувчининг оила аъзоларига пенсиядан улуш ажратиб бериш

Оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади.

Оила аъзосининг талаби билан унинг пенсиядаги улуши ажратилиб, алоҳида тўланади.

Пенсиядан улуш ажратиб бериш пенсияни бўлиш тўғрисида ариза тушган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

V БОБ. ПЕНСИЯЛАРНИ ВА ИШ ҲАҚИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

25-модда. Пенсия миқдори

Пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидагилардан таркиб топади:

пенсиянинг таянч миқдоридан;

иш стажы учун пенсиянинг оширилишидан;

пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан.

26-модда. Пенсияларнинг таянч миқдорлари

Ушбу Қонун билан пенсияларнинг қуйидаги таянч миқдорлари белгиланади:

а) ёшга доир тўлиқ пенсия учун - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (31 ва 33-моддалар) олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг ам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида;

б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида;

в) III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида;

г) оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида;

д) ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига, ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдорида.

27-модда. Иш стажи учун пенсияларнинг оширилиши

Тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун (37-40-моддалар) пенсияларнинг таянч миқдорлари (26-модда) қуйидагича оширилади:

а) ёшга доир пенсиялар - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (31 ва 33-моддалар) олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

в) III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида;

г) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун - боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида оширилади.

Отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳисса миқдори доирасида амалга оширилади.

26-модда ва ушбу моддага мувофиқ ҳисоблаб чиқилган:

ёшга доир пенсияларнинг ва I ҳамда II гуруҳ ногиронларига белгиладиган ногиронлик пенсияларининг миқдори - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган иш ҳақининг 75 фоизидан;

III гуруҳ ногиронларига белгиладиган ногиронлик пенсияларининг ва ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзосига бериладиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларининг миқдори - пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган иш ҳақининг 40 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

28-модда. Пенсияларга устама ҳақлар

Ушбу Қонуннинг 26, 27 ва 29-моддаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

- а) I гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;
- б) II гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;
- в) III гуруҳ уруш ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;
- г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;
- д) I гуруҳ ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;
- е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;
- ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;
- з) Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга - энг кам ойлик иш ҳақининг - 30 фоизи;
- и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) - энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;
- к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга - хизматларига қараб - энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизигача;
- л) ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга - энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи; (ЎЗР 22.12.1995 й. Қонуни таҳриридаги банд)
- м) театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига, Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра - энг кам ойлик иш ҳақининг - 50 фоизи. (ЎЗР 22.12.1995 й. Қонуни таҳриридаги банд)

29-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияни ҳисоблаб чиқариш

Иш стажи тўли бўлмаган чоғдаги пенсиялар (8, 18 ва 22-моддалар) бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар:

ёшга доир пенсиялар учун - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун - энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан;

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун - энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан;

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун - энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

30-модда. Устама ҳақларни ҳисоблаб чиқариш шартлари

Устама ҳақлар тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъи назар қўшиб ҳисобланади.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишига 28-модданинг "а", "б" ёки "в" бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда шу модданинг "к" бандида кўрсатилган устама ҳақ қўшиб ҳисобланиши мумкин.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича 28-модданинг "г", "д" ёки "е" бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда шу модданинг "ж" ёки "з" бандларида кўрсатилган устама ҳақлардан бири, шунингдек "к" бандида кўрсатилган устама ҳақ қўшиб ҳисобланиши мумкин.

31-модда. Ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, бутун меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига қараб, ишга кириш ёки ишдан бўшаш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар ишланган тўлиқ календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсия сўраб мурожаат этган киши беш йилдан оз вақт ишлаган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календарь ойларидаги иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи исталган кетма-кет беш мавсумдаги иш ҳақини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман бўлмаган ҳолларда иш стажи учун пенсия энг кам ойлик иш ҳақига қараб ҳисоблаб чиқарилади.

32-модда. Пенсияларни ҳисоблаб чиқаришда эътиборга олинadиган иш ҳақи турлари

Пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига амалдаги қоидаларга кўра суғурта бадаллари олинadиган меҳнат ҳақининг барча турлари қўшилади, амалдаги иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган бир марталик хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан мустаснодир.

Давлат томонидан ижтимоий суғурталанмайдиган шахсларнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига суғурта бадаллари олинadиган меҳнат ҳақи турларига ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қўшилади.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига биноан ўқув даврида тўланган стипендия иш ҳақига тенглаштирилади.

Иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг (фермерлар, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчилар ва ҳоказо) пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи миқдори Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари миқдorigа қараб аниқланади. (ЎзР 12.05.2001 й. 220-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Иш ҳақининг натурал қисми ижтимоий суғуртага ўтказилган бадаллар миқдорига қараб баҳоланади.

**33-модда. Иш ҳақиға минтақавий коэффицентлар белгиланган
худоудларда яшовчи шахсларнинг иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш**

Ишловчиларнинг иш ҳақиға минтақавий коэффицент белгиланган худоудларда яшовчи шахслар ва оилаларға пенсия тайинлашда минтақавий коэффицент эътиборға олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амалдаги иш ҳақи ҳисобға олинади.

**34-модда. Пензионерларнинг оилаларига пенсияларни
ҳисоблаб чиқариш**

Пензионерларнинг оилаларига боқувчисини йўқотганлик пенсиялари пензионернинг (боқувчининг) ўз пенсияси қайси иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилган бўлса, ўша иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

**35-модда. Бошқа давлатлардан кўчиб келган фуқароларға
пенсиялар ҳисоблаб чиқариш**

Бошқа давлатлардан кўчиб келган, Ўзбекистон Республикасида ишламаган фуқароларға пенсиялар Ўзбекистондаги тегишли касб ҳамда малақадаги ходимларнинг пенсия тайинланаётган вақтдаги ўртача ойлик иш ҳақиға асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Башарти, бундай касб ҳамда малакалар республикада бўлмаса, ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб беради.

**36-модда. Чет элда ишланган давр учун иш ҳақини
ҳисоблаб чиқариш**

Чет элда ишлашға юборилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда улар чет элга юборилишидан олдин олган иш ҳақи ҳисобға олинади.

VI БОБ. ИШ СТАЖИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ

**37-модда. Иш стажига қўшиб ҳисобланадиган
меҳнат фаолияти турлари**

Қуйидагилар иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намоиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият - Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда; (ЎзР 12.05.2001 й. 220-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг ҳулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактаблари ва курсларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) онанинг (ўғай онанинг) болаларини (ўғай ўғилларини, ўғай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

к) чўпонларнинг хотинларининг ишга жойлашиш имконияти бўлмаган яйловларда эри билан бирга яшаган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

"е" - "к" бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг "а" - "г" бандларида кўрсатиб ўтилган умумий стаж камида 5 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига "е" - "к" бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг "а" - "г" бандларида кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади.

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлинган вақт ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди.

Ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш ҳам ота, ҳам онанинг умумий иш стажига қараб, ушбу Қонуннинг 27-моддаси "г" бандида кўрсатиб ўтилган микдорларда амалга оширилади.

38-модда. Иш стажига имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланадиган фаолият даврлари

Стажга қуйидагилар имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланади:

а) ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидаги иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш - уч ҳисса баробарида;

б) Улуғ Ватан уруши йилларида (1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майга қадар) мамлакат ичкарасида ишлаш, шу жумладан ҳарбий қисмлардаги эркин ёлланганлар таркибидаги иш ва ушбу модданинг "а" бандида назарда тутилган хизматдан ташқари ҳарбий хизмат - икки ҳисса баробарида;

в) ушбу Қонун 10-моддасининг "а" ва "б" бандларига ҳамда 11-моддасининг "а" бандига мувофиқ имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган - эркакларда 10 йилдан ортиқ ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан ортиқ ишланган ҳар бир тўлиқ йил - икки ҳисса баробарида;

г) моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш - икки ҳисса баробарида;

д) патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимларидан айрим тоифаларининг иши - бир ярим ҳисса баробарида;

е) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда қатағон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамокда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида турган вақти - бир ярим ҳисса баробарида.

39-модда. Айрим тоифадаги фуқаролар стажини ҳисоблаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Саноатнинг мавсумий тармоқларига оид корхоналар ва ташкилотларда банд бўлган ходимларнинг тўлиқ мавсум мобайнидаги иши бир йил ишлаган деб, тўлиқ мавсум давомида ишламаган бўлса, ҳақиқий ишлаган даври ҳисобга олинади.

Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ерости ишлари стажини ҳисоблаб чиқишда (10-модданинг "а", "б" бандлари ва 11-модданинг "а" банди) ана шу ишда орттирилган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида ногиронликда бўлган вақти ушбу Қонун 38-моддасининг "в" бандида белгиланган қоидалар қўлланмасдан кўрсатиб ўтилган стажга қўшилади.

40-модда. Чет элда ишлаш вақтини стажга қўшиш шартлари

Чет элда ишланган даврлар Пенсия фондига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. (ЎЗР 25.04.1997 й. 421-1-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битим) асосда чет элда ишлаганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар меҳнат дафтарчасига киритган қайдномаларга қараб аниқланади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иши Ўзбекистон Республикасида ишланганига тўғри келадиган стажнинг 1/3 ҳиссасидан ошмаган миқдорда, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, стажга қўшилади.

41-модда. Имтиёзли шартларда пенсия тайинлашда иш стажини ўзаро ҳисобга олиш хусусиятлари

Имтиёзли шартларда пенсия тайинлашда, башарти, ҳисобга ўтадиган ишлар айни шундай ёки анча имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берган тақдирда, 1, 2 ва 3-сонли рўйхатларда назарда тутилган иш даврлари ўзаро ҳисобга олинади.

42-модда. Иш стажини тасдиқлаш тартиби

Меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда иш стажини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

VII БОБ. ПЕНСИЯЛАР ТАЙИНЛАШ

43-модда. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш тартиби

Ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига (боқувчисини йўқотган тақдирда) пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза охириги иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти орқали берилади.

Жамоа хўжаликлари ва бошқа кооперативларнинг аъзоларига ва уларнинг оилаларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза жамоа хўжалиги (кооператив) бошқаруви орқали берилади.

Маъмурият (бошқарув) ариза тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда уларни берилган ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга аризачи истиқомат қиладиган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига юборади. Башарти, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган ходимга пенсия тайинлашга тавсия этиш рад қилинса, унга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма хабар қилинади.

Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган шахс маъмуриятнинг (бошқарувнинг) пенсия тайинлашга тавсия этишни рад этган қарорига рози бўлмаган ҳолларда, у пенсия тайинланишини сўраб бевосита туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига ариза бериши мумкин.

Дехқон (фермер) хўжаликлари аъзоларига, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга, бошқа фуқароларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризалар бевосита аризачиларнинг истиқомат жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

Ижтимоий таъминот бўлимлари пенсиялар тайинлаш масалалари юзасидан тушунтириш ва маълумотлар беришлари, шунингдек аризачига зарур ҳужжатларни олишида кўмаклашишлари шарт.

Ижтимоий таъминот бўлимлари корхоналар, ташкилотлар ва айрим шахслардан тегишли ҳужжатларни талаб қилиш, зарур ҳолларда эса, уларнинг берилиши асослилигини текшириш ҳуқуқига эгадирлар.

Корхоналар ва ташкилотлар пенсия учун (пенсия қайта ҳисобланиши учун) ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки ишончсиз маълумотлари бўлган ҳужжатларни тақдим этиш оқибатида пенсионерга етказилган зарар учун унинг олдида қонун ҳужжатларида белгиланганидек жавобгар бўладилар.

Корхона ёки пенсионер томонидан маълумотлари ишончсиз ҳужжатлар тақдим этилиши оқибатида давлатга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланади. Бунда корхона томонидан етказилган зарар ижтимоий таъминот бўлиmidан тегишли хабарнома олинган кундан бошлаб бир ой ичида, пенсионер томонидан етказилган зарар эса, ушбу Қонуннинг 65-моддасида назарда тутилган тартибда қопланади. (ЎЗР 12.05.2001 й. 220-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

44-модда. Пенсия тайинловчи органлар

Пенсияларни туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари тайинлайди.

45-модда. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларни қараб чиқиш муддатлари

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан қараб чиқилади.

Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда ижтимоий таъминот бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин беш кун ичида корхона, ташкилот ёки аризаچига пенсия тайинлаш рад этилгани ҳақида рад этиш сабаблари ва шикоят бериш тартиби кўрсатилган хабарномани беради ёки жўнатади ҳамда айнаи чоғда барча ҳужжатларни қайтаради.

46-модда. Пенсия учун мурожаат этилган кун

Тақдимнома ёки ариза барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган кун пенсия учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади.

Тақдимномага ёки аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда ижтимоий таъминот бўлими корхона, ташкилот маъмуриятига ёки аризаچига қўшимча равишда қайси ҳужжатлар тақдим этилиши кераклиги ҳақида хабар қилади. Башарти, улар қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши зарурлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан уч ой ичида тақдим этилса, унда пенсия тайинланиши тўғрисидаги тақдимнома ёки ариза қабул қилинган кун пенсия тайинланиши учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади.

47-модда. Пенсиялар тайинлаш муддатлари

Пенсиялар:

а) ёшга доир пенсия - агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб уч ой ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия умрбод тайинланади;

б) ногиронлик пенсияси - агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб уч ой ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, ТМЭК ногиронликни белгилаган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун тайинланади. 60 ёшдан ошган эркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларга - ногиронлик пенсиялари умрбод тайинланади. Ана шу ногиронларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг аризасига биноан амалга оширилади;

в) боқувчисини йўқотганлик пенсияси - пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, лекин пенсия тайинланиши учун мурожаат этишдан олдинги 6 ойдан ошмаган муддатдан эътиборан тайинланади. Пенсия ушбу Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ

мархумнинг оила аъзоси меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланган бутун давр учун, оиланинг: эркаклар - 60 ёшга, аёллар - 55 ёшга тўлган аъзолари учун эса - умрбод тайинланади.

Бошқа барча ҳолларда пенсия мурожаат этилган кундан эътиборан тайинланади.

Бир пенсиядан бошқасига ўтказиш пенсионер тегишли ариза ва барча зарур ҳужжатлар билан мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга оширилади.

48-модда. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят туман (шаҳар) судига берилиши мумкин.

VIII БОБ. ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ

49-модда. Пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари

Пенсияларни қайта ҳисоблаш:

пенсионер пенсия миқдори таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;

ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

энг кам ойли иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;

минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;

даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда мурожаат этишлари мумкин.

50-модда. Минтақавий коэффициент ўзгарганда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби

Минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарганда, шунингдек пенсионер доимий яшаш учун коэффициентлар белгиланмаган ёки бошқача миқдорда белгиланган ҳудудга кўчиб ўтганида пенсия энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб, янги минтақавий коэффициентни инобатга олган ҳолда қайта ҳисобланади.

51-модда. Тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаш муддатлари

Пенсияни ошириш ҳуқуқи пайдо бўлганида тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаш пенсионер пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Пенсия миқдорини камайтиришга сабаб бўладиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда қайта ҳисоблаш ана шу ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

IX БОБ. ПЕНСИЯЛАР ТЎЛАШ

52-модда. Ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар тўлаш

Ишламайдиган пенсионерларга пенсияларни улар истиқомат қилиб турган жойдаги ижтимоий таъминот бўлимлари тўлайди. (ЎзР 12.05.2001 й. 220-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

53-модда. Ишлаб турган пенсионерларга пенсияларни тўлаш

Ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар уларнинг иш жойида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади. (ЎзР 22.12.1995 й. Қонуни таҳриридаги модда)

54-модда. Меҳнат қобилияти тикланганда пенсияларни тўлаш муддати

Қайта кўриқдан ўтказилган шахс меҳнатга қобилиятли деб тан олинган тақдирда пенсия уни меҳнатга қобилиятли деб топилган ойнинг охиригача, лекин ногиронлик белгилаб қўйилган кунгача бўлган муддатга тўланади.

55-модда. Ногиронлик даврида танаффуслар бўлганда пенсия тўлашни қайта давом эттириш шартлари

Агар ногирон узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда қайта кўриқдан ўтиш учун ТМЭКга бормаган бўлса, унга пенсия тўлаш тўхтатиб қўйилади, уни яна ногирон деб тан олинган тақдирда тўхтатиб қўйилган кундан, лекин кўпи билан ўтган бир ойдан бошлаб пенсия тўлаш давом эттирилади.

Узрли сабабга кўра қайта кўриқдан ўтиш муддати ўтказиб юборилганда, агар ТМЭК уни ана шу даврда ногирон бўлган деб топса, пенсия тўлаш тўлов тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб то қайта кўриқдан ўтиш кунигача, лекин кўпи билан ўтган уч йил учун давом эттирилади. Бунда ногирон қайта кўриқдан ўтказиш чоғида ногиронликнинг бошқа гуруҳига (юқори ёки паст гуруҳга) ўтказилган бўлса, пенсия кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ бўйича тўланади.

Умумий касаллик оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган ногиронга меҳнат қобилияти тикланганлиги сабабли пенсия тўлаш тўхтатилган ёки узрсиз сабабларга кўра қайта кўриқдан ўтишга келмаганлиги оқибатида тўхтатиб қўйилган бўлса, уни яна ногирон деб тан олинган тақдирда, агар пенсияни тўлаш тўхтатилганидан кейин беш йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, илгари тайинланган пенсияни тўлаш ногиронлик белгиланган кундан бошлаб давом эттирилади. Агар беш йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, пенсия яна умумий асосларда тайинланади.

56-модда. Тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўлаш

Чин етим болаларга тўлиқ давлат таъминотида турган даврида энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида пенсия тўланади.

Ота-онасининг бирдан ажралган ва тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пенсия тўланади.

Шу даврдаги тўланиши лозим бўлган пенсия пули боланинг номига жамғарма банкида очилган омонатга ўтказиб қўйилади.

57-модда. Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари тўлаш муддати

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўлашни тўхтатишга сабаб бўлувчи ҳолатлар пайдо бўлганида пенсияни тўлаш ана шундай ҳолат пайдо бўлгандан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади.

58-модда. Пенсиялар тўланишига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар ўзгарганлиги хусусида пенсионерларнинг ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилишларига доир мажбуриятлари

Меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари учун боқувчисини йўқотганлик пенсияси олаётган пенсионер оиланинг пенсия тўланаётган аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида, улар ўқишни тўхтатганлиги, шунингдек тўлиқ давлат таъминотида ўтказилганлиги тўғрисидаги ўзгаришлар ҳақида ижтимоий таъминот бўлимларига хабар қилиши шарт.

Пенсионер (боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган пенсионердан ташқари) ишга кирган тақдирда ўзи истиқомат қилиб турган жойдаги ижтимоий таъминот бўлимини бундан хабардор қилиши шарт. (ЎзР 22.12.1995 й. Қонуни таҳриридаги модда)

59-модда. Ўтган давр учун пенсия тўлаш

Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги уч йилдан ошмаган давр учун тўланади.

Пенсияни тайинловчи ёки тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

60-модда. Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида яшовчи шахсларга пенсиялар тўлаш

Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга пенсия билан улар таъминоти учун сарф-ҳаражат ўртасидаги фарқ, лекин тайинланган пенсиянинг камида 10 фоизи, уруш ногиронларига эса камида 20 фоизи тўланади. Рухий беморлар интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди.

61-модда. Стационар даволанишда бўлинган даврда пенсия тўлаш

Пенсионернинг стационар даволанишда бўлган даври учун пенсия тўлиқ тўланади.

62-модда. Озодликдан маҳрум қилинган давр учун пенсия тўлашни тўхтатиб қўйиш

Пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум қилинган давр учун тўхтатиб қўйилади.

63-модда. Пенсионернинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсияни тўлаш ва дафн этиш учун нафақа тўлаш

Пенсионер олиши лозим бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули мерос таркибига киритилмасдан боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиган шахслар (19, 20-моддалар) доирасига кирувчи оила аъзоларига тўланади. Ота-онаси, эри (хотини), шунингдек пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турган оила аъзолари бу пулни, улар боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиганлар доирасига кирмаганлари тақдирида ҳам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Пенсионер вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига ойнинг у вафот топгунга қадар ўтган кунлари учун тўланади.

Оиланинг бир неча аъзоси мурожаат этган тақдирда пенсиянинг уларга тегишли суммаси уларнинг ўртасида тенг тақсимланади.

Пенсионер вафот этган тақдирда унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда дафн этиш нафақаси тўланади.

Кўрсатиб ўтилган пуллар, уларни олиш учун пенсионер вафот этганидан кейин 6 ой ичида мурожаат этилган тақдирда тўланади.

64-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган фуқароларга пенсиялар тўлаш

Чет элга доимий яшаш учун чиқиб кетишдан олдинроқ тайинланган пенсиялар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига чиқиб кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги ҳолатга кўра пенсия миқдори ҳисобидан чет элга чиқиб кетиш олдидан 6 ой аввал тўланади.

Бу фуқароларнинг чет элда бўлган вақти учун, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган пенсияларгина тўланади.

65-модда. Пенсиялардан чегирмалар

Пенсиялардан чегирмалар:

а) суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкый ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

б) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг қарорига биноан - пенсионерга унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қилиниши мумкин.

Пенсиялардан юқорида кўрсатиб ўтилганидан ташқари бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас.

Пенсиядан чегирмалар қилиш миқдори пенсионерга тўланиши лозим бўлган пулдан ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳар ойлик чегирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас.

Ортиқча тўланган пенсия пули бўйича қарздорлик тўлиқ узилгунга қадар пенсия тўлаш тўхтатилган ҳолларда (масалан, меҳнат қобилияти тикланганлиги туфайли) қолган қарз суд тартибида ундирилади.

66-модда. Пенсиялар тўлаш учун ажратиладиган маблағлар

Ушбу Қонунга мувофиқ тайинланган пенсияларни, шунингдек дафн этиш нафақасини тўлаш Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Пенсия фондини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. (ЎЗР 12.05.2001 й. 220-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар корхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик учун тайинланган пенсияларни тўлаш, шунингдек ходим ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига тўлгунга қадар ушбу Қонун 12-моддасининг "б" - "ж" бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш учун иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳаражатларни қопловчи пул ўтказадилар. (ЎЗР 12.05.2001 й. 220-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Пенсионер ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ёшга тўлгунга қадар ушбу Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. (ЎЗР 12.05.2001 й. 220-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

67-модда. Пенсияларни солиқлардан озод қилиш

Ушбу Қонунга мувофиқ тўланадиган пенсияларга солиқ солинмайди.

**Ўзбекистон
Республикаси Президенти**

И. Каримов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ
03.09.1993 й.**

**"ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ
ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1994 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1994 йил 1 июлга қадар тайинланган пенсиялар мазкур Қонунда кўрсатилган шартлар ва нормалар бўйича қайта ҳисоблаб чиқиши лозим. Бунда меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари учун устама ҳақларни эътиборга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилган пенсиялар ана шу устама ҳақларсиз қайта ҳисоблаб чиқилади.

Барча ҳолларда ҳам пенсиялар (меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига белгиланадиган устама ҳақларсиз) аввал амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан кам бўлмаган миқдорларда тўланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган маблағлардан ходим "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига етгунига қадар мазкур Қонун 12-моддасининг "б"- "е" бандларига мувофиқ пенсиялар тўловига кетадиган харажатларни қоплайдиган ҳақни 1994 йилда тайинланадиган пенсиялар бўйича 80 фоиз миқдорида, 1995 йилда тайинланадиган пенсиялар бўйича 90 фоиз ҳамда 1996 йил ва ундан кейинги йилларда тайинланадиган пенсиялар бўйича 100 фоиз миқдорида Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлайдилар. (ЎЗР 12.05.2001 й. 220-II-сон Қонуни таҳриридаги модда)

4. "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун амалга жорий этилгунга қадар амалда бўлган:

пенсиялар тайинлашда ва пенсияларни қайта ҳисоблашда иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш учун тузатиш коэффициентларини қўллаш;

аввал амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарарли ва меҳнат шароити оғир ишларда мазкур Қонун амалга киритилгунгача ишлаган шахсларнинг ёшига қараб имтиёзли пенсия билан таъминланиш тартиби сақлаб қолинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Чернобиль фалокати оқибатида жабр кўрган фуқароларнинг пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6. Белгилаб қўйилсинки, пенсия тайинланганидан кейин 1994 йил 1 июлгача ишланган вақт мазкур Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ пенсиялар миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш чоғида ҳисобга олинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 1 мартга қадар:

ўз ваколат доирасига берилган масалалар юзасидан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг рўёбга чиқарилишини таъминловчи зарур норматив ҳужжатларни қабул қилсин;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши иштирокида имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, цехлар, касблар, кўрсаткичлар рўйхатларини ишлаб чиқсин ва бу рўйхатларнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни амалга оширсин;

мазкур Қонундан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни амалдаги қонун ҳужжатларига киритиш тўғрисидаги таклифларни, шунингдек корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар, фуқаролар ва яқка тартибдаги меҳнатда банд бўлган шахслар, шу жумладан деҳқон (фермер) хўжаликлари аъзолари давлат ижтимоий суғуртасига тўлайдиган бадалларнинг тарифларига доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этсин;

меҳнатга лаёқатсиз, иш стажига эга бўлмаган фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини, шунингдек болали кам таъминланган оилаларни ижтимоий таъминлаш тартибини белгиласин. Бу тартиб Қонун билан бир вақтда, яъни 1994 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатларини "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин. Республика вазирликлари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид келувчи норматив ҳужжатлари ва йўриқномаларини қараб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин;

пенсияга устама ҳақ олиш ҳуқуқини берадиган Ўзбекистон Республикаси олдидаги алоҳида хизматларни таърифловчи низомни ишлаб чиқсин.

8. Корхоналар ва ташкилотларга иш ҳақи тўлаш учун мўлжалланган ўз маблағлари ҳисобидан:

меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга, башарти, улар мазкур Қонунга мувофиқ меҳнат шароитларига кўра имтиёзли пенсиялар олиш ҳуқуқига эга бўлмасалар, муддатидан олдин пенсиялар тайинлаш ва тўлаш;

ушбу меҳнат жамоаси олдида хизматлари бўлган ходимларга пенсияга чиқиш чоғида бир марталик нафақа тўлаш;

ходимнинг меҳнатдаги ҳиссасини, иш стажи давомлилигини, моддий таъминланганлиги ва сиҳат-саломатлигини ҳисобга олган ҳолда пенсияларга ҳар ойлик қўшимча ҳақ белгилаш ва тўлаш ҳуқуқи берилсин.

9. Ижтимоий таъминот вазирлиги республика вазирликлари ва идораларига, давлат бошқарувининг маҳаллий органларига, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларга мазкур Қонунни қўллаш тартибини тушунтириш ишларини амалга оширсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси**

Ш.ЙЎЛДОШЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ
02.12.2004 й.
N 702-II**

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН
ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари - шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари;

жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари - шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари;

жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи (бадал киритувчи) - жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс (бундан буён матнда иш берувчи деб юритилади);

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти - фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи - фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.

4-модда. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

5-модда. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича давлат кафолатлари

Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди.

II. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

6-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиш

Иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

7-модда. Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш;

жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга доир ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тааллуқли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар электрон базасида шакллантирилади ва сақланади.

8-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойи ёхуд паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тартиб рақами ўзгаришсиз қолади ва янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб этилмайди.

9-модда. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси

Фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилганидан кейин Халқ банки томонидан берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами, шунингдек бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш тартиби ва бундай дафтарча шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқотиб қўйилган (йўқолган) тақдирда унинг дубликати шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг ўша тартиб рақами қўйилган ҳолда берилади.

10-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларнинг шакллантирилиши

Жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Иш берувчига ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилади. Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Иш берувчининг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмас.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шунингдек учинчи шахслар фойдасига ўзлари мустақил равишда белгиладиган миқдорлар ва муддатларда қўшимча бадаллар киритишга ҳақли.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шу жумладан учинчи шахслар фойдасига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

11-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини шакллантириш

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари куйидагилардан иборат:

жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;

жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

12-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан фойдаланиш

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

13-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига маблағларнинг келиб тушиши ва улардан фойдаланилиши устидан назорат

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши ҳамда фоизлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, шунингдек Халқ

банкнинг шу мақсад учун махсус ташкил этилган бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

14-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини солиқ солишдан озод қилиш

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди.

15-модда. Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхасини, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тартиб рақами, фамилиялар, ҳар бир ходимнинг ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси, бошқа даромадлари ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ходимлар реестрини иш берувчи ўзи турган жойдаги Халқ банки филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт.

Халқ банки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тўлов ҳужжати ва реестр асосида маблағларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказди.

III. ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ

16-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.

17-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини айрим ҳолларда олиш ҳуқуқи

Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

18-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда берадиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олиш учун асос бўлади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган аризани ушбу Қонун 6-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган фуқаролар иш берувчи орқали, ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган фуқаролар эса бевосита яшаш жойларидаги туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига берадилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бошланадиган сана кўрсатилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олувчига ариза туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда берилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ўз вақтида берилишини таъминлайди ҳамда берилган гувоҳномалар ҳисобини юритади.

19-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишда танлаш ҳуқуқи

Тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгиладиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга.

20-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади.

Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

21-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўловларни белгиланган тартибда олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларининг ҳолати тўғрисида, шунингдек шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлар ҳақида ахборот олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ васият қилиб қолдириш.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи Халқ банкининг мазкур тўловчи олдидаги мажбуриятларини бажаришига таъсир қилувчи ўзгаришлар тўғрисида Халқ банки филиалига хабар қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

22-модда. Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчиларнинг мажбуриятлари

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилар Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар (меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги) тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

23-модда. Халқ банкининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Халқ банки:

жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олиш;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Халқ банки:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар ва ҳисоблаб чиқарилган фоизларни шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;

жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаши;

жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини, шунингдек улар бундай тўловларни олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаши;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида

фойдаланиш йўли билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, кўпайтирилишини ва пул кадрсизланишидан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили, шунингдек уларнинг мурожаатига асосан хабардор қилиши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига алоқадор ҳужжатлар ҳамда ёзувларнинг сақланишини таъминлаши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Халқ банки бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

24-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлашни тугатиш

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш куйидаги ҳолларда тугатилади:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;

бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;

давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда.

25-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш суд қарорлари ва бошқа органларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро этиладиган ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин.

26-модда. Низоларни ҳал қилиш

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

27-модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚАРОРИ
02.12.2004 й.
№ 703-П

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН
ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2005 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. Халилов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
21.12.2004 й.
№ 595

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН
ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

"Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш ва пенсионерларнинг фаровонлигини кўшимча равишда ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2005 йил 1 январдан бошлаб амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига кўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

2005 йилда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдорида амалга оширилади;

ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ҳар ойлик бадаллар тўлаш 2005 йилнинг январь ойи учун ҳисобланган иш ҳақи (даромад)дан бошланади;

жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан шахсий пенсия ҳисобварақларига бадаллар миқдори ва тўлаш муддатлари мустақил равишда белгиланади.

3. Куйидагилар:

Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига шахсий тартиб рақами бериш паспорт тизимига мувофиқ аниқланадиган фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) асосида амалга оширилади.

Ички ишлар органлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш учун фуқароларнинг идентификация рақамларини (шахсий кодини) аниқлашда ва Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очишда хўжалик юритувчи субъектларга зарур ёрдам кўрсатсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари ва юридик шахс ташкил этган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2005 йил 5 январгача бўлган муддатда иш берувчилар жойлашган жой бўйича Халқ банкининг туман (шаҳар) филиалларига белгиланган шаклларга мувофиқ ходимларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун маълумотлар тақдим этилишини таъминласинлар.

Маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши, уларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун шахсий жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

6. Халқ банки 2005 йил 1 мартгача бўлган муддатда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ходимлар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинишини, улар учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очирилишини ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари берилишини амалга оширсин.

Кейинчалик фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш зарур маълумотлар тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилиши назарда тутилсин.

Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинишининг тўлиқлиги тўғрисида ахборот берсин.

7. Халқ банки 2008 йил 1 январгача бюджетга солиқларнинг барча турларини тўлашдан озод этилсин, бўшаб қолган маблағлар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритишга доир операция харажатларини компенсация қилишга мақсадли йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда:

бир ой муддатда фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш имконини берадиган маълумотлар электрон базасини шакллантириш учун дастурий таъминлашни ишлаб чиқиш чора-тадбирларини кўрсин;

2005 йил 1 июлгача бўлган муддатда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг барча даражаларида маълумотлар айирбошланиши ва уларнинг ишончли ҳимоя қилиниши имкониятини назарда тутувчи ягона маълумотлар электрон базасининг моддий-техник асоси шакллантирилишини ва унинг дастурий таъминланишини тугалласин;

жамғариб бориладиган пенсия тизими ишлашини таъминлаш учун Халқ банкининг ҳудудий, туман (шаҳар) филиаллари ходимларини тайёрлаш ва ўқитишни бир ой муддатда амалга оширсин.

9. Халқ банки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

компьютер техникаси сотиб олиш, ягона маълумотлар электрон базасини шакллантириш ахборот тизимининг пухта ишлашини таъминловчи электрон дастурий воситаларни ишлаб чиқиш;

зарур миқдорда жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар бланкаларини ва жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олиш бўйича маълумотларни тақдим этиш шакллари тайёрлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкка асосланган таклифларни тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига кўрсатиб ўтилган харажатларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари бўйича таклифлар киритсин.

10. Халқ банки ўн кун муддатда ўзининг ташкилий тузилмасига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритсин, Халқ банкининг марказий аппаратида Халқ банкининг ҳудудий, туман (шаҳар) филиалларида жамғариб бориладиган пенсия тизимида

фуқароларни ҳисобга олиш, шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш ва жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш бўйича тегишли бўлинмаларга эга бўлган жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқармасини ташкил этсин.

Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 февралгача жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқармасининг ва тегишли ҳудудий бўлинмаларнинг тузилмаси ва ходимлари сони бўйича зарур таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Халқ банки корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ходимлари учун методик қўлланмалар, кўрсатмалар ва йўриқномалар ишлаб чиқишлини таъминласинлар, жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг фаолият кўрсатиши масалалари юзасидан хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бухгалтерлари билан семинарлар ўтказишлини ташкил қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш бўйича зарур ташкилий ишларни амалга оширсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Р.С. Азимов), Марказий банк, Молия вазирлиги, Халқ банки 2005 йил 10 январгача:

"Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва ушбу қарорда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш бўйича назарда тутилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан ҳудудий семинарлар ўтказсинлар;

ҳар қайси вилоятда вужудга келган муайян вазиятни ҳисобга олган ҳолда мазкур тадбирларни амалга оширувчи тузилмалар тармоқлари ходимлари сонини белгиласинлар.

13. Ўзбекистон Телерадио компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ахборот воситаларида мавзули эшиттиришлар ва мақолалар туркумлари ташкил этиш, мутахассисларни жалб этган ҳолда маърузалар ва учрашувлар уюштириш йўли билан жамғариб бориладиган қўшимча пенсия тизимининг механизми фаолияти ва афзалликларини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари амалга оширилишини таъминласинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. Каримов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
08.05.2002 й.
N 1136**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
01.04.2002 й.
N 21**

БУЙРУҒИ

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

(2002 йил 18 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида **БУЙОРАМАН:**

1. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатида олинганидан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

3. Мазкур Низомнинг кучга кириши муносабати билан 1998 йил 9 апрелда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 430-сон Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. Обидов**

"Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси", 2002 й. 9-сон.

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг
2002 йил 1 апрелдаги 21-сон**

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сон "Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги ПФ-2810-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон, 1997 йил 20 мартдаги 153-сон, 1997 йил 6 июндаги 286-сон, 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон, 2000 йил 23 декабрдаги 498-сон, 2001 йил 13 февралдаги 75-сон, 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон, 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилаб беради.

§ 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомда кўзда тутилган тартибда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий суғурта бўйича қуйидаги нафақалар берилади:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун;
ҳомиладорлик ва туғиш учун;
бола туғилгани учун;
кўшимча дам олиш кунни учун;
дафн этиш маросими учун.

2. Низомнинг 1-бандида кўрсатилган нафақалар ижтимоий суғурта жорий қилинадиган ходимларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолларда бошқа фуқароларга ҳам берилади.

Иш берувчининг давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадал тўламаганлиги, суғурта қилинган ходимни давлат ижтимоий суғуртаси нафақалари билан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

3. Умумий қоидага кўра ходимга нафақа, агар уни олиш ҳуқуқи иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлган даврда (синов даври ҳамда ишдан бўшатиш кунни ҳам қўшиб) пайдо бўлса берилади.

Юридик шахс бўлмасдан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларига нафақа, агар уни олиш ҳуқуқи улар томонидан белгиланган тартибда суғурта бадалини тўлаш даврида пайдо бўлса, берилади.

4. Айрим ҳолларда, яъни меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилингандан (Меҳнат кодексининг 67-моддаси) кейин бир ой ичида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган бўлса, нафақа яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади.

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларидаги муддатли хизмат сафидан бўшатишган собиқ ҳарбий хизматчиларга ҳам қўлланилади.

5. Нафақа, меҳнат қобилияти тикланган, ногиронлик белгиланган, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган, вафот этган ёки бола туғилган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида мурожаат қилинганда тўланади. Бунда, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси уни олиш учун мурожаат қилинган кунгача бўлган 12 ойдан ошмаган давр учун берилади.

6. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) кунлари ходимнинг ишдан ноқонуний бўшатиш вақтида низо кўрилатган даврга туғри келган ҳолларда, у ишга тикланган тақдирдагина (барча меҳнатга қобилиятсиз кунлар учун) нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

7. Нафақа ойига бир марта ойнинг иккинчи ярми учун бериладиган иш ҳақи билан бирга тўланади.

8. Ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан ижтимоий суғурта бўйича нафақаларнинг туғри ҳисобланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Корхона, муассаса, ташкилот (бундан буён корхона)лар томонидан иш жойида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг ижтимоий суғурта бўйича нафақалар учун мақсадга мувофиқ сарфланиши устидан назорат қилиш Давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

§ 2. ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИ

9. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилади:

а) вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда (шикастланишда);

б) санаторий-курортларда даволанганда;

в) касалланган оила аъзосини парваришlash зарур бўлганда;

г) карантинда;

д) сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;

е) меҳнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

10. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат белгиланган тартибда берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси йўқолган ҳолларда, нафақа, унинг ўрнига такрорий берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (дубликат) асосида берилади.

11. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа меҳнат қобилияти йўқолган биринчи кундан то у тиклангунга қадар ёки тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан ногиронлик белгилангунга қадар, ҳатто бу даврда ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам берилади.

Узоқ вақт касал бўлганларни ТМЭК кўригига юбориш муддатлари Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномалар бериш тартиби туғрисидаги Йўриқномага (рўйхат рақами 873, 2000 йил 19 январь) биноан белгиланади.

12. Олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурани тамомлаган ва белгиланган тартибда ишга юборилган шахсларга нафақа улар ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

13. Иш ҳақи, суткалик ва кўчиш бўйича харажатларни олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимга иш жойига бораётган даврда бошланган меҳнатга қобилиятсизлик кунлари учун нафақа тўланади.

14. Ходимнинг меҳнатга қобилиятсизлик кунлари йиллик (асосий ва қўшимча) таътил даврига туғри келган ҳолларда, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлар учун нафақа тўланади.

15. Санаторий-курортда даволанишда, агар асосий ва қўшимча таътил ходимнинг санаторийда даволаниши учун етарли бўлмаса, нафақа берилади. Бундай ҳолда санаторий-курортда даволанишнинг барча даври учун (йўлланма, даволаниш муддати) санаторийга бориш-келиш вақтини қўшиб, аммо ходимнинг йиллик таътилини чиқариб ташлаган ҳолда нафақа берилади.

Асосий ва қўшимча таътилдан санаторийга боришдан олдин фойдаланган бўлса ҳам нафақа уни чиқариб ташлаган ҳолда берилади. Бунда иш берувчи таътилнинг етмайдиган вақти учун ходим билан келишиб, унга иш ҳақи сақланмаган таътил беради.

Иккинчи жаҳон уруши ногиронларига, байналминал жангчиларга, Чернобил АЭС фалокати оқибатларини тугатишда қатнашган шахсларга, шунингдек, санаторийга даволанишни давом эттириш учун даволаш муассасаларидан ўткир миокард инфаркти билан касалланган, жарроҳлик услуги билан юракнинг аортакоронар шунтровкаси ва аневризмлари, ошқозоннинг яралик касаллиги, ўн икки бармоқ ичак касаллигидан даволанган ва ўт пуфагини олиб ташлашдан кейин бевосита юборилган ходимларга, шунингдек сил касаллиги билан оғриганларга нафақа санаторийда бўлган барча вақт учун берилади.

Ўн олти ёшгача бўлган ногирон болани тарбиялаётган ота-оналардан бирига (ҳомийга ёки васийга), ногирон боланинг санаторийда даволанган барча даври учун (санаторийга бориб-келиш вақтини ҳисобга олиб) унга якка тартибда парвариш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса мавжуд бўлганда нафақа берилади.

16. Уч ёшгача бўлган болани ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришда банд бўлган она касал бўлиб, болани парваришда қурби етмай қолган ҳолларда, парвариш билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки қариндошларига (меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан) нафақа берилади.

Оиланинг касал бўлган аъзосига қараш бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бемор бировнинг парваришига муҳтож бўлган, лекин 7 календарь кунидан ошмаган давр учун берилади.

Ўн тўрт ёшга етмаган бемор болага қараш учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси болага парвариш керак бўлган, аммо 14 календарь кунидан ошмаган давр учун берилади.

17. Агарда ходим карантин вақтида санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан атрофидаги шахслар орқали юқумли касалликка чалиниш хавфини олдини олиш мақсадида ишдан четлатилган бўлса нафақа берилади.

18. Сил касаллиги ёки касб касаллигига чалинган ходим даволаниш қонидасини бузмаган ҳолда бошқа ишни бажариш имконига эга бўлиб, у тиббий-маслаҳат комиссияси (ТМК) хулосаси (бундай комиссиялар бўлмаган жойларда эса даволовчи шифокорнинг, даволаш муассасасининг бош шифокори томонидан тасдиқланган хулосаси) асосида вақтинча бошқа ишга ўтказилиши мумкин.

Ходимга, вақтинчалик камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида касаллик варақаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақиға қўшилганда аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади.

Бунда касб касаллиги оқибатида бошқа ишга ўтказилган шахсларга нафақа, агар у амалдаги қонун ҳужжатларига биноан аввалги иш ҳақи билан янги иш ҳақи ўртасидаги фарқни корхонадан олиш ҳуқуқига эга бўлмаса берилади.

Башарти, касаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи ходимга бошқа иш топиб беролмаган бўлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор ўтган иш кунлари учун нафақа умумий асосларда тўланади.

19. Реабилитация муассасаларида бўлган барча вақт учун ва унга келиб-кетиш вақти учун нафақа тўланади.

20. Мавсумий ва вақтинчалик ишларда банд бўлган ходимларга меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик,

хомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа умумий асосларда, бошқа сабаблар оқибатидаги вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа мавсумий ёки вақтинчалик иш тўғрисида тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилган иш кунлари доирасида тўланади.

21. Ишлаётган ногиронларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа меҳнатда майибланиш ҳодисалари ёки касб касаллигидан ташқари, кетма-кет икки ойдан ва календарь йилда уч ойдан ошмаган муддатга берилади.

Ишлаётган Иккинчи жаҳон урушининг ногиронларига ва имтиёзлари жиҳатдан уларга тенглаштирилган бошқа ногиронларга, Чернобил АЭСдаги фалокат ёки унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни бажариш билан боғлиқ сабабларга кўра ногирон бўлган шахсларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси (меҳнатда майибланиш ҳодисалари ёки касб касаллигидан ташқари) кетма-кет тўрт ойгача ёки календарь йилда беш ойгача берилади.

Агар ишловчи ногироннинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли юз берса, нафақа у тўла соғайгунга ёки меҳнатда майибланиш ёхуд касб касаллиги билан боғлиқ ногиронлик гуруҳи қайта кўриб чиқилгунга қадар тўланади.

Сил касаллиги оқибатида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа шахс тўла соғайгунга қадар, лекин кўпи билан 10 ойга берилади.

Ходим сил касаллиги билан қайта касалланганда ёки сил касаллиги оқибатида ногирон деб топилганда нафақа кўпи билан 6 ойга берилади.

ТМЭК кўригидан белгиланган муддатда қайта ўтмаган ногиронга нафақа мазкур бандда белгиланган муддатларга тўланади.

22. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик қуйидаги даврларга тўғри келганда нафақа тўланмайди:

иш ҳақи сақланмаган таътил;

болани парваришлаш бўйича таътил;

иш вақтинча тўхтатилган;

ходим ишдан (лавозимдан) четлаштирилиб, иш ҳақи тўлаш тўхтатиб қўйилганлиги сабабли ишламаган;

ҳарбий ўқув ёки текширув йиғини;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил.

Ушбу даврларда бошланиб, давом этаётган меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходим ишга чиқиши (лавозимга тикланиши) лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

23. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилмайди:

ишдан ёки бошқа вазифалардан бўйин товлаш мақсадида ўз саломатлигига атайлаб зиён етказган ёхуд ўзини касалликка солганда;

гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида, шунингдек, спиртли ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида касалликка чалинганда (жароҳатланганда);

жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланганда;

суд қарори асосида мажбурий даволанишга юборилганда (руҳий касаллардан ташқари);

ҳибсда бўлган даврда;

суд-тиббий экспертизасидан ўтиш даврида.

24. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланишидан олдин узрсиз сабабларга кўра ишга келмаган, улар учун шифокор белгиланган тартибни бузган, ёки узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда шифокор кўригига ёки тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясига (ТМЭК) келмаган ходимлар қонидан бузиш рўй берган кундан бошлаб корхонанинг Ижтимоий суғурта бўйича комиссияси белгилайдиган муддатга нафақадан маҳрум қилинадилар.

25. Юридик шахс бўлмасдан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда деҳқон хўжалиги аъзолари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўламаган, шифокор белгилаган тартибни бузган ёки узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда шифокор кўригига ёки ТМЭКга келмаган ҳолларда, бузиш содир бўлган кундан бошлаб ижтимоий таъминот бўлими томонидан белгиланган муддатга нафақадан маҳрум қилинади.

26. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қуйидагиларга тўланади:

ишлаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига;

байналминал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга.

27. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов (лепра) касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

в) умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

28. Мазкур Низомнинг 26 ва 27-бандларида назарда тутилган ходимлардан ташқари қолган ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

29. Мазкур Низомнинг 4-бандига биноан тайинланган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафидаги муддатли хизматдан бўшатиладиган сўнг бир ой ичида касал бўлиб қолган собиқ ҳарбий хизматчиларга республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида;

б) бошқа ҳолларда иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

30. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа барча ҳолларда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги лозим.

31. Нафақа миқдори вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган кунгача, меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган бошқа ҳужжат, шунингдек ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан берилган маълумотнома асосида ҳисобланган умумий иш стажига мувофиқ аниқланади.

§ 3. ИЖТИМОЙИ СУҒУРТА БЎЙИЧА НАФАҚАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ УЧУН УМУМЙ ИШ СТАЖИНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

32. Умумий иш стажи белгиланган тартибда расмийлаштирилган меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган бошқа ҳужжат асосида аниқланади.

Умумий иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар бўлмаганда иш даври гувоҳлар кўрсатмаси асосида белгиланади.

Табиий офат, фалокат, фожиа ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар туфайли иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман сақланмаган бўлса, иш стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимиятлари томонидан тузиладиган иш стажини аниқлаш бўйича махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Қисман сақланган ҳужжатлар ҳамда гувоҳлар кўрсатмалари асосида юқорида кўрсатилган комиссиялар томонидан белгиланган меҳнат фаолияти даврлари ҳужжатлар билан тасдиқланган иш даври сингари ижтимоий суғурта бўйича нафақа олиш ҳуқуқини берадиган умумий иш стажига ҳисобланади.

33. Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ва деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажига улар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган даврлари киритилади.

34. Умумий иш стажига қуйидагилар киради:

а) фаолият тури, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

Ширкат хўжалиги (фермер хўжалиги) аъзоси узрсиз сабабларга қўра хўжаликда белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишлаган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан шуғулланувчи ходимларга иш стажи ижодий уюшмалар бошқаруви томонидан, унинг биринчи босилган ёки дастлабки ижро этган ёхуд мазкур муаллифнинг асари биринчи марта оммага кўрсатилган кундан бошлаб, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб турган бўлса, иш стажига ҳисобланади;

б) ҳарбий хизмат, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, миллий хавфсизлик органларидаги ҳамда чегара қўшинларидаги хизмат даври;

в) ҳарбийлаштирилган соқчилик, махсус алоқа органлари ҳамда тоғ-кутқарув қисмларидаги хизмат даври, қайси идорага бўйсунитилган қатъи назар;

г) диний ташкилотларда ишлаган давр, агар улар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб келган бўлсалар;

д) юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ва деҳқон хўжалиги аъзосининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган давр;

е) алоҳида фуқароларга ёлланиб ишлаган давр (уй ходимлари, котибалар, энагалар, ҳайдовчилар, қоровуллар ва бошқалар), агар улар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаб келган бўлсалар;

ж) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлган ва маҳбусликни ўтаган даври.

35. Саноатнинг мавсумий тармоқларидаги корхоналарда банд бўлган ходимларга мавсум давомидаги иш бир йилга, мавсумда тўлиқ ишламаган тақдирда, ҳақиқий ишлаган давр ҳисобга олинади.

36. Чет элда ишлаган иш даври, агар бюджетдан ташсари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўлаб келинган бўлса ва давлатлараро битимларда бошқа имтиёзлироқ ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, иш стажига ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда ёлланиб (битим асосида) ишлаган иш даври Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан меҳнат дафтарчасига киритилган ёзувлар бўйича, агар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб келинган бўлса, иш стажига ҳисобланади.

37. Деҳқон хўжалиги аъзоси, йил мобайнида ишлаб ундан камида 9 ой бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган тартибда суғурта бадали тўлаган бўлса, ушбу давр календарь йил ҳисобланади.

38. Тўлиқ календарь йил мобайнида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахснинг асосий фаолияти кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш бўлган ҳолларда, агар мазкур йилда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари белгиланган тартибда камида 9 ой мобайнида тўланган бўлса стажга календарь йил қўшилади.

39. Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг иш фаолияти ва унинг давомийлиги гувоҳлик кўрсатмалари билан тасдиқланмайди.

§ 4. ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ БЎЙИЧА НАФАҚА

40. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади.

41. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси йўқолган ҳолларда нафақа унинг ўрнига такрорий берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (дубликат) асосида берилади.

42. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

43. Ходим ишдан бўшатилишининг нотўғрилиги ҳақида низо кетаётган даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилганда, нафақа у ишга қайта тикланган тақдирда берилади. Бунда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа аёлни ишга қайта тиклаш тўғрисида қарор чиққандан сўнг, нафақа тўланмаган барча меҳнатга қобилиятсиз кунлар учун тўланади.

44. Олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурани тамомлаган ва белгиланган тартибда ишга юборилган аёлларга ишни бошлагунга қадар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида нафақа аёл ишга келиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

45. Ишни вақтинчалик тўхтатиш ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил даврида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилган ҳолда, нафақа кўрсатилган давр тугагандан кейин аёл ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

46. Ходим йиллик (асосий ва қўшимча) таътилда ва болани парваришлаш учун таътилда бўлган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилганда, нафақа ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилни вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлари учун берилади. Болани парваришлаш бўйича таътил даври учун нафақа тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинги 12 ой мобайнида олинган мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган кунга бўлган тариф ставкаси жойларда белгиланган туман коэффиценти ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда олинади.

47. Иш ҳақи тўлаш тўхтатилиб, ишдан (лавозимдан) четлаштириш оқибатида аёл ишламаган даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилган ҳолда нафақа тўланмайди. Агар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил ишга қўйилгандан кейин ҳам давом этадиган бўлса, нафақа у ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

48. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, шу жумладан, мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ нафақа тайинланганда ҳам, иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида берилади.

§ 5. ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК, ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ БЎЙИЧА НАФАҚАЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

49. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

50. Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинадиган ҳақиқий иш ҳақи ва иш жойидан, суғурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари киради.

51. Суғурта бадали ҳисобланмайдиган иш ҳақи турлари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган Суғурта бадаллари қўшилмайдиган ва пенсияни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақи ва бошқа тўлов турлари рўйхати асосида аниқланади.

52. Нафақаларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинадиган иш ҳақининг барча турлари, шу жумладан мазкур ойда иш ҳақи билан биргаликда тўланадиган ойлик мукофотлар уларнинг ҳақиқатда олинган вақти бўйича эмас, балки улар ҳисоблаб ёзилган вақт бўйича иш ҳақи қўшилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва суғурта бадаллари чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақи қўшилиб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади.

53. Ходим вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги сабабли тўла ишламаган, ҳомиладорлик ва туғиш, бола уч ёшга тўлгунга қадар болага қараш таътилида бўлган, ҳарбий ўқув ёки синов йиғинларида ёки бошқа корхонада ишлаш учун юборилган ойлар мукофот суммаси бўлинадиган ойлардан чиқариб ташланади. Агар ҳисоблаш учун уч ойдан кам бўлган давр олинса, ҳар бир ойда чорак мукофотининг учдан биридан кўп бўлмаган қисми ҳисобга олинади.

54. Аввалги ёки жорий календарь йилида ишга кирган ходимга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик таътили бошлангунга қадар иш даврида ҳисобланган мукофотлар ҳисобга олинади, лекин у дастлабки 12 ойдан кўп бўлмайди ва уларнинг йиғиндиси мана шу ойларнинг сонига бўлинади. Агар мукофотлаш тизими мазкур корхонада янгидан жорий этилган бўлса ҳамда тўла бўлмаган календарь йили амал қилса, шунингдек корхонада ёки аниқ ходимга нисбатан мукофотлаш шартлари ва тартиби ўзгарса, мукофотлар юқоридаги тартибда ҳисобга олинади.

55. Меҳнатига вақтбай ҳақ тўланадиган ходимларга нафақа ҳисоблаб чиқаришда ойлик иш ҳақи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган кунгача доимий равишда олиб келинган кўшимча ва устамаларни қўшган ҳолда кунлик ёки соатбай тариф ставкаси ва мазкур Низомнинг 52-54-бандларига биноан ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик мукофотлар суммаси ҳисобга олинади.

Ходим тўлиқ бўлмаган мансаб маошини олган ҳолатларда, нафақа маошнинг ҳақиқатда олинадиган қисми асосида ҳисобланади.

Нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи мазкур бандда кўрсатилган иш ҳақи суммасини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик рўй берган ойдаги

барча иш кунларига (жадвал бўйича) бўлиш йўли билан аниқланади (Эслатма: ушбу ва кейинги барча ҳолларда иш вақти соатлари нормаси доирасида тузилган иш жадвали назарда тутилади).

Кунлик нафақа ўртача кунлик иш ҳақининг нафақа миқдорини белгилаш учун иш ҳақиға қўлланиладиган фоиз (ушбу Низомнинг 26-30 ва 48-бандлари) ҳисобида аниқланади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) туфайли ишга келмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

56. Ишбай иш ҳақи олувчи ходимларга нафақа уларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ойнинг биринчи кунидан олдинги сўнгги календарь ойдаги иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ойлик иш ҳақиға ушбу Низомнинг 52-54-бандларига биноан ҳисоблаб чиқарилган мукофотларнинг ўртача суммаси кўшиб ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган ойда ходим жадвалда белгиланган кунларда тўлиқ ишламаган бўлса, нафақа мазкур ойда ҳақиқий ишлаган кунлар учун тўланган иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Агар кўрсатилган ойда ходим иш ҳақи олмаган бўлса (масалан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик туфайли), нафақа меҳнатга қобилиятсизлик ойидаги ҳақиқий ишланган кунлар учун иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Агар иш ҳақи асос қилиб олинadиган даврда ходим жадвал бўйича барча кунларда ишламаган бўлса, мазкур ойдаги мукофотнинг ўртача суммаси ишланган вақтга муносоиб равишда ҳисобга олинади.

Ушбу бандда назарда тутилган нафақа ҳисоблаб чиқариш тартиби иш ҳақи миқдори ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган, шунингдек вақтбай меҳнат ҳақи олувчи, ушбу ойнинг иш ҳақи билан биргаликда ойлик мукофотни олувчи ходимларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи Низомнинг ушбу банди ва 58-бандида кўрсатилган иш ҳақини ушбу иш ҳақи олинган даврдаги жадвал бўйича барча иш кунлари сонига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунда иш ҳақи тақсимланадиган иш кунлар сонига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик кунлари, ҳомиладорлик ва туғиш таътили, йиллик (асосий ва кўшимча) таътил, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллардаги ишдан озод этилган кунлар кўшилмайди.

Кунлик нафақа ўртача кунлик иш ҳақининг нафақа миқдорини белгилаш учун иш ҳақиға қўлланиладиган фоизи (ушбу Низомнинг 26-30 ва 48-бандлари) ҳисобидан аниқланади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) туфайли ишга келмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

57. Ширкат хўжалиги аъзоларига, шу жумладан механизаторлар ва мутахассисларга нафақа умумий асосларда ҳисоблаб чиқарилади.

Агар ширкат хўжалигида кейинчалик ҳисоб-китоб қилинадиган (даврлар бўйича, йил охирида) авансли ҳақ тўлаш амалга оширилса, нафақа вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) бошланган кунгача олинган авансдан ҳисоблаб чиқарилади ва якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан кейин қайта ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш пул билан берилмасдан, меҳнат кунлари ёзилса ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари) меҳнат кунлари учун ҳақ тўланадиган кунгача бошланган бўлса, нафақа энг кам иш ҳақидан тўланади ва кейинчалик қайта ҳисобланади.

58. Агар нафақани ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи асос қилиб олинadиган давр мобайнида ходимнинг иш ҳақи миқдори ўзгарса, нафақани ҳисоблашда иш ҳақи ўзгарган кундан бошлаб тўланган иш ҳақи олинади.

Ходим узрли сабабларга кўра иш ҳақиға эға бўлмаған, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақидан нафақа ҳисоблаб чиқарилиши лозим бўлган ҳолларда нафақа тариф ставкаси (лавозим маоши) ва мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши лозим. Бунда тариф ставкаси ёки энг кам иш ҳақи туман коэффиценти ва устамалар белгиланган жойларда ишлаганлик учун бериладиган устамаларни ҳисобға олган ҳолда асос қилиб олинади.

59. Агар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш даврида иш ҳақи ўзгарган бўлса, шу даврдан бошлаб нафақа миқдори ҳам тегишли равишда қайта ҳисоблаб чиқарилади.

Агар нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақиға қўшимча ҳақ ҳисобланган бўлса, нафақа ҳам тегишли равишда ошади.

60. Ходим асосий иш жойидан ташқари ўша ёки бошқа корхонада ўриндошлик асосида (шу жумладан юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида) ишласа, нафақа барча иш жойидаги умумий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Бунда юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатидаги иш ҳақи миқдори тадбиркорнинг аниқ бир ой учун тўлаган ижтимоий суғурта бадалини иш берувчи ва ходимлар учун расмий белгиланган суғурта бадалларининг жами фоизига бўлиш ва натижасини 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

61. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили ходимнинг вақтинчалик бошқа вазифани бажариш даврига тўғри келиб, ушбу иш ўрнида юқорироқ мансаб маоши белгиланган бўлса, нафақа ушбу ўринда ишлаши лозим бўлган давргача (бундай кун белгиланмаган бўлса, вақтинча ишда бўлмаган ходим ишга чиқиши лозим бўлган кунгача) мана шу юқорироқ иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

62. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили иш вақтида бошланиб, корхона (цех, бўлимнинг) ишни вақтинча тўхтатиши даврида давом этса, нафақа ўша касб ва малакаға эға бўлган ходимларға мана шу тўхтатилган давр учун тўланадиган иш ҳақи миқдорида бериледи. Бунда нафақа миқдори умумий қоидалар бўйича ҳисобланган ва олиши лозим бўлган нафақа миқдоридан ошмаслиги лозим.

Агар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили ишнинг вақтинча тўхтатилган даврида бошланган бўлса, иш тўхтатиб қўйилган давр учун нафақа Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 155-моддасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида бериледи.

63. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили (қачон бошланишидан қатъи назар) корхона (цех, бўлим)нинг ишға туширилишидан (тугатилишидан) кейин ҳам давом этса, нафақа ишға туширилган (тугатилган) кундан бошлаб, ходим иш тўхтатилгунға қадар олган иш ҳақидан ҳисобланади.

64. Агар ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини иш ҳақиға туман коэффиценти ва устамалар белгиланган жойларда ишлаш даврида олган бўлса, бу жойлардан ташқарида бўлган вақт учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа (шу жумладан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги муносабати билан) устамалар ҳисобға олинмаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ушбу қоида ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини ҳисоблаб чиқаришда қўлланилмайди.

65. Иш ҳақиға устама ёки муайян муддатға ёҳуд муайян жойда вақтинчалик бўлганлиги учун иш ҳақиға оширилган коэффицент белгиланган ходимға вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа бу устама ёки коэффицент ҳисобға олинган ҳолда устама ёҳуд оширилган коэффицент белгиланган кунгача, ёки эса вақтинчалик бўлганлиги муносабати билан улар тўланган жойидан чиқиб кетган кунгача бериледи.

66. Газеталар ва журналлар, телеграф ва ахборот агентликлари, нашриётлар, радио ва телевидение, бошқа корхоналарнинг ижодий ходимларига муаллифлик

(сахналаштирганлик учун) мукофоти ҳам ҳисобга олиниб иш ҳақи тўлаш ёки муаллифлик иши учун оладиган мукофотидан келиб чиқадиган ставка бўйича вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, суғурта бадали жорий қилиниб, муаллифлик (сахналаштирганлик учун) мукофотини ҳам ҳисобга олган ҳолда мазкур корхонада тўланган ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Муаллифлик (сахналаштирганлик учун) мукофоти ўртача иш ҳақига ушбу Низомнинг 52-53-бандларида баён қилинган қоидалар бўйича қўшилади.

67. Маълум нормадаги ишни бажарганларидан сўнг мансаб маошини олувчи ходимларга (артист ва бошқалар) нафақа, шу жумладан, меҳнатда майибланганлик, касб касаллиги, шунингдек ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ойнинг биринчи санасидан олдинги календарь ойидаги иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

68. Иш шароитларига кўра йилнинг турли даврлари бўйича турлича иш ҳақлари белгиланган тақдирда (дарё флоти ва балиқчилик саноати флоти экипажлари аъзоларидан ташқари), нафақа ходим ўз иш жойида қолган тақдирда оладиган иш ҳақи миқдорига қараб белгиланади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик маълум бир даврда бошланиб, иккинчи даврда давом этган тақдирда иккинчи даврнинг иш ҳақи бўйича нафақа ишловчилар учун иш ҳақи ўзгарган муддатдан бошлаб тўланади. Меҳнатга ишбай асосида ҳақ тўланганда юқорида қайд этилган ҳолларнинг иккинчи даври учун нафақа ишбайчининг тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда тўланади.

Дарё флоти ҳамда балиқчилик саноати флоти экипажлари аъзоларига нафақа вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган йилдан олдинги календарь йилдаги ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик содир бўлган йилда ишга кирган шахсларга, шунингдек тўлиқ календарь йил ишламаганлар учун нафақа ҳисоблаб чиқаришда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик содир бўлган даврдан олдинги вақтдаги иш ҳақи инобатга олинади.

Кунлик ўртача иш ҳақи миқдори ўтган йил давомида олинган иш ҳақи йиғиндисини ўша йилнинг календарь кунларига тақсимланган ҳолда белгиланади. Бунда йиллик иш ҳақи бўлинадиган кунлардан байрам ва дам олиш кунлари, вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган кунлар, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар бўйича ишдан озод қилинган кунлар олиб ташланади.

Бошқа дам олиш кунлари (отгул) учун нафақа лавозим маошидан (тариф ставкасидан) келиб чиққан ҳолда тўланади.

Дарё флоти ва балиқчилик саноати флоти экипажларининг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) кунлари ҳақ тўланмайдиган захирада (резервда) бўлган даврга тўғри келган ҳолларда нафақа тўланмайди.

69. Иш соатларини ҳисоблаб чиқиш имкони бўлмаган ходимларга (уйда ишловчиларга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, иккиламчи ва бошқа хил ашёларнинг штатли тайёрловчиларига, ози-овқат чиқиндиларини йиғувчиларга, тарқатиш ва ташиш савдоси сотувчиларига, суратга олиш корхоналари агентларига ва бошқа шундай тоифадаги ходимларга) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан тайинланадиган нафақа сўнгги 12 ой иш мобайнидаги кунлик ўртача иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ушбу корхонада 12 ойдан кам ишлаган шахсларга нафақалар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан бериладиган таътилга қадар ишланган вақтнинг кунлик ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Кунлик ўртача иш ҳақи юқорида айтиб ўтилган давр учун тайинланган ҳақиқий иш ҳақини мазкур даврнинг календарь кунларига бўлиб чиқиш йўли билан аниқланади. Бунда иш ҳақи бўлинаётган кунлар ҳисобига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик кунлари,

ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари, йиллик (асосий ва қўшимча) таътиллари, шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган ишдан озод қилиш кунлари қўшилмайди.

Кунлик тариф ставкаси соатбай тариф ставкасини 40 га кўпайтириш ва ҳосил бўлган суммани 7 га бўлиш йўли билан аниқланади. Кунлик ҳисоб-китоб ставкаси ёки кунлик ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китоб ставкасини ойнинг нафақа тўланадиган барча календарь кунларига бўлиб чиқиш йўли билан аниқланади.

Нафақа вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан бериладиган таътилнинг барча календарь кунларига тўланади.

70. Штатсиз ходимлар, агар улар меҳнат шартномаси асосида ишлаётган бўлсалар, ижтимоий суғурта бўйича нафақа билан таъминланадилар.

Барча ҳолларда штатсиз ходимларга нафақалар мазкур Низомнинг 56-бандида ишбай иш ҳақи олувчи ходимлар учун белгиланган қоидалар бўйича ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Ишга чиқиш жадвали ўрнатилмаган штатсиз ходимларга нафақа мазкур Низомнинг 69-бандида белгиланган қоидалар бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Соатбай меҳнати учун иш ҳақи оладиган штатсиз (ўқув юртлари, малака ошириш курсларининг ўқитувчилари, тўғарақлар раҳбарлари ва бошқалар) ходимларга нафақалар бир соат учун бўлган тўловдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиб ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили сабабли қолдирилган (бажарилмаган) иш соатларига тўланади.

71. Адвокатларга адвокатлар коллегияси аъзоларига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, шунингдек ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси мазкур Низомнинг 56-бандида ишбай иш ҳақи олувчи ходимлар учун белгиланган қоидалар бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

72. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аккорд-мукофот тизими бўйича етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, шунингдек ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси бажараётган ишлари ва олаётган ҳақлари ҳисоб-китоб қилиб борилаётган ходимларгагина берилади. Барча ҳолларда шу жумладан, меҳнатда майибланганда, касб касаллигига дучор бўлганда, ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан таътилга чиқилганда нафақа бажараётган мазкур ишлар учун тўланаётган ҳақиқий иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

Нафақа ҳисоблаб чиқаришда ўртача кунлик иш ҳақи нафақани ҳисоблаб чиқариш учун олинган иш ҳақини (Низомнинг 56-банди) иш ҳақи олинган даврдаги календарь кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) кунлари чиқариб ташланади. Нафақа календарь кунлари учун тўланади.

Агар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш даврига тўғри келса ва бу ишлар тамом бўлгандан сўнг давом этса, нафақа кўрсатилган даврнинг тугаш кунидан бошлаб мазкур Низомнинг 68-бандига биноан ходимнинг бу давр мобайнида бажариши лозим бўлган ишнинг тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги экинларини парвариш қилиш даври тугагандан кейин ходим ишламаслиги керак бўлган давр учун нафақа тўланмайди.

73. Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ва деҳқон хўжалиги аъзоларига ҳамда айрим шахсларнигида шартнома асосида ишлаётган фуқароларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган аниқ бир ой учун даромади тўланган ойлик суғурта бадали суммасини иш берувчилар ва ходимлар учун суғурта бадаллари ажратишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган жами фоизига бўлинади ва олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ўтган йилда суғурта бадаллари тўланмаган бўлса, кўрсатиб ўтилган ходимларга нафақа энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланади ва у кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади.

74. Асосий иш жойида иш ҳақи тўла ёки қисман сақлаб қолинган ҳолда қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарга ишларни бажариш учун юборилган ходимларга айна вақт ичида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳоллари рўй берганлиги туфайли тўланадиган нафақанинг миқдори, улар мазкур ишларни бажаришга юборилган пайтда асосий иш жойларида олган иш ҳақи миқдorigа қараб белгиланади ва нафақа асосий иш жойидан умумий асосларда тўланади.

75. Мактабларнинг, малака ошириш, ходимлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув курсларининг, шунингдек малака ошириш институтларининг тингловчиларига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар улар курсларга, мактабларга, (институтларга) корхона томонидан юборилганда ва ўқиш даврида уларнинг иш ҳақлари тўлиқ ёки қисман сақланган тақдирда умумий асосларда берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақанинг миқдори ўқув даврида, стипендияни ҳисобга олмаган ҳолда, уларнинг сақланадиган иш ҳақлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

76. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида иш ҳақи тўланадиган ишчи ўринларга ёки лавозимларга тайинланган олий ўқув юртлари талабаларига, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари, умумий таълим мактаблари ўқувчиларига ишлаб чиқариш амалиётини ўташ кунларига тўғри келган вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган жойларидан умумий асосларда лекин ишлаб чиқариш амалиёти якунланиши лозим бўлган кунига қадар тўланади.

Ушбу тартиб қурилиш объектларида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида талабалар гуруҳларида ишлаётган ўқувчиларга ҳам жорий этилиб, нафақа миқдори гуруҳда олган иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади ва ушбу Низомнинг 20-бандида кўзда тутилган муддатларда иш жойидан берилади.

77. Олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурани тугатган ва белгиланган тартибда ишга юборилган шахсларга (мазкур Низомнинг 12, 44, 45-бандлари) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақасининг миқдори умумий қоидалар бўйича, ҳисоблаб чиқариш ва уларнинг эгаллашлари лозим бўлган лавозим маошларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

78. Аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нафақа умумий асосларда берилади. Бунда аввалги иш жойларида жазони ўтаётган шахсларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа миқдори жазони ўташ бошланишига қадар бўлган умумий иш стажига қараб белгиланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан мазкур шахсларга бериладиган нафақалар суд ҳукми билан уларнинг иш ҳақларидан ундиришлар ушлаб қолинган ҳолда амалга оширилади.

§ 6. БОЛА ТУҒИЛГАНДА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА

79. Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида берилади.

Иш ҳақиға коэффициент қўлланиладиган туманларда нафақа ушбу коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

80. Ишлаётган аёлларга, ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида, магистратура, аспирантура, клиник

ординатура, докторантурада тахсил олаётган аёлларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тегишлича иш ёки ўқиш жойидан тўланади.

81. Боланинг онаси ишламайдиган ва ўқимайдиган ҳолларда нафақа боланинг ишлайдиган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган отаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга тўланади.

Ишламайдиган ва ўқимайдиган ота-оналарга бола туғилганда нафақа ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.

82. Фарзандликка олинган болаларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа умумий асосларда берилади.

83. Агар аёл ҳомиладорлик бўйича таътил даврида ишдан бўшаб, шу давр мобайнида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа олган бўлса, бир марталик нафақа умумий асосларда берилади.

84. Бола ўлик туғилган ҳолларда нафақа тўланмайди.

§ 7. ҚЎШИМЧА ДАМ ОЛИШ КУНИ УЧУН НАФАҚА

85. Ногирон боласини тарбиялаётган ишловчи ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш кунни берилади.

§ 8. ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ УЧУН БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА

86. Дафн этиш маросими учун нафақа ходим ёки унинг қарамоғида бўлган қуйидаги оила аъзолари вафот этганда берилади:

а) турмуш ўртоғи;

б) 18 ёшга тўлмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қатъи назар) болалари, ака-укалари ва опа-сингиллари;

в) ота-онаси;

г) бобоси ёки бувиси.

Яшаш учун мустақил маблағ манбаига эга бўлган (иш ҳақи, пенсия, стипендия олувчи, ширкат хўжалигининг меҳнатга қобилиятли аъзолари ҳисобланувчи ва ҳоказо) оила аъзолари қарамоғида турган деб ҳисобланмайди.

87. Ходим вафот этганда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга берилади.

Оиланинг вафот этган аъзосини дафн этиш маросими учун нафақа ишловчи ходимга берилади.

88. Аёлнинг ҳомиласи тушган ҳолларда дафн этиш маросими учун нафақа берилмайди.

89. Дафн этиш маросими учун нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида берилади.

Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан кам бўлмаган миқдорда, ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади.

Иш ҳақиға туман коэффиценти белгиланган жойларда дафн этиш маросими учун нафақа миқдори ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар учун бериладиган туман коэффицентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

90. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа, агар унга сўнгги иш ҳақи тўланган кундан бир ойдан кўп вақт ўтмаган бўлса берилади.

91. Олий, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида, магистратурада, аспирантурада, клиник ординатурада, докторантурада таҳсил олаётган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари вафот этган тақдирда, дафн этиш маросими учун нафақа умумий асосларда тўланади.

92. Мактаблар, курсларнинг (кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва тайёрлаш бўйича), шунингдек, малака ошириш институтлари ўқувчилари ва тингловчилари ёки уларнинг оила аъзолари вафот этганда, агар улар курсларга, мактабларга, институтларга корхона томонидан юборилган бўлсалар ва уларнинг ўқиш давридаги иш ҳақи тўла ёки қисман сақланиб қолган бўлса, дафн этиш маросими учун нафақа умумий асосларда берилади.

§ 9. НАФАҚАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ

93. Нафақалар ходимнинг асосий иш жойидан корхонанинг Ижтимоий суғурта бўйича комиссияси ёки шу иш учун вакил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади. Комиссия таркиби, аъзолари сони ва раиси корхона раҳбарининг буйруғи ёки бошқарувининг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия меҳнатда майибланганларга, касб касаллигига чалинганларга нафақа тайинлаш, нафақа тўлашни рад этиш, нафақадан (тўлиқ ёки қисман) маҳрум этиш ва нафақа олиш ҳуқуқи юзасидан келиб чиққан низоларни, вастринча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва бошқа ҳужжатларнинг асосли равишда ва тўғри берилганлигини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Қолган барча ҳолларда нафақаларни комиссиянинг шу ишга вакил қилинган аъзоси тайинлайди.

Комиссиялар бўлмаган корхоналарда нафақалар, иш берувчи томонидан шу ишга буйруқ билан вакил қилинган шахс томонидан тайинланади.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, деҳқон хўжалиги аъзоларига, шунингдек айрим фуқароларникида шартнома асосида ишлаётганларга нафақалар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланиб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ўқувчи, талаба ва аспирантларга нафақалар мазкур Низомнинг 80 ва 91-бандларига биноан ўқиш жойларида тайинланади ва тўланади.

Қуролли кучлар сафидан озод этилгандан кейин вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган собиқ ҳарбий хизматчиларга нафақа мазкур Низомнинг 5-бандига биноан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади.

94. Ходимлар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик муддати тугаганидан сўнг чиқишининг биринчи кундаёқ корхонага вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тақдим этадилар. Меҳнатга қобилиятсизлик давом этаётган ҳолларда, навбатдаги иш ҳақи берилиши вақти келганда топширилиши мумкин.

Корхонада вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг "Табелчи томонидан ва кадрлар бўлими томонидан тўлдирилади" деган бўлимларига зарур маълумотлар ёзилади ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (бемор ҳақидаги маълумотлар ёзиб, имзо қўйилади) ижтимоий суғурта комиссиясига топширилади.

95. Меҳнатда майибланиш туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланганда нафақа ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса содир бўлганлик ҳақидаги (Н-1-шаклда) далолатнома асосида тайинланади.

Агар бахтсиз ҳодиса бошқа шароитларда рўй берса (уйда, ишга бориш ёки ишдан қайтишда, давлат ёки жамоатчилик бурчини бажараётган пайтда), нафақа рўй берган

бахтсизлик сабаблари иш берувчи томонидан ўрганиб чиқилгандан кейингина тайинланади.

96. Қуйидаги шароитларда юз берган (жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланиш ҳолларидан ташқари) жароҳатланиш меҳнатда майибланиш деб ҳисобланади:

а) меҳнат бурчини бажараётган пайтда (шу жумладан, хизмат сафари вақтида), шунингдек, махсус топшириқ бўлмаган ҳолларда ҳам корхона манфаатини кўзлаб қилинган хатти-ҳаракатлар пайтида;

б) иш берувчининг транспортида ишга бораётган ёки ишдан қайтаётганда;

в) иш вақти давомида (шу жумладан белгиланган танаффус вақтида) корхона ҳудудида ёки бирон-бир бошқа иш жойида, иш бошлашдан олдин ёки ишдан кейин иш қуролларини, кийим-кечакларини ва ҳоказоларни тартибга келтириш пайтларида;

г) ички меҳнат тартиб-қоидаларига зид бўлмаган тақдирда, иш вақти давомида корхонага яқин бўлган жойда ёки бошқа иш жойида (белгиланган танаффусларда) ҳозир бўлганда;

д) асосий иш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, давлат ва жамоатчилик олдидаги бурчларини бажараётган чоғида;

е) инсон ҳаётини қутқариш, ҳуқуқ-тартиботни, давлат ва жамоат мулкани, шунингдек, фуқаролар мулкларини муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини бажараётган пайтида;

ж) донорлик вазифаларини бажариш натижасида меҳнат қобилиятининг йўқотилиши.

97. Касб касалликлари бўйича вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тайинлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган Касб касалликлари рўйхатида кўрсатилган касалликлар ҳисобга олинади.

98. Мазкур Низомга биноан нафақа олиш ҳуқуқи ижтимоий суғурта бўйича комиссия ёки вакил қилинган комиссия аъзоси ҳар бир вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича тўлов амалга оширилиши лозим бўлган кунлар сонини ва иш ҳақиға нисбатан белгиланадиган нафақа фоизи миқдорини белгилайди. Нафақа фоизи миқдори нафақа белгилаш баённомасида ва комиссия раиси ёки вакил қилинган комиссия аъзосининг имзоси қўйилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида қайд қилинади.

Меҳнатда майибланиш туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа комиссия томонидан (жароҳатланган ходимнинг аҳволи комиссия мажлисига келишга имкон берган тақдирда унинг иштирокида) тайинланади. Нафақадан маҳрум этиш, нафақадан тўлиқ ёки қисман рад этиш масаласи нафақа олувчининг иштирокида кўриб чиқилади.

99. Ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирда, комиссия нафақа бермаслик тўғрисида қарор чиқаради ва рад этиш сабабларини вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасига қайд этади.

100. Нафақа тайинлангандан сўнг комиссия ёки вакил қилинган комиссия аъзоси корхонанинг ҳисоб-китоб бўлимига нафақа чиқариш ва тўлаш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини топширади.

Тўланадиган ва тўланмайдиган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари, шунингдек, нафақа олиш учун тақдим этилган барча бошқа ҳужжатлар корхона бухгалтериясида пуллик ҳужжатларга тенг ҳолда, барча харажат ҳужжатларидан алоҳида ҳолда сақланади.

101. Иш вақтини, умумий иш стажини ҳисобга олиб бориш, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тўлаш учун ҳисоб-китобларни бажаришда электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭИМ) қўлланиладиган корхоналарда, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари маъмурият томонидан ҳисоблаш марказига топширилади. У ерда ижтимоий суғурта бўйича нафақа тайинлаш ва ҳисоблаб чиқариш тўғрисида белгиланган шаклда икки нусхада рўйхат тузилади.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ЭИМда ҳисоб-китобларни чиқариш учун масъул шахснинг имзоси қўйилган икки нусхадаги тўлов рўйхати билан бирга аниқ муддатларда (маошлар бўйича ҳисоб-китоб қилишга 5-6 кун қолганда) ижтимоий суғурта бўйича комиссияга топширилади.

Комиссия ҳисоб-китобнинг, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг даволаш муассасаси томонидан тўлдирилишининг тўғрилигини, зарур ҳолларда бошқа ҳужжатларни ҳам (бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги далолатномалар ва бошқалар) текширади ва нафақа тайинлаш, белгиланган ҳолларда эса нафақадан маҳрум қилиш бўйича қарор чиқаради. Икки нусхадаги тўлов рўйхатлар ижтимоий суғурта бўйича комиссияси раиси томонидан имзоланади.

Тўлов рўйхатининг бир нусхаси вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси билан бухгалтерияга юборилади. Улар текширувдан ўтказилгандан сўнг бош (катта) бухгалтер томонидан имзоланиб, ҳисоблаш марказига узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш ва нафақа суммасини иш ҳақи тўлаш рўйхатига киритиш учун қайтариб юборилади. Шундан сўнг тўлов рўйхати вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари билан сақлаш учун бухгалтерияга топширилади.

Тўлов рўйхатининг иккинчи нусхаси эса нафақа тайинлаш баённомаси сифатида ижтимоий суғурта бўйича комиссияда сақланади.

Нафақани ҳисоблашда мазкур бандда кўрсатилган қоидага мувофиқ вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг орқа томони тўлдирилмайди.

102. ЭХМ ёрдамида фақат нафақа миқдори ҳисоблаб чиқиладиган корхоналарда нафақа белгилаш ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини тўлдириш ("Бухгалтерия томонидан тўлдирилади" деган бўлимдан ташқари) мазкур Низомнинг 98 ва 101-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

"Бухгалтерия томонидан тўлдирилади" деган бўлимдаги маош ва унинг асосида чиқарилган нафақа миқдори ҳақидаги маълумот ЭИМда тайёрланганда, ЭИМда ҳисоб-китоб ишлари учун масъул шахснинг ва бош (катта) бухгалтернинг имзолари бўлган тўлов рўйхатида келтирилади. Тўлов рўйхатларига касаллик варақалари илова қилинади.

Нафақалар машина-ҳисоблаш станцияларида ҳисоблаб чиқариладиган корхоналарда нафақаларни тайинлаш ва меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини расмийлаштириш худди шундай тартибда амалга оширилади.

103. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича тайинланган нафақалар, шу жумладан сил касаллиги санаторийларида даволаниш учун бериладиган нафақалар, иш ҳақи тўлаш учун белгиланган муддатларда тўланади.

Бошқа турдаги санаторийларда даволаниш учун бериладиган нафақаларни тўлаш, ходим санаторийдан қайтгандан сўнг амалга оширилади. Бунда нафақа, агар бир томонга бориш вақти бир суткадан ортиқ бўлса, санаторийда бўлган вақт кўрсатилган "йўлланманинг қайтиш томони", шунингдек йўл чипталари ижтимоий суғурта комиссиясига ёки вакил қилинган комиссия аъзосига топширилгандагина берилади. Йўлланма бўйича фойдаланилмаган ҳамда санаторийда, шунингдек етиб бориш ёки қайтиш йўли белгиланган муддатдан ортиқ бўлган кунлар учун нафақа берилмайди.

104. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси туғишдан олдин амалда фойдаланилган кунларнинг сонидан қатъи назар, таътилнинг тўлиқ даври учун бир йўла тўланади.

105. Бола туғилганда бир йўла тўланадиган нафақани олиш учун ота ёки она комиссияга Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлими томонидан берилган боланинг туғилганлик ҳақидаги маълумотномасини топшириши лозим. Берилган ҳужжатлар асосида вакиллик қилувчи комиссия аъзоси нафақа олиш ҳуқуқини белгилайди ва белгиланган миқдорда уни тайинлаш тўғрисида қарор чиқаради ва тайинлаш баённомасига ёзади. Шундан сўнг ҳужжатлар корхонанинг ҳисоб-китоб қилиш бўлимига топширилади.

Бола туғилганлиги ҳақидаги маълумотнома йўқотилган тақдирда бир йўла тўланадиган нафақа ФХДЁ бўлимлари томонидан берилган бола туғилганлиги ҳақидаги

такрорий маълумотноманинг ҳамда отанинг иш жойидан (ўқиш жойидан) нафақа олмаганлиги ҳақидаги маълумотнома топширилганидан сўнг берилади.

106. Ходимнинг вафоти туфайли уни дафн этиш маросимини ўтказиш нафақасини олиш учун ижтимоий суғурта комиссиясига ФХДЁ бўлими томонидан берилган вафот этганлик тўғрисидаги маълумотнома топширилади. Оила аъзоси вафот этганда эса вафот этганлиги ҳақидаги маълумотномадан ташқари уй-жойдан фойдаланиш идораси (бинодан фойдаланиш дирекцияси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари) томонидан вафот этган шахснинг ходим билан қариндошлик алоқалари борлиги ва у ходимнинг қарамоғида бўлганлиги тўғрисида маълумотнома ҳам топширилиши лозим.

Топширилган ҳужжатлар асосида вакил қилинган комиссия аъзоси нафақа олиш ҳуқуқини, унинг миқдорини белгилайди ва нафақа тайинлаш ҳақида қарор чиқаради ва нафақа тайинлаш баённомасига ёзиб қўяди.

107. Корхона тугатилганда, Низомга мувофиқ нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тугатилган корхонанинг ҳуқуқий вориси ёки тугатиш комиссияси томонидан берилади.

Тугатиш комиссияси ишни якунлаган (якуний баланс топширилган) ҳолларда, нафақа ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланиб, тўланади. Бунда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш учун қўшимча ҳужжатлар, яъни тугатиш комиссияси томонидан тўланган нафақа (комиссия томонидан якуний баланс топширилиб барча ҳисоб рақамлар ёпилганлиги) тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилади.

108. Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзосига, шунингдек айрим фуқароларникида шартнома асосида ишлаётганлар нафақа олиш учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини, бола туғилганлик ҳақидаги маълумотномани ва вафот этганлик тўғрисидаги маълумотномани ижтимоий таъминот бўлимига топширадилар. Топширилган ҳужжатлар асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари шўъбалари томонидан нафақа тайинлаш (тайинламаслик) ва унинг миқдорлари масаласи кўриб чиқилиб, ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг қарори чиқарилади ва белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Нафақалар, фуқароларнинг фоизсиз шахсий ҳисоб рақамига нафақа суммасини ўтказиш йўли билан банк орқали тўланади.

Нафақа тайинлашда мазкур Низомнинг 98-106 бандларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

109. Ортиқча тўлаб юборилган нафақа суммаси, агар ортиқча тўлаш санашда (арифметик) адашиш ёки нафақа олувчининг қалбаки маълумотнома тақдим қилиши (ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ва ҳоказолар) туфайли содир бўлган бўлса, нафақа олувчидан ундириб олинади.

Чегириш кейинги сафар тўланадиган нафақа ёки иш ҳақидан амалга оширилади. Ҳар сафар ходим олиши керак бўлган суммадан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган сумма чегириб қолинади. Чегириб қолиш корхонанинг ҳисоб-китоб бўлими орқали комиссиянинг қарори асосида амалга оширилади.

Бу қарор санаш жараёнида йўл қўйилган хато туфайли ортиқча тўлаш содир бўлганда нафақа тайинланган кундан 3 ойдан кечиктирмай, ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилиш бўйича содир бўлганда эса чекланмаган муддатда қабул қилиниши мумкин.

Агар ходим мазкур корхонада ишламаётган бўлса, унга ортиқча тўлаб юборилган нафақа суммаси суд орқали ундирилиб олинади. Нафақа олишда суиистеъмолликка йўл қўйилса (қалбаки ҳужжат тақдим этиш, фирибгарлик ва ҳоказолар), ҳужжатлар қонунда белгиланган чораларни қўллаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

Судларнинг қарорига асосан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларидан алимент, майиб бўлганлик ва саломатликка етказилган ва бошқа зарарларни қоплаш бўйича харажатлар чегирилиши мумкин. Нафақалардан бошқа ҳеч қандай чегирма амалга оширилмайди.

110. Ходимнинг вафоти кунигача олинмай қолган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси у билан бирга яшаган оила аъзоларига, шунингдек, унинг қарамоғида бўлганларга берилади.

Ходимнинг вафот этган кунига қадар олинмаган нафақа вафот этган ходим билан қариндош ва бирга истиқомат қилганлик ёки вафот этганнинг қарамоғида бўлганликни тасдиқловчи далил бўлган ҳужжат топширилганидагина берилиши мумкин.

Бола туғилганда бир йўла тўланадиган нафақани олиш ҳуқуқига эга бўлган она вафот этганда мазкур нафақа отага ёки болани ўз тарбиясига олган бошқа шахсга берилади.

111. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағидан бериладиган нафақа белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўйича тўланиши, фуқароларнинг аризасига биноан банк муассасаларидаги ҳисобрақамига ўтказилиши ҳамда алоқа бўлими орқали жўнатилиши мумкин.

Нафақани жўнатиш билан боғлиқ бўлган чиқимлар нафақа суммасидан ушлаб қолинади.

§ 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

112. Корхонанинг бош бухгалтери комиссия билан бир қаторда нафақа тўлаш бўйича маблағларнинг тўғри сарфланиши учун жавобгардир.

Агар нафақа тайинлаш ёки ходимнинг умумий иш стажини аниқлаш пайтида қонунчиликда кўзда тутилган қоидалар бузилишига йўл қўйилган ёки тўлов учун тақдим қилинган ҳужжатлар нотўғри расмийлаштирилган бўлса бош бухгалтер тўловни амалга оширмай, уларни йўл қўйилган хатолар тўғрисидаги ёзма баённомаси билан ижтимоий суғурта бўйича комиссияга қайтариб бериши шарт.

113. Худудий солиқ органларининг талабига биноан корхона маъмурияти текшириш ўтказиш учун зарур бўлган нафақаларга оид ҳужжатларни тақдим этади. Бошқа даврлар бўйича текширишлар нафақалар тўланадиган маблағларни сарф қилишда суиистеъмоллик фош этилган тақдирда ўтказилади. Барча текширишлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

114. Иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилиши оқибатида ходимнинг меҳнатда майибланганлиги ёки касб касаллигига чалинганлиги аниқланса, корхона маъмурияти бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушбу шикастланиш ва касаллик сабабли берилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақани тўлашга кетган барча ҳаражатларни қоплаши лозим.

115. Нафақаларни тўлаш учун қилинган ҳаражатлар қонунчиликка ҳилоф равишда амалга оширилганда корхона, ташкилот, муассасалар томонидан қилинган ҳаражатлар Пенсия жамғармаси ҳисобига ўтказилган бадаллар ҳисобига қабул қилинмайди ва улар корхона ҳисобига ёзиб қўйилади. (ЎЗР АВ 20.05.2003 й. 1136-1-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МАИМҚВ 15.05.2003 й. 49-сон Буйруғи таҳриридаги банд)

116. Вакил қилинган ижтимоий суғурта комиссияси аъзоси томонидан қабул қилинган қарор устидан Ижтимоий суғурта бўйича комиссияга шикоят қилиниши мумкин. Комиссиянинг қарори устидан туман ва шаҳар солиқ органларига ва ижтимоий таъминот бўлимларига шикоят қилиниши мумкин.

117. Нафақаларни нотўғри ҳисоблаш ва белгилаш ҳамда тўлаш устидан шикоят туман, шаҳар судига берилиши мумкин.

118. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазири, Соғлиқни сақлаш вазири, Марказий банк раиси, Давлат Солиқ қўмитаси раиси ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси билан келишилган. (ЎЗР АВ 20.05.2003 й. 1136-1-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МАИМҚВ 15.05.2003 й. 49-сон Буйруғи таҳриридаги банд)

Молия вазири **М. Нурмуратов**
Тошкент ш., 2002 йил 23 март,

Соғлиқни сақлаш вазири **Ф. Назиров**
Тошкент ш., 2002 йил 23 март,

Марказий банк раиси **Ф. Муллажонов**
Тошкент ш., 2002 йил 23 март,

Давлат солиқ қўмитаси раиси **Б. Хўжаев**
Тошкент ш., 2002 йил 23 март,

Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши раиси **Д. Жахонгирова**
Тошкент ш., 2002 йил 23 март,